



ODILLIK MEZONI

ILMIY-AMALIY, HUQUQIY JURNAL



*9 май — Хотира ва
қадрлаш куни*



“ODILLIK MEZONI”

илмий-амалий, ҳуқуқий журнал

Муассис: Ўзбекистон Республикаси
Одил судлов академияси**Ҳамкорлар**Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши,
Ўзбекистон Судьялари ассоциацияси**ТАҲРИР КЕНГАШИ**Холмўмин ЁДГОРОВ
Убайдулла МИНГБОЕВ
Шерзод АБДУҚОДИРОВ
Дилшод АРИПОВ
Нодирбек САЛАЕВ
Малика ҚАЛАНДАРОВА
Ҳожи-Мурод ИСОҚОВ
Дилшод ИСРОИЛОВ
Худойқул АЗИЗОВ
Илхом НАСРИЕВ
Собир ХОЛБАЕВ
Шавкат ҲАҚНАЗАРОВ
Ботир САМАРХОДЖАЕВ
Толибжон ОБИДОВ
Фозилжон ОТАХОНОВ**Бош муҳаррир**

Арслон ЭШМУРОДОВ

Навбатчи муҳаррир

Шаҳбоз САИДОВ

Саҳифаловчи дизайнер

Шокиржон АЛИБЕКОВ

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация
комиссияси Раёсатининг 2019 йил 31 январ-
даги 261/8 сон қарори билан юридик фанлар
бўйича диссертациялар асосий илмий нати-
жаларини чоп этиш тавсия этилган илмий
нашрлар рўйхатига киритилган.

Манзил: 100097, Тошкент шаҳри,

Чилонзор тумани, Чўпон ота кўчаси, 6-уй

Электрон манзил:

odillikmezoni2019@umail.uz

Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва
ахборот агентлигидан 2019 йил 27 августда
0972-рақам билан қайта рўйхатдан ўтган.

Обуна индекси: 1317

Ҳар ойда бир марта чоп этилади.

Журналда эълон қилинган материаллардан
фойдаланилганда манба қайд этилиши керак.

Босишга 26.05.2026 да рухсат берилди.

Бичими 60x84 13/8,8 босма табоқ.

Буюртма № 87. Адади 1670.

Баҳоси келишилган нарҳда.

“OLTIN NASHR” МЧЖ

матбаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Бунёдкор кўчаси, 42-уй

Телефон: +998 97 735 11 88

МУНДАРИЖА**КУН МАВЗУСИ****4****СУД ЖУРНАЛИСТИКАСИ:
ЯНГИ АВЛОД ШАКЛЛАНМОҚДА****5****“СУД ЖУРНАЛИСТИКАСИ” КУРСИ МЕНГА НИМАНИ ЎРГАТДИ?
АДОЛАТ ЗАЛИДАГИ СУКУТ****6****СУД ТИЗИМИ ВА ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ****7****УСТОЗЛАРДАН ОЛГАН САБОҚЛАРИМ****МУЛОҲАЗА****8****ХОТИРА БОР ЭКАН, ИНСОН ҚАДРЛИ****9****МУТАХАССИС ФИКРИ****ЖИНОИЙ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА
ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК****11****ТЕРГОВ СУДЬЯСИ ИНСТИТУТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА
РИВОЖЛАНИШНИНГ ТАРИХИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ****13****МУШОҲАДА****ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК СОҲАСИДА ИНСТИТУЦИОНАЛ
ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ****15****ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР
ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ ҲУҚУҚИНИНГ ТАДРИЖИ****17****ИЧКИ ИШЛАР ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ
БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ****18****ҲАЛОЛ ТУРИЗМ НИМА?****20****МУҲИМ МАВЗУ****СУДЬЯ ФАОЛИЯТИДА ПСИХОЛОГИК СТРЕСС ОМИЛЛАРИ ВА
УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ****СУДЬЯ МИНБАРИ****21****АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲИМОЯСИНИНГ
ЯНГИ БОСҚИЧИ**

22

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТУВИДА
ПРОЦЕССУАЛ КЕЛИШУВ ШАКЛЛАРИ**

24

ЖИНОЙ ЖАЗОЛАРНИ ТАЙИНЛАШ АСОСЛАРИ

26

**ОИЛАДА БОЛАЛАРНИНГ ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ
ХУҚУҚЛАРИ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ**

28

**ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ
ИЖТИМОЙ ДАВЛАТНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИДИР**

29

**ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ЯНГИ ТАРТИБ ВА ТАЛАБЛАР**

30

ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

**АСОССИЗ БОЙЛИК ОРТТИРИШНИНГ ҚИЁСИЙ
ХУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ**

32

**ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИШ ЮРИТИШНИ ИСТИСНО
ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ**

34

ТАДҚИҚОТ

**МУЛКНИ ҚАСДДАН НОБУД ҚИЛИШ ЁКИ
УНГА ЗАРАР ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ
СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ БЕЛГИЛАРИ**

36

**СУД БОСҚИЧИДА ЖИНОЯТ ИШИНИ ТЎХТАТИБ
ТУРИШНИНГ ХУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

38

**ВОЯГА ЕТМАГАН ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА
АЙБЛАНУВЧИЛАРНИНГ ХУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ**

40

ДАЛИЛ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

42

**GERMANIYADA ХУҚУҚНИ СУИИСТЕЪМОЛ
ҚИЛИШ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ**

44

**ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТУВИДА ШАХСИЙ
ДАҲЛСИЗЛИК ХУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ
КАФОЛАТЛАРИ**

46

**АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФЙДАЛАНИБ СОДИР
ЭТИЛАДИГАН ФИРИБГАРЛИКЛАР: НАЗАРИЙ-ХУҚУҚИЙ
ТАВСИФИ, КЛАССИФИКАЦИЯСИ, ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАСИ**

48

**ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ХУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ
ҚИЛИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИ**

50

**ДИНИЙ БАФРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО
ТОТУВЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ФУҚАРОЛИК
ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИ**

51

**МАЪМУРИЙ СУДЛАРНИНГ ФУҚАРОЛАР
ИШОНЧИ ВА ХУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ**

54

МЕНИНГ ФИКРИМ

**РАҚАМЛИ ДАВРДА ВИРТУАЛ ЖИНОЯТЛАР ВА
ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ**

ТЕМА ДНЯ

55

**ПРЕДУПРЕЖДЕНИЕ НАСИЛИЯ В ОТНОШЕНИИ
ЖЕНЩИН И ДЕТЕЙ КАК ПРИОРИТЕТНОЕ НАПРАВЛЕНИЕ
ГОСУДАРСТВЕННОЙ ПОЛИТИКИ НОВОГО УЗБЕКИСТАНА**

57

НОВЫЙ ЭТАП

**ОСОБЕННОСТИ ИСПОЛНЕНИЯ
ИСПОЛНИТЕЛЬНЫХ ДОКУМЕНТОВ ПРИ
ВВЕДЕНИИ В ОТНОШЕНИИ ДОЛЖНИКА
ПРОЦЕДУР НЕПЛАТЕЖЕСПОСОБНОСТИ**

ПРОЦЕСС

60

**ЭЛЕКТРОННЫЕ ДОКАЗАТЕЛЬСТВА В
СЕМЕЙНЫХ СПОРАХ: НОВЫЕ ВЫЗОВЫ В
ДЕЛАХ О ВОСПИТАНИИ ДЕТЕЙ**

62

ВАЖНАЯ ТЕМА

**ПРАВОВЫЕ БАРЬЕРЫ НАСЛЕДОВАНИЯ ЦИФРОВЫХ
АКТИВОВ ПРИ УТРАТЕ КРИПТОГРАФИЧЕСКИХ КЛЮЧЕЙ
ДОСТУПА: ТУПИКИ НОТАРИАЛЬНОЙ ПРАКТИКИ И
КОНЦЕПЦИЯ РЕФОРМИРОВАНИЯ ГРАЖДАНСКОГО
КОДЕКСА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

ANALYSES

63

**CHILDREN'S RIGHT TO EDUCATION IN THE
CONTEXT OF GLOBAL TRANSFORMATION:
TRENDS AND THE CASE OF UZBEKISTAN**

СУД-ЖУРНАЛИСТИКАСИ: ЯНГИ АВЛОД ШАКЛАНМОҚДА

Бундан икки ой аввал Одил судлов академияси томонидан Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабалари учун “Суд журналистикаси” курси ташкил этилган эди. Мазкур дастур бўлажак журналистларга суд тизимининг тузилишини ўргатиш, ҳуқуқий атамалар билан тўғри ишлаш, жараёнларни холис ёритиш ҳамда касб этикасини сингдиришни мақсад қилган. Бу ташаббус — ўзбек медиа маконида мутлақо янги ва масъулиятли мактаб яратиётганидан далолат беради.

Тез орада ОАВ майдонида суд-ҳуқуқ тизимини профессионал даражада таҳлил қиладиган, вазиятга ҳуқуқшунос нигоҳи билан боқа оладиган холис журналистлар авлоди шаклланади.

Қуйида ушбу курс битирувчиларининг фикр-мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этамиз.





“СУД ЖУРНАЛИСТИКАСИ” КУРСИ МЕНГА НИМАНИ ЎРГАТДИ?

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети ҳамда Одил судлов академияси ҳамкорлигида ташкил этилган суд журналистларини тайёрлаш курсидаги иштироким кўплаб қарашларим асл ҳақиқатдан йироқ бўлганини аниқлатди. Шу йилнинг апрель ойидан бошланган машғулотларда бизга тажрибали судьялар, малакали ҳуқуқшунослар ва соҳа экспертлари томонидан дарс ўтилди. Профессионал курс давомида суд журналистининг касбий қиёфаси, унинг зиммасидаги вазифалар ва деонтологик масъулияти, суд тизими бўғинлари, шунингдек, маъмурий, фуқаролик, жиноят ҳамда иқтисодий судларнинг ўзаро фарқли жиҳатлари хусусида атрофлича маълумот берилди. Шу билан бирга, ахборот олиш ва уни тарқатишнинг ҳуқуқий асослари қонунчилик нормалари мисолида батафсил тушунтирилди.

Машғулотларнинг назарий қисми амалий тадбирлар билан изчил мувофиқлаштирилганини алоҳида таъкидлаш лозим. Очiq суд мажлисларида бевосита иштирок этиш ва процессуал жараёнларни кузатиш орқали тизим фаолиятини ичкаридан туриб, ҳолис баҳолаш имкониятига эга бўлдик.

Ушбу жараёнда амин бўлдимки, бугунги жамиятда суд органлари, судьялар мақоми ва суд ишларига нисбатан муайян стереотиплар (қолиплашиб қолган нотўғри тушунчалар) ҳали ҳам мавжуд. ОАВда суд ишларини ёритишда баъзан бир томонлама ёндашув ёки ҳиссиётларга берилиш ҳолатлари кузатилади. Ваҳолонки, суд-ҳуқуқ мавзусидаги ҳар бир нотўғри талқин ёки асоссиз хулоса инсон тақдири, унинг шаъни, кадр-қиммати ва қонуний ҳуқуқларига даҳл қилади.

Судья ҳукм ёки қарор чиқаришда қонун ва виждон олдида қанчалик масъул бўлса, журналист ҳам суд жараёнини оммалаштиришда шунчалик жавобгарликни ҳис этиши шарт. Чунки ОАВ вакилининг биргина ноаниқ ёки шошма-шошарлик билан берган хабари жамиятда нотўғри тасаввур, асоссиз шубҳа ва ижтимоий норозиликларни келтириб чиқариши мумкин.

Машғулотлар давомида англаганим яна бир муҳим ҳақиқат шу бўлдики, суд мажлисларининг доим ҳам очiq бўлмаслигининг қатъий қонуний ва асосли сабаблари мавжуд экан. Айрим тоифадаги ишларда фуқароларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги, тижорат ёки давлат сирларини муҳофаза қилиш зарурати туғилади. Шу нуқтаи назардан, жамият талаб қилаётган ошқоралик принципи ва қонунчилик томонидан кафолатланган маҳфийлик ўртасидаги нозик мувозанатни тўғри англаш ҳамда ўқувчиға тўғри тушунтира олиш суд журналистининг бош маҳорат мезонидир.

Хулоса қилиб айтганда, суд журналистикаси менга бир касбий ҳақиқатни ўргатди: ҳар қандай ахборот, аввало, ақл ва қонун тарозисида ўлчаниши шарт. Суд ҳокимиятига оид ҳар қандай мавзу эса баландрарвоз ҳиссиётлардан холи, фақат холислик, аниқлик ва юксак масъулият мезони асосида ёритилиши зарур.

Лайло ОЧИЛДИЕВА,

“Суд журналистикаси” курси тингловчиси, ЎзЖОКУ талабаси.

Эшик секин очилди. Суд залига кирган ҳар бир одам ўз жойини эгаллашга шошилмай, гўё ниманидир кутаётгандек атрофга қарайди. Ўртада эса бошини қуйи солган йигит — бугунги суд муҳокамасининг “қаҳрамони” — жим турарди. Унинг қўллари бироз титраётгани узоқдан ҳам сезилиб турибди.

АДОЛАТ ЗАЛИДАГИ СУКУТ

Судья залга кириб келгач ҳамма ўрндан турди. Қисқа расмий жараёнлардан сўнг иш мазмуни ўқилди. Айбланувчи — 23 ёшли йигит — кўшнисининг уйдан пул ўғирлашда гумон қилинмоқда. Оддий кўринган бу иш ортида эса анча мураккаб ҳаётий ҳолатлар яширинган эди.

Прокурор қатъий оҳангда гап бошлади. У далилларни кетма-кет санаб ўтди: кузатув камералари, гувоҳларнинг кўрсатмалари, топилган пул. Ҳар бир факт йигитнинг айбини тасдиқлаётгандек туюларди. Зал жим — фақат қоғоз шовқини ва прокурорнинг овози эшитиларди. Навбат адвокатга берилди. У эса бошқача йўл тутди. Рақамлардан кўра инсон ҳақида гапирди. Айбланувчининг оилавий аҳволи, отасининг касаллиги, ишламай қолган даври ҳақида сўз очди. “Бу жиноятни оқламайди, лекин тушунтиради,” деди у паст, лекин ишончли оҳангда.

Судья бир муддат сукут сақлади. Айбланувчиға сўз берилганда, у бошини кўтарди. У шивирлаб гапирган бўлсада аммо овози аниқ эшитилди:

— Мен хато қилдим. Бошқа йўл борлигини ўйламабман...

Бу сўзлар залда оғир сукунат қолдирди. Гўё ҳамма шу бир жумлани кутаётгандек эди. Бир неча дақиқалик танаффусдан сўнг ҳукм эълон қилинди. Суд айбланувчини айбдор деб топди, аммо унинг ҳолатини инобатга олиб, енгиллаштирилган жазо тайинлади.

Зал аста-секин бўшай бошлади. Кимдир бу қарорни адолатли деб билди, кимдир эса бошқача фикрда эди. Аммо, битта савол очiq қолди: инсонни жиноятга нима етаклайди — шароитми ёки танлов? Суд зали яна сокинликка чўмди. Аммо, бу ерда айтилган сўзлар, қабул қилинган қарор ва бир йигитнинг “хато қилдим” деган иқрори узоқ вақт ёддан чиқмай-дигандек эди.

Азизбек ЧОРИЕВ,

“Суд журналистикаси” курси тингловчиси,
ЎзЖОКУ талабаси.



СУД ТИЗИМИ ВА ЖУРНАЛИСТ МАСЪУЛИЯТИ

Суд бинолари ташқаридан кузатган киши учун оддий давлат идорасидек туюлиши мумкин. Аммо, у ердаги жараёнларнинг бир мартаба бўлса-да бевосита гувоҳи бўлган киши мазкур маскандаги муҳитнинг асл моҳиятини теран англаб етади. Йўлакларда хавотир билан кутаётган инсонлар, эшик ортида ўз тақдирини кутаётган айбланувчи, адолат излаб келган жабрланувчи, сукутга чўмган яқинлар... Суд залида фақатгина қуруқ қонун моддалари эмас, балки инсоний кечинмалар, изтироб ва умидлар ҳам ёнма-ён туради. Ана шундай мураккаб, ниҳоятда нозик жараёни жамиятга тўғри ва холис етказиш эса журналистлар зиммасидаги улкан масъулиятдир.

“Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак”. Муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган ушбу концептуал ғоя бугунги суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг ҳам бош мезонига айланди. Сўнги йилларда судлар фаолиятида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, ОАВ вакилларининг суд мажлисларидаги иштирокини кафолатлаш, суд қарорларини мунтазам эълон қилиб бориш ҳамда судларнинг матбуот хизматлари фаолиятини кучайтириш борасидаги қадамлар тизимни жамиятга янада яқинлаштирди. Бу эса, ўз навбатида, профессионал суд журналистикасига бўлган ижтимоий эҳтиёжни кескин оширди.

Илгари суд мавзуси кенг жамоатчилик учун ёпиқ соҳа ҳисобланар, ОАВда фақат қисқа расмий хабарлар берилиб, воқеа тафсилотлари ва ҳуқуқий таҳлилларга деярли ўрин ажратилмас эди. Бугун эса вазият тубдан ижобий томонга ўзгарди. Интернет нашрлари, ижтимоий тармоқлар ва тезкор ахборот алмашинуви муҳити сабабли суд жараёнлари жамоатчилик диққат марказидаги бош мавзулардан бирига айланди. Бирор-бир шов-шувли иш кўриляётганда одамлар суд органларидан тезкор ва холис маълумот кутади, жараёнларни кузатиб, ижтимоий муносабат билдиради. Айни шу омил суд мавзусини ёритаётган журналистлар зиммасига икки қарра масъулият юклайди. Зеро, суд журналистикасининг энг муқаддас тамойили — холислик ва қонунийликдир. Суднинг якуний ҳукми қонуний кучга кирмагунча, ҳеч кимни жиноят содир этишда айбдор деб аташга йўл қўйилмайди. Одил судловнинг ушбу устувор талаби Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида айбсизлик презумпцияси сифатида қатъий мустаҳкамлаб қўйилган.

Аммо, тан олиш керак, бугунги кунда ижтимоий тармоқларда ҳали тергов ҳаракатлари яқунланмай туриб, кескин ва айблов руҳидаги сарлавҳалар пайдо бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. “Жиноятчи ушланди”, “фирибгар фош қилинди”, “айбдор жазодан қочиб қутулмади” каби иборалар ҳали суднинг якуний қарори чиқмаган инсонни олдиндан қоралашга, жамоатчилик кўзида “ҳукм чиқариб бўлишга” хизмат қилмоқда. Бу эса журналистиканинг бош принципи бўлган холислик ва айбсизлик презумпцияси талабларига мутлақо зиддир.

Суд-ҳуқуқ мавзусини ёритадиган журналист оддий репортёр бўлиб қола олмайди. У қонун устуворлигини ҳис қилиши, суд процессининг ички механизмини чуқур билиши

шарт. Чунки судга оид битта нотўғри ишлатилган сўз ортида тирик инсон тақдирини ва жиддий ҳуқуқий муаммолар туради. Масалан, айрим ОАВ вакиллари “судланувчи” ва “маҳкум” тушунчаларини англамай, бир-бирининг ўрнига алмаштириб қўллашади. Ваҳолонки, бу икки атама ўртасида катта ҳуқуқий фарқ бор: шахс фақатгина суд ҳукми қонуний кучга киргандан кейингина маҳкум ҳисобланади. Шу сабабли ҳам суд журналистикасида ҳар бир сўзнинг ўз вазни, масъулияти ва ҳуқуқий оқибати мавжуд.

Суд залида журналист қуруқ статистика билан эмас, жонли инсон тақдирлари билан юзма-юз келади. Айрим жараёнларда оилалар барбод бўлаётганига, баъзан биргина хато туфайли ёш йигитнинг бутун ҳаёти чил-парчин бўлганига, бошқа бир ҳолатда эса жабрланувчининг йиллар давомида ичида тўпланган изтиробларига гувоҳ бўласиз. Бундай вазиятларда журналистнинг вазифаси воқеликни бўрттириш эмас, балки вазиятни борица, холис тасвирлашдан иборатдир.

Афсуски, бугунги медиа маконда суд мавзуси тез-тез сенсация воситасига айлантирилмоқда. Суд залидан қисқа, контекстдан узиб олинган видеолар жойланиб, энг ҳиссиётли жумлалар сарлавҳага чиқарилади. Натижада оммага воқеанинг асл ҳуқуқий моҳияти эмас, балки унинг энг шов-шувли қисми тақдим этилади ва бу жамоатчилик фикрини нотўғри шакллантиради. Аслида эса, суд журналистикаси арзон шухрат учун эмас, жамиятнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва маданиятини ошириш учун хизмат қилиши лозим.

Суд тизимининг очиқлиги журналистларга кенг имкониятлар берди, аммо бу эркинлик ортидан катта жавобгарлик ҳам келди. Суд журналисти бошқа йўналиш вакилларидан айнан шу масъулияти билан ажралиб туради. Маданий-маиший мавзудаги услубий хато вақт ўтиши билан унутилиши мумкин, бироқ суд мавзусидаги хатолик инсон ҳаётини барбод қилишга қодир. Шу боис бу соҳада тезкорликдан кўра аниқлик ва холислик бирламчи мезондир. Профессионал суд журналисти воқеани оғирлаштирмайди, одамларни олдиндан оқламайди ёки қораламайди. У қонун ва касб этикаси доирасида кўрганни жамиятга холис етказиши. Ана шундагина журналистика ҳам, суд тизими ҳам халқнинг чинакам ишончини сақлаб қола олади.

Маржона ЗАРИПБАЕВА,

“Суд журналистикаси” курси тингловчиси, ЎзЖОКУ талабаси.



УСТОЗЛАРДАН ОЛГАН САБОҚЛАРИМ

Бугунги глобллашув даврида ахборот шунчаки восита эмас, балки жамият фикрини шакллантирувчи, йўналтирувчи қудратли кучга айланди. Айниқса, суд-ҳуқуқ тизимига оид маълумотлар нафақат алоҳида шахслар, балки бутун жамият тақдири ва ҳуқуқий онгига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Шу боис суд журналистикаси — оддий ижодий йўналиш эмас, балки юксак масъулият, ҳушёрлик ва профессионал ёндашув талаб этадиган мураккаб ва ўзига хос соҳадир.

Мен айнан шу мақсадда ташкил этилган “Суд журналистикаси” махсус ўқув курсида иштирок этар эканман, касбнинг асл моҳияти ва ички мураккабликларини янада чуқурроқ англай бошладим. Икки ойга мўлжалланган ушбу семинар-тренинг мен учун шунчаки назарий дарслар мажмуаси эмас, балки амалий ҳаёт мактаби ва ўзига хос тажриба майдонига айланди.

Семинарнинг дастлабки куни расмий очилиш маросими билан бошланди. Соҳанинг тажрибали мутахассислари ўз чиқишларида бугунги тезкор ахборот маконида суд тизими фаолиятини тўғри ва холис ёритиш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидладилар. Уларнинг фикр ва таҳлилларидан англаган энг муҳим хулосам шу бўлди: суд жараёнларини ёритувчи журналист бўлиш — шунчаки воқеа-ҳодисани баён қилиш эмас, балки ҳақиқатни бузмасдан, қонун доирасида ва жамият манфаатларини чуқур ҳис қилган ҳолда холис талқин эта билишдир.

Айниқса, машғулотларнинг фақатгина назария билан чекланиб қолмай, амалиёт билан уйғунликда олиб борилаётгани менга ўзгача куч бағишлади. Бўлажак мутахассис учун реал суд жараёнларида бевосита иштирок этиш имконияти — бекиёс маҳорат мактабидир. Зеро, дарсликларда баён этилган назарий қондалар билан жонли суд залидаги муҳит ўртасида сезиларли фарқ борлигини англаш қийин эмас.

Малакали педагог ва соҳа мутахассислари томонидан таъкидланган бир муҳим янгилик — истиқболда университетимизда суд журналистикаси йўналишининг алоҳида ихтисослашув тармоғи сифатида очилиши режалаштирилаётгани ушбу соҳанинг нақадар зарур ва кенг имкониятларга эга эканидан далолат беради. Машғулотларнинг илк куни якунида барча тингловчилар билан биргаликда Одил судлов академияси биноси олдида тушилган эсдалик сурати мен учун шунчаки фотосурат эмас, балки катта соҳага қўйилган илк қадамнинг рамзий ифодаси бўлиб муҳрланди.

Семинарнинг иккинчи куни мен учун ҳақиқий тафаккур имтиҳонига айланди. Таниқли публицист, “Халқ сўзи” газетаси бош муҳаррири Шухрат Жабборов томонидан ўтказилган маҳорат дarsi давомида журналистик фаолиятнинг энг нозик жиҳатини кашф этдим: сўз — бу қудратли қурол. У орқали инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам, аксинча, биргина бепарволик билан унга тиклаб бўлмас зарар етказиш ҳам мумкин.

Устозимизнинг “Суд — ҳаётнинг ичида қайнаган жараён” деган теран фикри мени чуқур мушоҳадага чорлади. Ҳақиқатан ҳам, суд залида кўрилаётган ҳар бир иш орқасида инсон тақдири, унинг изтироби, хатолари ва умидлари мужассам. Журналист эса мазкур жараённи кенг жамоатчиликка етказишда масъулиятсизликка йўл қўйишга, битта ноўрин сўз билан тақдирларни барбод этишга асло ҳақли эмас.

Тинглов синовлари давомида шаклланган яна бир концептуал хулоса шу бўлдики, судга фақатгина жазоловчи орган сифатида қараш мутлақо нотўғри. Аксинча, суд — инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи, адолатни қарор топтирувчи энг олий институтдир. Бу тизимли қараш менинг суд-ҳуқуқ соҳасига бўлган муносабатим ва дунёқарашимни тубдан ўзгартирди.

Машғулотлар давомида сўз ва ахборот эркинлиги ҳамда цензура масалалари атрофидаги мулоҳазалар ҳам эътиборимни тортиди. Ахборот эркинлиги замонавий журналистиканинг бош мезони бўлса-да, бу ҳуқуқ юксак касбий масъулият билан уйғунлашмаса, жамият учун хавfli тус олиши мумкинлиги-

ни англадим. Айниқса, суд жараёнларини ОАВда ёритишда ўндан ортиқ қонун ҳужжатлари ва халқаро нормаларга қатъий амал қилиш зарурати ушбу ихтисослашувнинг нақадар нозик эканини яққол кўрсатади.

Семинарнинг учинчи куни орттирилган билимларни тизимлаштириш ва соҳа ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилиш босқичи бўлди. Жиноят ва маъмурий судлар фаолиятининг ўзига хос жиҳатлари хусусидаги маърузалар менга суд ҳокимиятининг ички институционал механизмини яқиндан ўрганиш имконини берди.

Жиноят судларида кўриладиган мураккаб ишлар тоифаси, суд босқичларининг изчиллиги ҳамда чиқарилган қарорларнинг қайта кўриб чиқиш тартиби — буларнинг барчаси адолат мезонларини таъминлашга хизмат қилувчи мустаҳкам тизим эканига амин бўлдим. Айниқса, суд ҳукмининг юқори инстанцияларда ўзгартирилиши ёки бекор қилиниши мумкинлиги фактори — суд журналистидан процессуал жараёнлар якунлангунга қадар максимал даражада эҳтиёткорлик ва холислик билан ҳаракат қилишни тақозо этади.

Маъмурий судлар фаолияти хусусидаги таҳлиллар эса мен учун алоҳида аҳамият касб этди. Давлат органлари ва фуқаролар ўртасидаги оммавий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилувчи ушбу тизим, аслида, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини давлат тузилмаларининг ноқонуний қарорларидан ҳимоя қилишда энг самарали воситадир. Мазкур институтнинг Ўзбекистон суд тизимида нисбатан янги йўналиш экани ҳамда хориж тажрибаси билан қиёсий таҳлили соҳанинг бугунги кундаги ислохотлар ривожига қанчалик долзарб ўрин тутишини кўрсатиб берди.

Энг муҳими, машғулотлар давомида мени узоқ вақтдан бери ўйлантириб келаётган саволга аниқ жавоб топдим: агар журналист биринчи инстанция судининг ҳукмига асосланиб хабар тарқатган бўлса-ю, кейинчалик ушбу ҳукм юқори судлов босқичида ўзгартирилса ёки бекор қилинса, ижодкор қандай йўл тутиши керак? Соҳа мутахассисларининг бу борадаги ҳуқуқий тушунтиришлари менга бир ҳақиқатни аңлатди: журналист ҳар қандай вазиятда фақат холис фактга таяниши, ахборотни тўғри талқин қилиши ва зарурат туғилганда, жамоатчиликка зудлик билан тўғриланган, аниқлаштирилган маълумотни етказиши шарт.

Ушбу уч кунлик қизгин жараён менга нафақат янги билимлар тақдим этди, балки танлаган касбимга нисбатан дунёқарашимни ҳам тубдан янгилади. Мен суд журналистикаси шунчаки воқеа-ҳодисаларни баён этиш эмас, балки адолат мезонларини тўғри англаш ва аңлатиш, жамият билан қонун устуворлиги ўртасида мустаҳкам ишонч кўпригини бунёд этиш эканини тушуниб етдим.

Бугун мен ўзимга: “Хўш, мен келажақда қандай журналист бўламан?” деган жиддий саволни бердим. Мазкур ўқув курси эса шуурида ушбу саволнинг мукамал жавобини шакллантирди: агар мен чинакам суд журналисти бўлишни мақсад қилган эканман, чуқур билим, касбий ҳалоллик ва юксак масъулиятни фаолиятимнинг бош мезонига айлантиришим лозим.

Ишонаманки, бу каби тизимли ўқув курслари нафақат мен, балки соҳага кириб келаётган кўплаб бўлажак ҳамкасбларим учун ҳам улкан маҳорат мактаби бўлиб хизмат қилади. Чунки айнан шундай маърифат масканларида биз фақатгина касб сирларини эмас, балки адолат ва ҳақиқатни ҳимоя қилишдек шарафли масъулиятни ҳам қалбдан ҳис қилишни ўргандик.

Сирожддин САМАНДАРОВ,

“Суд журналистикаси” курси тингловчиси, ЎзЖОКУ талабаси.

ХОТИРА БОР ЭКАН, ИНСОН ҚАДРЛИ

Инсон қадрли ва олижаноблик туйғулари ҳар қандай замон ва маконда энг олий қадрият бўлиб келган. Зеро, давлатларнинг қудрати фақат уларнинг иқтисодий ёки ҳарбий салоҳияти билан эмас, балки ўз фуқароларига, хусусан, ўтмиш ва келажак ўртасидаги олтин кўприк бўлган аждодлар хотирасига бўлган муносабати билан ҳам ўлчанади. Инсон қадрини улуглаш, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча одамларга меҳр ва эътибор кўрсатиш — ҳар қандай адолатли жамиятнинг бош тамойилидир.

Бугун ушбу тамойил янгиланаётган Ўзбекистоннинг Конституцияси ва “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида ҳам бош мезон сифатида белгиланган. Бу тушунчалар шунчаки қоғоздаги сатрлар эмас, балки ҳар йили 9 май яқинлашганда халқимиз юрагида янада теранроқ акс садо берадиган, миллий ўзлигимизни намоён этадиган қадриятга айланади. 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда шунчаки тақвимдаги сана эмас, балки ота-боболаримизнинг мислсиз жасорати ва ўзбек халқининг буюк инсонпарварлик фазилятларига қўйилган юксак ҳурмат тимсолидир.

Иккинчи жаҳон урушида Ўзбекистон халқи фашизм устидан қозонилган ғалабага беқиёс ҳисса қўшди. Мамлакат аҳолисининг учдан бир қисми фронтга сафарбар этилиб, уларнинг юз минглаб нафари жанг майдонларида ҳалок бўлди ва бедарак кетди. Шу билан бирга, урушда мисли кўрилмаган жасорат кўрсатган кўплаб ватандошларимиз юксак давлат мукофотлари ва олий унвонлар билан тақдирландилар.

Шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши даврида Ўзбекистон аҳолиси юксак инсонпарварлик ва бағрикенглик намунасини ҳам кўрсатди. Жумладан, фронт ҳудудларидан кўчирилган 1,5 миллиондан ортиқ инсон, хусусан, 250 минг нафар етим қолган болалар бошпана ва озиқ-овқат билан таъминланди. Халқимизнинг бу фидокорлиги жаҳон тарихидаги энг йирик оммавий инсонпарварлик ҳаракатларидан бири сифатида эътироф этилади.

Вақт ўтгани сайин ўша суронли йиллар қаҳрамонларининг, шунингдек, истиқлол даврида Ватанмиз мустақиллиги ва халқимиз осойишталиги йўлида жон фидо этган мард ўғлонларимизнинг хотирасини эъзозлаш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишига айланди. Зеро, бугунги тинч ва осуда кунларимиз учун қон тўккан инсонларни қадрлаш — келажак авлод олдидаги энг муқаддас бурчимиздир.

Шу мақсадда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан имзоланган “9 май — Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор бу борадаги ишларни янги босқичга олиб чиқди. Мазкур қарорга мувофиқ, байрам тадбирлари мамлакатимиз бўйлаб “Бурч, жасорат, матонат!” деган улғувор шиор остида ташкил этилди.

Қарорда белгиланганидек, бугунги кунда орамизда соғ-саломат яшаб келаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва фронт орти меҳнат фахрийларига, шунингдек, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш чоралари қатъий белгилаб қўйилди. Давлат органлари раҳбарлари, ҳарбий қисм командирлари, маданият арбоблари ҳамда “Жасорат мактаби” ўқувчилари ва “Ватан таянчи” ҳаракати аъзолари бўлган ёшларнинг



фахрийлар хонадонига шахсан ташриф буюриши тизимли равишда йўлга қўйилди.

Шунингдек, ёлғиз ва кам таъминланган фахрийларнинг тураржойларини ободонлаштириш, уларга Президент номидан бир марта тўланадиган пул мукофотларини тантанали топшириш ҳамда фахрийларни республика ҳудудидаги санаторийларга бир нафар кузатувчиси билан бирга бепул юбориш каби ғамхўрликлар қарорда ўз аксини топган. Бу чора-тадбирлар давлатнинг ўз қаҳрамонларига бўлган олий эҳтиромидан далолат беради.

Бугунги замон ғоят мураккаб ва таҳликали кечмоқда. Дунёнинг турли нуқталарида зиддиятлар ва уруш оловлари қайтадан алангаланаётган бир даврда, тинчликнинг нақадар буюк неъмат эканини англаш ҳар қачонгидан ҳам муҳимроқдир. Давлатмииз раҳбари ўз байрам табригида бутун эл-юртимизни бугунги вазиятдан тўғри хулоса чиқаришга чақирди:

“Бугунги ғоят таҳликали замоннинг ўзи барчамиздан жамиятимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва диний конфессиялар ўртасидаги дўстлик ва тотувлик муҳитини янада қадрлаб яшашни талаб этмоқда. Ҳеч қачон унутмайлик, миллий бирлик ва ҳамжиҳатлик — бизнинг бебаҳо бойлигимиз, барча ютуқ ва ғалабаларимизнинг мустаҳкам асосидир”.

Президентмииз таъкидлаганидек, ҳозирги мураккаб даврда Ватан мустақиллигини, халқ осойишталигини асраш, Қуролли Кучларимиз салоҳиятини ошириш ва ёшларимизни ёт ва зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиб, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш бизнинг ҳал қилувчи вазифамиздир.

Фахрийларимизнинг шонли умр йўли ва матонати халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлигидир. Токи инсоният бор экан, ўтганлар хотираси мангу эъзозда. Зеро, Хотира боқий — Қадр муқаддасдир.

Шавкат ШАМШИЕВ,

Сирдарё вилоят суди раисининг ўринбосари, жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати раиси.

ЖИНОЙИ СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

АННОТАЦИЯ: мақолада жинойи суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, соҳадаги мавжуд тизимли муаммолар ва уларни бартараф этиш истиқболлари таҳлил қилинади. Муаллиф трансмиллий жиноятчиликнинг ўсиши шароитида ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жараёнларининг марказлаштирилганлиги ва муддатларнинг белгиланмаганлиги тергов самарадорлигига салбий таъсир этаётганини асослаб беради. Мақолада рақамли далилларни тўплашда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва ўзаролик принципининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: халқаро ҳамкорлик, трансмиллий жиноятчилик, ҳуқуқий ёрдам, ўзаролик принциплари, рақамли ва электрон далиллар, процессуал муддатлар.

Бугунги кундаги бутун дунёнинг глобаллашуви, давлатлар ўртасида ташқи сиёсат, иқтисодийётда ва бошқа муносабатларда юз бераётган кескин ўзгаришлар, давлат бошқарувида, шунингдек халқаро муносабатларда янги тенденцияларнинг пайдо бўлишига олиб келмоқда. Ахборот коммуникация технологияларининг кенг жорий қилиниши халқаро ва трансмиллий жиноятларнинг фоллашиши билан бирга, турли ривожланган технологияларни қўллаб содир этилаётган мураккаб турдаги жиноятларнинг кескин даражада ўсишига олиб келмоқда.

Айниқса, банк ва ишлаб чиқариш соҳасида, инвестиция, фуқароларни иш билан таъминлаш сиёсати, миграция масалалари ва бу соҳаларни мониторинг қилишда, ушбу муносабатларни ривожлантиришда энг юқори технологиялар, илм-фан ютуқлари, замонавий телекоммуникация тармоқлари қўлланилмоқда. Бу албатта тараққиётнинг ижобий тарафи бўлса, иккинчи томондан бу муносабатларнинг ривожланиши билан бирга давлатлараро халқаро жиноятчиликнинг кўпайиши каби салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Коррупция, легаллаштириш, гиёҳвандлик воситалари ва қурол-яроғлар, одам савдоси, экстремизм, терроризм ва уюшган жиноятчилик каби жиноятларнинг содир этилиши аксарият ҳолларда бир нечта давлатлар ҳудудини қамраб олади. Бу жиноятларни фош қилиш учун шу жиноят содир этилган давлатлар ёки содир этилган жиноятнинг ҳуқуқий оқибати келиб чиққан давлатнинг ваколатли органлари ҳамкорликда фаолият юритишларини тақозо этади.

Шунинг учун жиноят ишларини юритишда хорижий давлатларнинг ваколатли органлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, бу ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосларини ислоҳ қилиш ва кенгайтириш замон талаби бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига 2010 йил 28 сентябрда жинойи суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорликка бағишланган алоҳида ўн тўртинчи бўлим билан ўзгартиришлар киритилган. Бунда жиноят ишларини юритиш соҳасидаги халқаро шартномаларга мувофиқ, ёки ўзаролик принципига асосан процессуал ҳаракатларни хорижий давлат ҳудудидида бажариш ёки хорижий давлатнинг

ваколатли органи томонидан берилган сўровномани Ўзбекистон Республикаси ҳудудидида бажариш тартибга солинган.

Мазкур бобда назарда тутилган процессуал тартиблар бугунги кунда ҳам такомиллаштирилиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексига жиноят ишларини юритишдаги халқаро ҳамкорликка бағишланган ўзгартиришлар охириги маротаба 2024 йил 21 ноябрда киритилган.

Жинойи суд ишларини юритиш соҳасида халқаро ҳамкорлик масалалари жиноятчиликка қарши курашиш икки давлатнинг жиноят ишлари бўйича бир-бирига ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда муҳим ўрин тутди. Негаки, у ёки бу давлатнинг жинойи суд ишларини юритиш соҳасидаги мақсад ва вазифалари умумийликни қамраб олади. Яъни, жиноятларни тез ва тўла очиш, жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши билан бирга жиноят-процессуал қонунчиликда белгиланган тартибни, қонунийликни мустаҳкамлашга, жиноятларнинг олдини олишга, шахс, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя этиш каби масалаларни назарда тутди. Ушбу масалалар суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг кўп қиррали ҳамда кўп функцияли хусусиятларга эга бўлишини тақозо қилади.

Қолаверса бундай муносабатлар давлатларнинг одил судловни амалга ошириш соҳасидаги ўзаро мажбуриятлари контекстидан ҳам келиб чиқади. Жиноят ишлари бўйича юридик ёрдам кўрсатиш масалалари анъанавий равишда халқаро ҳуқуқ доирасида кўриб чиқилади. Албатта, бу фақат Ўзбекистоннинг миллий қонунчилигида ва (ратификация қилинган, икки давлат ўртасида келишилган) халқаро шартномаларда мавжуд бўлган меъёрий-ҳуқуқий қоидалар орқали амалга оширилади. Бугунги кунда мавжуд миллий ва халқаро ҳуқуқ нормаларини ҳар томонлама ўрганиш, ҳозирги ҳолатни реал баҳолаш ва уларнинг қонун ижодкорлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш даражасидаги ўзаро таъсирининг истиқболли механизmlарини тадқиқ қилиш долзарблигини кўрсатмоқда.

Назарда тутилаётган тадқиқотларга аввало илмий ёндашиб, масаланинг назарий ечимларини таҳлил қилиш керак бўлади.



Ўзбекистон Республикаси Жиноят процессуал кодексидан, жумладан бошқа давлат процессуал кодексларида ҳам биз сўз юритаётган халқаро ҳамкорлик юзасидан амалга оширилаётган процессуал ҳаракатларда ҳуқуқий ёрдам ёки ўзаролик принципи каби атамалар ишлатилган.

Жиноятчиликка қарши курашишда халқаро ҳамкорлик кенг қамровли тушунча бўлиб, давлатда ўрнатилган қонунларга раҳна солувчи, шу билан бирга шахс, жамият, давлат ва халқаро ҳамжамиятнинг манфаатларини халқаро ва трансмиллий характердаги жиноятлардан ҳимоя қилишда халқаро шартномалар, уларда назарда тутилган нормалар билан биргаликда давлатнинг ички қонунлари қўлланилади.

Шундай ҳулосага келинадиган бўлса, халқаро ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда ҳуқуқий асос сифатида халқаро шартнома ҳисобланадими ёки амалда бўлган ЖПК ҳисобланадими?, деган ҳақли савол туғилади.

Ўзбекистон Республикаси ваколатли органлари жиноят ишларини юритишда ўзаро ҳамкорлик бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда асосан халқаро шартномаларни ҳуқуқий асос сифатида олиб, процессуал ҳаракатларни расмийлаштиришда Ўзбекистон Республикаси ЖПК нормаларидан фойдаланилади. Мазкур процессуал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнида риоя этилиши лозим бўлган принциплар мавжуд эмас. Айнан жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик бўйича ҳуқуқий ёрдам кўрсатишда қандай принципларга риоя этилиши, ёки ўзаролик принципи бўйича халқаро ҳамкорлик қилинганда процессуал ҳаракатлар қайси принциплар доирасида амалга оширилиши Ўзбекистон Республикаси ЖПКда белгиланмаган.

Ўрганилган кўпгина давлатларнинг халқаро ҳамкорлик билан боғлиқ процессуал ҳаракатларни бажаришдаги қоидалар судлар, прокурорлар, терговчилар ва суриштирув органлари учун ягона тартибда белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 595-моддаси тўртинчи қисмига асосан процессуал ҳаракатларни бажариш тўғрисидаги сўровни ижро этишда ушбу Кодекс нормалари қўлланилиши, хорижий давлат ваколатли органининг илтимоси бўйича, агар бу Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига зид бўлмаса, хорижий давлатнинг процессуал қонунчилиги нормалари қўлланилиши мумкинлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКда халқаро ҳамкорлик масалалари янги нормалардан бири бўлганлиги сабабли, бу мавзуга доир илмий адабиётлар, услубий қўлланмалар деярли йўқ десак ҳам хато бўлмайди. Бугунги глобаллашув даврида жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик масалалари энг кучли фазасига кирган бир вақтда, муҳокама қилинаётган мавзу илмий ёндашувларни, мавжуд муаммоларнинг ҳуқуқий ечимини кўрсатиб бериш зарурати юзага келган.

Халқаро муносабатларда бир нечта давлатлар ўртасида содир этилган трансчегаравий, трансмиллий кўринишдаги жиноятлар дейилганда гиёҳвандлик, кибержиноятчилик билан боғлиқ жиноятлар тушунилади.

Лекин жиноятчиларнинг миграцияси, бошқа давлат ҳудудида яшириниб юриши, уларни ушлаб жавобгарликка тортиш, бу борада далилларни йиғиш, бошқа давлат суд қарорларини тан олиш ва ижрога қаратиш каби ва бошқа процессуал ҳаракатлар давлатлар ўртасида ҳамкорлик қилиш заруратини туғдиради.

Ахборот коммуникация технологиялари ривожланган бир пайтда жиноят ишларида, уларни юритишда ҳоҳ у тергов босқичида, ҳоҳ суд жараёнида бўлсин ҳал қилинадиган муҳим процессуал масалалар зудлик билан ечим талаб қилади. Акс ҳолда бу ҳаракатлар ўз маъносини ёки долзарблигини йўқотиши мумкин.

Шундай вақтда халқаро ҳамкорликдаги айрим муаммолардан бири юзага келади. Жумладан, жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича юборилган сўров асосида сўралган процессуал ҳаракатларни амалга ошириш марказлаштирилганлиги боис, сўров давлатнинг халқаро ҳамкорликни амалга оширувчи субъектининг юқори органидан қуйидаги ижрочига етиб келгунига қадар, расмийлаштирув жараёнининг ўзи бир қанча вақтни олади. Чунки, жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик бўйича процессуал ҳаракатларни бажаришда аниқ муддатлар назарда тутилмаган.

Бу вақт ичида ҳуқуқий ёрдам ёки ўзаролик принципи асосида сўралган процессуал ҳаракатни амалга ошириш эса, юқорида кўрсатиб ўтилганидек юритилаётган жиноят иши бўйича ўз долзарблигини йўқотиши мумкин. Масалан, жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга доир жиноят иши бўйича бошқа давлат ҳудудига олиб чиқиб кетилган маблағларни хатлашга оид сўров бўйича кўрсатилган процессуал ҳаракатни расмийлаштирилиб ижрочига етиб келгунга қадар хатлаш сўралаётган маблағлар бошқа давлат ҳудудига олиб чиқиб кетилиши ёки нақдлаштирилиб, тасарруф қилиб юборилиши мумкин. Ахборот технологиялари ривожланган бугунги кунда бу ишни амалга ошириш ҳеч қандай қийинчилик туғдирмаслиги барчамизга маълум.

Шунинг учун жиноий суд ишларини юритиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик масалалари бўйича рақамли ва электрон далилларни йиғиш бўйича ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш жараёнини тезлаштиришда ахборот-коммуникация технологияларидан фаол тарзда фойдаланган ҳолда ахборот алмашинуви жараёнларини процессуал тартибда расмийлаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий нормаларни ислоҳ қилиш зарур бўлади.

Шунингдек, халқаро шартномалар ёки МДХ давлатлари ўртасида имзоланган конвенциялар аъзо давлатлари ва ҳуқуқий ёрдамни амалга оширувчи ваколатли ташкилотлари ўртасида соддалаштирилган тўғридан тўғри ҳамкорлик масалаларини ҳам ислоҳ қилиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Толибжон ОБИДОВ,

Одил судлов академияси Жиноят-ҳуқуқий фанлар кафедраси мудири.

ТЕРГОВ СУДЬЯСИ ИНСТИТУТИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ВА РИВОЖЛАНИШНИНГ ТАРИХИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақола тергов судьяси институтининг тарихий-ҳуқуқий шаклланиши ва эволюциясини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил методологияси асосида тизимли ўрганишга бағишланган бўлиб, унинг долзарблиги жиноят-процессуал ислохотлар доирасида шахс ҳуқуқлари ва давлат мажбурилови ўртасидаги мувозанатни таъминлашнинг назарий ва амалий зарурияти билан белгиланади. Тадқиқот хронологик-таҳлилий, қиёсий-ҳуқуқий ва тарихий-генетик методлар асосида амалга оширилган бўлиб, қадимги цивилизациялардан тортиб замонавий демократик давлатларгача бўлган тараққиёт йўли ёритиб берилган.

Калит сўзлар: тергов судьяси, суд назорати, жиноят процесси, инквизицион тизим, тортишувчанлик тамойили, *juge d'instruction*, *Ermittlungsrichter*, *Habeas Corpus*, процессуал мустақиллик, ҳуқуқий ислохот.

Жиноят-процессида тергов судьяси институтининг тарихий эволюцияси давлатнинг жазолаш аппарати ва шахснинг дахлсизлик ҳуқуқлари ўртасидаги мувозанатни таъминлашга қаратилган бир неча босқичли ҳуқуқий жараён ҳисобланади. Қадимги дунё ҳуқуқий тизимларида, хусусан, илк цивилизацияларда жиноий таъқибни амалга ошириш ва ишни мазмунан ҳал қилиш функциялари аниқ чегараланмаган бўлиб, одил судлов тўлиқ ҳукмдор ёки унинг вакиллари томонидан амалга оширилган. Бироқ, жамиятнинг ҳуқуқий онги ривожланиши билан давлат мажбуриловини қўллаш устидан муайян назорат механизмларини яратиш зарурияти юзага кела бошлади.

Қадимги Рим ҳуқуқида, айниқса республика даврида, жиноятларни тергов қилиш ва суд процессини олиб боришда магистратларнинг ўзига хос ваколатлари шаклланиб, функцияларнинг дастлабки дифференциацияси кўзга ташланди. Рим юриспруденциясида яратилган "*cognitio extra ordinem*" (фавқулодда процесс) тартиботи давлат мансабдор шахсларининг тергов ҳаракатлари устидан преторлар орқали дастлабки назорат ўрнатишнинг илк тарихий куртаклари сифатида баҳоланади.

Рим империяси даврига келиб, юқори мансабдор шахслар, шу жумладан император, қуйи инстанция магистратларининг тергов ҳаракатларига аралашуш ва уларнинг қарорларини қайта кўриб чиқиш ҳуқуқига эга бўлди. Шу даврда жиноят процессида "*appellare*" (шикоят қилиш, чақириш) тушунчаси пайдо бўлиб, у давлат вакилларининг ноқонуний тергов ҳаракатлари устидан юқори турувчи органга мурожаат қилиш институтини шакллантирди. Олимларнинг қайд этишича, бу даврдаги суд назоратининг ибтидоий кўринишлари замонавий процессуал ҳуқуқдаги шикоят институтининг генезиси бўлиб хизмат қилган.

Рим ҳуқуқининг вориси бўлган Византия империясида "Эклога" ва "Базилика" каби ҳуқуқий тўпламларнинг қабул қилиниши билан жиноятларни очишда инквизицион (қидирув) элементлар кучайиб, тергов ва судлов функциялари яна ягона давлат органи қўлида бирлаштирилди. Византия тажрибасида айбланувчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан кўра, жиноятни ҳар қандай йўл билан фош этиш ва иқдорлик кўрсатмасини олиш устувор вазифага айланиб, суд назоратининг моҳияти йўқолди.

Ўрта асрлар Европасида черков судларининг кучайиши натижасида инквизицион процесс ўзининг энг юқори чўққисига чиқди ва тортишувчанлик тамойиллари бутунлай инкор этилди. Бу даврда тергов жараёни ўта махфий

ва ёпиқ тарзда олиб борилиб, судланувчи ва ҳимоячининг далиллар билан танишишига мутлақо йўл қўйилмаган. Расмий далиллар назарияси ҳукмронлик қилган ушбу тизимда айбланувчининг ўз айбига иқдор бўлиши "далиллар маликаси" (*regina probationum*) деб топилган ва уни олиш учун қийноқлар қонунийлаштирилган эди. Бундай шароитда суд назорати ёки мустақил тергов судьяси ҳақида гап бўлиши мумкин эмасди, чунки терговчининг ўзи ҳам айбловчи, ҳам жазоловчи судья ролини бажарган. Инсон дахлсизлигини қўпол равишда бузувчи бундай инквизицион тизим кейинчалик Буюк Француз инқилоби ва маърифатпарварлик ғоялари таъсирида кескин танқидга учраб, процессуал ислохотларни ўтказишга мажбур қилди.

Тергов судьяси институтининг замонавий ҳуқуқий мақоми қитъа (роман-герман) ҳуқуқ тизимида, хусусан, Францияда Буюк инқилобдан кейинги даврда шаклланди. Наполеон Бонапарт ҳукмронлиги даврида қабул қилинган 1808 йилги Франция Жиноят-процессуал кодексида (*Code d'instruction criminelle*) тарихда биринчи марта "тергов судьяси" (*juge d'instruction*) мустақил процессуал субъект сифатида расман мустаҳкамланди. Ушбу кодексда тергов судьяси ўзида ҳам дастлабки терговни олиб бориш, ҳам қамоққа олиш тарзидаги мажбурилов чораларини қўллаш ваколатларини мужассамлаштирган эди.

Француз ҳуқуқшунослари дастлаб бу институтни инсон ҳуқуқларини полиция ўзбошимчилигидан ҳимоя қилувчи "олий тергов судьяси" сифатида ижобий баҳоладилар. Шундай бўлса-да, тергов функцияси ва юрисдикцион суд назорати функцияларининг бир шахс (*juge d'instruction*) қўлида бирлашиши кейинчалик процесснинг холислигига раҳна солувчи омил сифатида танқидга учради.

Тергов функцияси ҳамда суд назоратининг бир шахсда қоришиб кетиши Франция жиноят процессида айбловга оғиш (*обвинительный уклон*) муаммосини келтириб чиқарди. Ушбу назарий ва амалий зиддиятларни бартараф этиш мақсадида, Францияда 2000 йил 15 июнда "Айбсизлик презумпциясини ва жабрланувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниб, туб ислохот амалга оширилди. Мазкур қонунга асосан тергов судьясидан қамоққа олиш ва тинтув ўтказишга санкция бериш ваколати олиб қўйилиб, бу вазифалар янги жорий этилган "озодлик ва қамоқ судьяси"га (*juge des libertés et de la détention*) ўтказилди. Натижада, Франция жиноят судлов ишларини юритиш тизимида далилларни тўпловчи субъект ҳамда инсон ҳуқуқларини чекловчи қарорларни қабул қилувчи субъект-

лар бир-бирдан тўлиқ ажратилди. Бу тарихий қадам қитъа ҳуқуқ тизимида суд назоратининг мустақил ва холис институти сифатида узил-кесил шаклланишига хизмат қилди.

Германиянинг жиноят-процессуал ҳуқуқи тарихида ҳам тергов судьяси институтининг эволюцияси ўзига хос йўналишда кечган бўлиб, у француз моделининг қисман рецепциясига асосланган эди. 1877 йилда қабул қилинган Германия Империясининг Жиноят-процессуал кодексида (Strafprozessordnung) дастлабки терговни олиб борувчи терговчи судья (Untersuchungsrichter) лавозими жорий қилинди. Немис моделидаги терговчи судья ҳам далилларни йиғиш, ҳам процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ваколатларини ўзида жамлаган бўлиб, аралаш (инквизицион-тортишувчан) хусусиятга эга эди. Бироқ XX асрнинг ўрталарига келиб, Германия ҳуқуқшунослик фанида терговчи судьянинг функциялари самарасиз эканлиги ва прокуратура фаолияти билан такрорланиб қолаётганлиги ҳақидаги илмий қарашлар устунлик қила бошлади. Процессуалист олимлар тергов фаолиятининг мустақил суд ҳокимияти табиатига ёт эканлигини илмий жиҳатдан асослаб беришди.

Илмий ва амалий эҳтиёжлардан келиб чиқиб, Германияда 1975 йилда кенг қўламли жиноят-процессуал ислохотлар ўтказилди ва терговчи судья институти тубдан трансформация қилинди. Ислохотлар натижасида судьядан дастлабки терговни олиб бориш, далилларни тўплаш ва жиноятни фош этиш вазифалари бутунлай олиб ташланди. Унинг ўрнига фақат суд назорати функцияларини бажарувчи "участка судьяси" (Ermittlungsrichter) институти жорий этилиб, унга фақат қамоққа олиш, тинтув ва телефон сўзлашувларини эшитишга санкция бериш ваколати қолдирилди. Участка судьяси жиноий таъқиб ташаббускори бўлмай, балки полиция ва прокуратуранинг инсон ҳуқуқларини чекловчи ҳаракатлари қонунийлигини текширувчи мустақил юрисдикцион арбитр сифатида намоён бўлди. Бу модел бутун Европа бўйлаб суд назорати ва тергов функцияларини бир-бирдан тўлиқ чегаралашнинг энг илғор намунаси сифатида тан олинди.

Континентал Европадан фарқли ўларок, Англо-саксон ҳуқуқ тизимида суд назоратининг шаклланиши мутлақо бошқача тарихий-ҳуқуқий илдиэларга, хусусан, "Хабас корпус" (Habeas Corpus) институтига бориб тақалади. Англия парламенти томонидан 1679 йилда қабул қилинган "Habeas Corpus Act" қонуни шахсни суднинг рухсатисиз ўзбошимчалик билан ҳибсга олишни тақиқловчи энг қадимий ва муҳим процессуал хужжатдир. Бу қонунга кўра, ҳар қандай ушланган шахс зудлик билан магистрат (судья) ҳузурига келтирилиши ва судья унинг ҳибсга олинишининг қонуний ва асосли эканлигини текшириб чиқиши шарт эди. Магистрат (magistrate) Англия ва АҚШ жиноят процессида тергов олиб бормади, балки полициянинг ҳибсга олиш ёки тинтув ўтказиш ҳақидаги сўровларини кўриб чиқиб, уларга ордер (warrant) беради. Англо-саксон тизимидаги ушбу механизм жиноят процессида суд назоратининг соф шаклда, тергов функцияларисиз амал қилишини тарихан исботлаб берди.

Хорижий давлатларнинг тарихий тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, тергов судьяси институтининг эволюцияси икки хил фундаментал моделга асосланган. Биринчиси, Франция ва дастлабки Германия жиноят процессига хос бўлган "тергов-юрисдик-

цион" модел бўлиб, унда судья ҳам далил тўплайди, ҳам қарор чиқаради. Иккинчиси эса, Англо-саксон тизими ва замонавий Германия амалиётида шаклланган "назорат-тортишувчан" моделдир. Замонавий демократик ҳуқуқий давлатларда айнан иккинчи модел устуворлик касб этиб, суднинг жиноий таъқиб органларидан тўлиқ мустақиллигини таъминлашга қаратилган. Бундай ёндашув одил судловнинг ёрдамчи элементи эмас, балки инсон ҳуқуқларини муҳофаза қилишнинг мустақил ва универсал юрисдикцион механизми эканлигини тасдиқлайди.

Тергов судьяси институтининг тарихий-ҳуқуқий эволюцияси таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур институтнинг дастлабки шаклланиш босқичи — XIX асрнинг иккинчи ярмидан XX асрнинг бошларигача бўлган давр — суд ва тергов функцияларини ажратишга бўлган илк институционал уришнинг ҳам ютуқлари ҳам тузилмавий камчиликларини мужассамлаштиради.

Тергов судьяси институтининг Европадаги дастлабки шаклланиши инсониятнинг давлат мажбурловини юрисдикцион назорат остига олиш йўлидаги узоқ ва зиддиятли тарихий интилишининг маҳсули бўлди. Қадимги Рим республикасида магистратларнинг дифференциал ваколатлари ва "cognitio extra ordinem" тартиботи орқали тергов ҳаракатлари устидан преторлар назоратини ўрнатишнинг илк куртаклари вужудга келган бўлса-да, Византия даврига келиб инквизицион элементларнинг кучайиши натижасида "appellare" институтининг ибтидоий назорат функцияси ўз моҳиятини йўқотди. Ўрта асрлар Европасида черков судлари ҳукмронлиги даврида инквизицион процесс ўзининг энг чўққисига чиқди, яъни тергов жараёни ўта махфий олиб борилиб, айбланувчининг иқрори "далиллар маликаси" сифатида эътироф этилди ва уни зўрлаб олиш қонунийлаштирилди. Бундай тизимда терговчи айни вақтда айбловчи, тергов юритувчи ва жазоловчи судья вазифасини бажарар, мустақил суд назорати ёки тортишувчанлик тамойили ҳақида умуман сўз бўлиши мумкин эмасди. Маърифатпарварлик ғоялари ва Буюк Француз инқилобининг таъсири остида ушбу инквизицион тизим кескин танқидга учраб, жиноят процессини тубдан ислоҳ қилиш заруриятини тарихий жиҳатдан шарт-шароит сифатида тайёрлаб берди.

Зафаржон ОМОНОВ,

Одил судлов академияси ўқитувчиси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Белоносов В.О. Следственный судья по УПК Франции // Правовое государство: теория и практика. – 2024. – № 1 (75).
2. Герасимова Т.Ю. Развитие принципа состязательности в современном уголовном судопроизводстве: дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2017.
3. Глянько О.А. Процессуальный статус следственного судьи: теоретико-правовая модель: дис. ... канд. юрид. наук. – М.: Академия управления МВД России, 2019.
4. Луценко П.А. Судебный контроль в досудебных стадиях уголовного процесса: дис. ... канд. юрид. наук. – М., 2014.
5. Муратова Н.Г. Система судебного контроля в уголовном судопроизводстве: вопросы теории, законодательного регулирования и практики: автореф. дис. ... д-ра юрид. наук. – Екатеринбург, 2004.
6. Мўминов Б.А. Жиноят ишларини судга қадар юритиш устидан суд назорати: Юрид. фан. доктори (DSc) дисс. – Тошкент: ЎзР ИИВ Академияси, 2020.
7. Петрушевский Д.М. Великая Хартия Вольностей и конституционная борьба в английском обществе во второй половине XIII века. – М.: Либроком, 2022.
8. Смирнов А.В. Модели уголовного процесса. – СПб.: Альфа, 2000.

ТЎЛОВГА ҚОБИЛИЯТСИЗЛИК СОҲАСИДА ИНСТИТУЦИОНАЛ ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ҲУҚУҚИЙ АҲАМИЯТИ

Тадбиркорлик субъектларининг тўлов қобилиятини тиклаш, уларнинг барқарор ва самарали фаолият юритишини таъминлаш, тўловга қобилиятсиз хўжаликларни молиявий соғломлаштириш бозор иқтисодиёти шароитида давлат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Зеро, тадбиркорлик иқтисодиётнинг стратегик муҳим тармоқларидан бири сифатида нафақат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайди¹, балки аҳолининг катта қисми учун даромад манбаи ҳам ҳисобланади².

Сўнгги йилларда мамлакатимизда иқтисодий муносабатларни либераллаштириш, тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш ҳамда суд-ҳуқуқ тизимини модернизация қилишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда. Мазкур ислоҳотлар доирасида тўловга қобилиятсизлик институтини такомиллаштириш масаласи алоҳида аҳамият касб этиб бормоқда. Айниқса, бозор муносабатларининг чуқурлашуви, иқтисодий айланманинг кенгайиши ва корпоратив муносабатларнинг мураккаблашуви шароитида тўловга қобилиятсизлик институтининг самарали фаолият юритиши иқтисодий хавфларни камайтириш ва инвестицион муҳит барқарорлигини таъминлашда муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, мазкур соҳадаги ҳуқуқий механизмларни халқаро стандартлар ва замонавий рақамли иқтисодиёт талаблари асосида қайта кўриб чиқиш объектив заруратга айланмоқда.

Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2026 йил 6 майдаги “Тўловга қобилиятсизлик институти янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармоннинг қабул қилиниши соҳада мутлақо янги институционал босқични бошлаб берди. Бунга кўра, тўловга қобилиятсизлик соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи махсус ваколатли давлат органи сифатида Тўловга қобилиятсизлик ишлари агентлиги ташкил этилмоқда. Мазкур агентлик Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида фаолият юритиши ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ташкил этилиши назарда тутилган. Бу эса тўловга қобилиятсизлик соҳасида марказлашган институционал бошқарув тизимини шакллантиришга қаратилган муҳим ҳуқуқий ва ташкилий қадам ҳисобланади.

Ушбу янгилик аввал амал қилган тарқоқ ва фрагментар бошқарув моделидан ягона мувофиқлаштирилган тизимга ўтишни англатади. Илгари тўловга қобилиятсизлик соҳасидаги айрим ваколатлар турли давлат органлари ўртасида тақсимланганлиги сабабли, амалиётда ваколатлар такрорланиши, қарор қабул қилиш жараёнларининг чўзилиши ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича ёндашувлар юзага келиши кузатилган. Бу эса соҳада ягона институционал сиёсат

ва самарали назорат механизмларини шакллантириш заруратини келтириб чиқарган.

Янги агентликнинг ташкил этилиши тўловга қобилиятсизлик муносабатларини комплекс ва тизимли бошқаришга қаратилган бўлиб, унинг асосий вазифалари сифатида соҳада ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, назорат ва тартибга солиш механизмларини таъминлаш, давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштириш, иш юритиш жараёнларини рақамлаштириш ҳамда ортиқча бюрократик тартиб-таомилларни қисқартириш белгиланган. Хусусан, жараёнларни тўлиқ рақамлаштириш орқали маълумот алмашинуви автоматлаштириш, процессуал ҳаракатларнинг шаффофлигини таъминлаш ва инсон омилини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, иш юритиш тартиб-таомилларини соддалаштириш орқали тўловга қобилиятсизлик ишларини кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш ва иш самарадорлигини ошириш мақсад қилинган.

Фармоннинг муҳим институционал жиҳатларидан бири бу Ўзбекистон Суд бошқарувчилари палатасининг ташкил этилишидир. Дарҳақиқат, амалиётда суд бошқарувчилари фаолияти билан боғлиқ қатор муаммолар, хусусан, касбий малака даражасининг етарли эмаслиги, манфаатлар тўқнашуви, самарасиз бошқарув, кредиторлар ҳуқуқларининг тўлиқ таъминланмаслиги ҳамда процедураларнинг сунъий чўзилиши каби ҳолатлар кузатилмоқда эди. Бу эса суд бошқарувчилари институти институционал ва касбий жиҳатдан қайта такомиллаштириш заруратини юзага келтирди. Шу нуқтаи назардан, Суд бошқарувчилари палатасининг ташкил этилиши мазкур муаммоларни бартараф этишга қаратилган муҳим ҳуқуқий механизм сифатида намоён бўлади.

Мазкур Палата барча суд бошқарувчиларининг мажбурий аъзолигига асосланган ягона ўзини ўзи бошқариш ташкилоти сифатида фаолият юритиши белгиланган. Бу эса суд бошқарувчилари институти давлат назорати билан бир қаторда касбий ўзини ўзи бошқариш механизмлари асосида ривожлантиришга қаратилган



янги ёндашувни ифодалайди. Шу билан бирга, Палатанинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ҳудудий тузилмаларини ташкил этиш назарда тутилган бўлиб, бу мамлакат миқёсида ягона касбий стандартлар ва қоидалар ҳамда фаолият мезонларини шакллантириш имконини беради. Мазкур тизим суд бошқарувчилари фаолияти устидан ички касбий назоратни кучайтириш, уларнинг масъулияти ва ҳисобдорлигини оширишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, Палатага суд бошқарувчисини ўз вазифасидан озод қилиш ҳақида судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг тақдим этилиши белгиланган бўлиб, бу процессуал ваколат суд бошқарувчилари фаолияти устидан таъсирчан касбий назорат механизмларини шакллантиришга йўналтирилган.

Суд амалиётида муҳим муаммолардан бири суд бошқарувчилари фаолиятидаги ҳақ тўлаш тизимида институционал назорат механизмларининг тўлиқ шаклланмаганлиги эди. Эндиликда, суд бошқарувчиси ўз вазифаларини лозим даражада бажармаган тақдирда, судга кредиторлар йиғилиши қарори асосида унга тўланадиган ҳақ миқдорини камайтириш ваколатининг берилиши назарда тутилмоқда. Мазкур норма суд бошқарувчилари фаолиятига нисбатан иқтисодий таъсир механизмларини жорий этиш орқали уларнинг процессуал интизоми ва касбий масъулиятини оширишга хизмат қилиш баробарида, амалда суд бошқарувчисининг самарасиз ёки пассив фаолияти учун таъсирчан иқтисодий жавобгарлик механизмлари тарзида намоён бўлади.

Айниқса, электрон танлов механизмнинг жорий этилиши рақамли технологияларга асосланган автоматлаштирилган тақсимлаш тизимларини қўллаш орқали субъектив ёндашувларни чеклаш ва коррупциявий хавфларни камайтиришга хизмат қилади. Бу эса халқаро амалиётда кенг қўлланилаётган рақамли бошқарув моделлари билан мазмунан уйғун бўлиб, тўловга қобилиятсизлик соҳасида очиқлик ва самарадорликни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири сифатида намоён бўлади.

Тўловга қобилиятсизлик соҳасини рақамлаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, бу замонавий рақамли иқтисодиёт шароитида соҳани самарали бошқаришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Зеро, катта ҳажмдаги молиявий ахборотлар, кўп субъектли ҳуқуқий муносабатлар ва мурракб процессуал жараёнлар билан боғлиқ тўловга қобилиятсизлик ишларини рақамли технологияларсиз самарали ташкил этиш тобора мушкуллашиб бормоқда. Шу нуқтаи назардан, рақамлаштириш тўловга қобилиятсизлик ишларини юритишнинг деярли барча босқичларини қамраб олиб, электрон ариза топшириш, онлайн кредиторлар йиғилишларини ўтказиш, электрон ҳужжат айланувини йўлга қўйиш, молиявий таҳлилни автоматлаштириш, суд назоратини рақамли мониторинг қилиш ҳамда суд бошқарувчиларини

автоматик тақсимлаш каби йўналишларда муҳим аҳамият касб этади.

Хорижий давлатлар тажрибаси ҳам рақамли платформаларга асосланган тўловга қобилиятсизлик тизимларининг юқори самарадорлигини кўрсатмоқда. Жумладан, АҚШ, Сингапур, Жанубий Корея ҳамда Европа Иттифоқига аъзо айрим давлатларда тўловга қобилиятсизлик ишларининг катта қисми электрон платформалар орқали амалга оширилиб, бу иш юритиш тезкорлиги ва шаффофлигини таъминлашда муҳим омил сифатида баҳоланмоқда. Шу нуқтаи назардан, Ўзбекистонда ҳам рақамли технологияларни жорий этиш суд юкласини камайтириш, кредиторлар ҳуқуқларини тезкор ҳимоя қилиш, маълумотлар очиқлигини таъминлаш ҳамда инвесторлар учун ишончли ва прогноз қилинадиган ҳуқуқий муҳит яратишга хизмат қилади.

Шунингдек, суд бошқарувчилари фаолиятини рағбатлантириш ва баҳолашнинг мутлақо янги механизми - KPI асосида ҳақ тўлаш тизими жорий этилмоқда. KPI тизими бу одатда бошқарув самарадорлигини баҳолашнинг энг замонавий ва таъсирчан воситаларидан бири сифатида кенг қўлланилади. Уни тўловга қобилиятсизлик институтига татбиқ этиш эса соҳада натижадорликка асосланган бошқарув моделини шакллантириш, суд бошқарувчилари фаолиятида ҳисобдорлик ва масъулиятни кучайтириш ҳамда умумий иш самарадорлигини ошириш имконини беради. Бу эса санация ва реструктуризация жараёнларининг натижадорлигини ошириш, процессуал муддатларга риоя қилиш ҳамда иқтисодий жиҳатдан самарали қарорлар қабул қилинишига ижобий таъсир кўрсатади.

Умуман олганда, тўловга қобилиятсизлик соҳасини комплекс модернизация қилишга қаратилган мазкур ҳуқуқий ва институционал ислохотлар иқтисодиётда молиявий барқарорликни таъминлаш, тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, кредиторлар ҳамда инвесторлар ҳуқуқларини ишончли ҳимоя қилишга хизмат қилади. Айниқса, соҳада ягона давлат сиёсатини шакллантириш, суд бошқарувчилари фаолиятини институционал жиҳатдан мустаҳкамлаш ва тартиб-таомилларни рақамлаштириш тўловга қобилиятсизлик механизмларининг самарадорлигини оширишга қаратилган муҳим қадам ҳисобланади.

Раҳматжон БЕРДИЯРОВ,

Одил судлов академияси доценти в.б.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлом овқатланишни таъминлашнинг 2030 йилгача мўлжалланган стратегияси тасдиқланди ва унда ҳам қишлоқ хўжалиги энг муҳим стратегик тармоқ эканлигини намоён бўлади. // Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 16.02.2024 й., 06/24/36/0130-сон.

2. Ялпи ички маҳсулотининг бешдан бир қисми, озиқ-овқат маҳсулотларининг 95-97%га яқини ушбу соҳага тегишли // uza.uz

ШАХСГА ДОИР МАЪЛУМОТЛАР ҲИМОЯ ҚИЛИНИШИ ҲУҚУҚИНИНГ ТАДРИЖИ

АННОТАЦИЯ: мақолада шахсга доир маълумотлар дахлсизлиги ва уларни ҳимоя қилиш ҳуқуқий институтининг тарихий шаклланиш босқичлари ҳамда ривожланиш тенденциялари тадқиқ этилган. Шахсий маълумотлар ҳимоясининг ислом ҳуқуқи манбалари ва илк конституциявий ҳужжатлардан бошлаб, замонавий рақамли технологиялар ҳамда сунъий интеллект давригача бўлган такомилли тизимли таҳлил қилинган. Шунингдек, шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқи ривожланиш тенденциялари бўйича муаллифлик даврлаштирилиши тақлиф этилган.

Калит сўзлар: шахсга доир маълумотлар, дахлсизлик ҳуқуқи, конституциявий кафолатлар, рақамли технологиялар, сунъий интеллект, халқаро стандартлар, тарихий босқичлар, ислом ҳуқуқи, шахсий сир.

Шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқини таъминлашга хос кафолатларнинг ривожланиш босқичларига оид доктринал қарашлар ва халқаро стандартларни таҳлил қилган ҳолда қуйидаги фикрларни илгари суриш мумкин:

Биринчидан, шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқининг шаклланиши: шахсга доир маълумотлар тушунчаси турли маданият ва жамиятларда тарихий илдишларга ва ўзига хос шартларга эга.

Иккинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва халқаро ҳуқуқнинг ривожланиши: XX асрда инсон ҳуқуқларининг ривожланиши фаол тарзда халқаро фаолиятга кириб борди. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси каби муҳим халқаро ҳужжатларда шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи билан бир қаторда шахсга доир маълумотлар дахлсизлигини асосий ҳуқуқлардан бири сифатида эътироф этди. Ушбу халқаро эътирофдан сўнг шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий ҳужжатларни яратиш ишлари бошланди.

Учинчидан, миллий қонунчиликнинг ривожланиши: инсон ҳуқуқларининг ривожланиши билан миллий давлатлар шахсга доир маълумотлар дахлсизлигини кафолатлайдиган қонунларни ишлаб чиқдилар. Бунга маълумотларнинг махфийлиги тўғрисидаги қонунлар, тиббиётда махфийликни таъминлаш ва шахсий маълумотлар ва махфийликни ҳимоя қилишнинг бошқа шакллари киради.

Тўртинчидан, технологик ўзгаришлар ва рақамли маконнинг ривожланиши: технологиянинг ривожланиши ва жамиятнинг рақамлаштирилиши билан шахсга доир маълумотларга оид янги муаммолар ва таҳдидлар пайдо бўлди. Интернет, мобил қурилмалар, ижтимоий тармоқлар ва оммавий маълумотларни йиғиш ҳамда таҳлил қилиш каби технологиялар шахсга доир маълумотлар дахлсизлигини бузиш учун янги хавф-хатарларни вужудга келтирмоқда. Ушбу қийинчиликларга жавобан сунъий интеллект муҳитида шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилишга қаратилган янги қонунлар ва сиёсатлар пайдо бўлади.

Бешинчидан, халқаро ҳамкорлик ва стандартлар: рақамли даврда шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилишда юзага келадиган муаммолар халқаро ҳамкорлик ва халқаро стандартларни ишлаб чиқишни талаб қилади. БМТ, Европа Иттифоқи ва бошқа ташкилотлар замонавий қийинчиликлар ва технологик ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилишни кафолатлайдиган халқаро воситалар ва стандартларни ишлаб чиқиш устида ишламоқда.

Шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилишга қаратилган дастлабки ҳуқуқий нормалар Қадимги Римда вужудга келган. О.Робинсон ва С.Робинсонларнинг тадқиқотларига кўра, Қадимги Римда бирор шахс бошқа бировнинг шаъни ва қадр қимматини камситувчи тухмат ёки уни шарманда қиладиган сирларини баён қилиб шёър ёзса ёки уни айтган бўлса, унга нисбатан ўлим жазоси тайинланган.

Ж.Холт, Г.Гарнетт, Ж.Хадсонларнинг қайд этишича, шахсга доир маълумотлар дахлсизлигининг ривожланишидаги улкан қадам 1215 йилда Англияда қабул қилинган Эркинликнинг буюк хартияси бўлиб, унда шахсий дахлсизлик инсон ҳуқуқларининг ажралмас қисми сифатида келтириб ўтилади.

Бундан кейинги босқич инсон ҳуқуқларини қонуний тан олиш йўлидаги 1678 йилги Хабеас Корпус акти ҳисобланади. Жумладан, шахсга доир маълумотлар дахлсизлиги, айбсизлик презумпцияси каби инсон ҳуқуқлари учун муҳим бўлган ҳуқуқларни ўзда акс эттирган.

Франция Буюк Британиядан кейинги Европада шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқининг ватани ҳисобланади: энг қадимги даврлардан то хо-

зирги кунгача бу мамлакат шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилишга эътибор қаратиши билан ажралиб туради. Францияда бундай маълумотлар дахлсизлигини ҳимоя қилиш тушунчаси XIX асрнинг иккинчи ярмида пайдо бўлган, XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб инсон юзини тасвирлаш ҳуқуқи француз ҳуқуқшуносларининг эътиборини торта бошлади. Жумладан, 1858 йилда Францияда суд ўлим жазосига маҳкум қилинган машҳур актрисанинг портретини унинг оила аъзолари розилигисиз нашр қилиниши таққилган.

Энди халқаро даражада шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқининг асосларига назар солсак. Албатта, шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқи бўйича қабул қилинган қонунлар бутун дунёда фарқ қилади. Шахсий маълумотларнинг махфийлигини қонун бўйича ҳимоя қилиш жисмоний шахслар, тижорат ташкилотлари, давлат идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва хавфсизлик хизмати манфаатларидан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади.

Шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқи сўнгги бир неча йил ичида халқаро инсон ҳуқуқлари контекстида тез-тез муҳокама қилиниб, халқаро ҳамжамият томонидан алоҳида эътибор берилмоқда. Шу ўринда Рақамли технологиялар шароитида шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига оид стандартларни келтириб ўтишни жоиз топдик:

1. Рақамли асрда шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқи тўғрисидаги доклад (Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг инсон ҳуқуқлари бўйича олий комиссари, 2018 йил 3 август): ушбу ҳужжат билан онлайн муҳитда махфийликни ҳимоя қилиш тамойиллари, қоидалари ва метёрлари белгиланган. Ҳужжат маълумотларнинг махфийлиги, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, назорат қилиш, давлат назоратини чеклаш ва рақамли маконда одамларнинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш қоидаларини ўз ичига олади.

2. Рақамли асрда шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқи резолюцияси (Инсон ҳуқуқлари Кенгаши, 2019 йил 26 сентябр): ушбу ҳужжат рақамлаштириш даврида инсоннинг асосий ҳуқуқлари ва эркинликларини, шу жумладан шахсга доир маълумотларни ўрнатиши мумкин. У махфийликни ҳимоя қилиш, сўз эркинлиги, маълумотларга кириш, рақамли ҳуқуқ ва эркинликларнинг бошқа жиҳатлари тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олади.

3. Шахсий маълумотларни ҳимоя қилишнинг глобал стандартлари тўғрисидаги резолюция: мазкур ҳужжат шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш учун халқаро стандартлар ва нормаларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишни талаб қилади. Ҳужжат махфийлик, маълумотларни йиғиш ва улардан фойдаланиш тамойиллари, маълумотлар хавфсизлиги ва шахсий маълумотларни қайта ишлаш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик бўйича тавсияларни ўз ичига олади.

4. Сунъий интеллект, профиллаш, автоматик қарор қабул қилиш ва машинани ўрганиш технологияларининг шахсга доир маълумотлар дахлсизлигини амалга оширишга таъсири доклади (Инсон ҳуқуқлари Кенгаши, 2020 йил 23 сентябрь): ушбу ҳужжат сунъий интеллект (AI) технологияларининг шахсга доир маълумотлар ҳуқуқига таъсирини кўриб чиқиш ва рақамли даврда ушбу ҳуқуқни ҳимоя қилишни таъминлайдиган тавсиялар ва халқаро стандартларни ишлаб чиқиш учун мўлжалланган.

5. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссариати томонидан тайёрланган "Рақамли даврда шахсий ҳаёт дахлсизлиги ҳуқуқи: сунъий интеллект ва махфийлик, шунингдек болаларнинг шахсий ҳаёти дахлсизлиги".



Хорижий мамлакатларда шахсга доир маълумотлар дахлсизлигининг норматив жиҳатдан таъминланганлиги нуқтайи назаридан уларни қуйидаги гуруҳларга таснифлаш мумкин:

1. Шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқи конституциявий-ҳуқуқий асослар билан мустаҳкамланган давлатлар (Белгия Қироллиги, Германия Федератив Республикаси, Греция Республикаси, Дания Қироллиги, Исландия, Испания Қироллиги, Италия Республикаси, Люксембург Герцоглиги, Нидерландия Қироллиги, Португалия Республикаси, Ўзбекистон Республикаси).

2. Шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқи қонунлар асосида мустаҳкамланган давлатлар (АҚШ, Буюк Британия, Япония).

3. Шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқи қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари билан мустаҳкамланган давлатлар (БАА, Қатар).

4. Шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқи норматив жиҳатдан тартибга солинмаган давлатлар (Афғонистон, Сурия, Судан, Марказий Африка Республикаси). Умуман олганда, халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек, турли давлатларнинг миллий қонунчилигида ушбу ҳуқуқнинг конституциявий кафолатларида белгиланган қоидалар уйғунлаштирилиши лозим, деган ёндашувни илгари суриш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига инсон ҳаётининг турли соҳаларида кенг қамровли кафолатлар берадиган ҳуқуқ сифатида қаралиши зарур.

Ислом ҳуқуқининг асосий ҳуқуқ манбаси ҳисобланадиган Қуръони каримда шахсга доир маълумотлар дахлсизлигига оид қоидалар мавжуд. Жумладан, “Нур” сурасининг 27-29-оятларида ҳамда “Ҳужурот” сурасининг 11-12-оятларида бундай маълумотлар дахлсизлигига бағишланган қоидалар келтириб ўтилади.

Бундан ташқари, ислом ҳуқуқининг иккинчи асосий манбаси бўлган “Саҳиҳи Бухорий” да Пайғамбаримизнинг: “Ким биродарининг мактубига унинг изнисиз назар солса, худди дўзах оташига назар солгандек бўлади”, деган мазмундаги ҳадиси келтирилган бўлиб, бунда шахсга доир маълумотлар дахлсизлигининг бир элементини кузатиш мумкин.

Фикримизча, ислом ҳуқуқига шахснинг дахлсизлиги ниҳоятда юқори даражада ҳимоя қилинган бўлиб, бировнинг уйига руҳсатсиз кириб бориш у ёқда турсин, руҳсатсиз қараш, кўз ташлаш ҳам мумкин эмас.

Демак, мазкур даврда шахсга доир маълумотлар дахлсизлиги шариат нормалари орқали муҳофаза этилганлиги билан ифодаланadi.

XX асрнинг бошларидан охирига қадар бўлган даврда юртимиз ҳудудига социалистик ҳуқуқ тизими кириб келиши оқибатида диний нормалар позитив ҳуқуқ нормалари билан ўрин алмашиши натижасида шахсга доир маълумотлар дахлсизлигида туб бурилиш ясади.

Қонун ҳужжатларида шахсга доир маълумотлар дахлсизлиги миллий қонунчиликда биринчи марта 1937 йил 14 февралда қабул қилинган ЎзССР конституциясида акс этган. Жумладан, ушбу конституцияда илк бор фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тўғрисидаги боб пайдо бўлган. Конституцияда шахс дахлсизлиги (126-модда), уй-жой дахлсизлиги ва ёзишмалар дахлсизлиги (127-модда) каби шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар белгиланган.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, 1937 йил 14 февралдаги Конституция 1936 йилдаги Совет Иттифоқи конституцияси асосида қабул қилинган. Назарий жиҳатдан бу ўзбек қонунчилигининг жиддий ютуғи бўлса, амалий жиҳатдан буни шунчаки расмийлик сифатида баҳолаш мумкин.

1976 йилда Совет Иттифоқининг 1966 йил 19 декабрдаги “Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида”ги халқаро пактга қўшилиши ҳам амалда шахсга доир маълумотлар дахлсизлигида катта ўзгариш ясамади.

Шуни таъкидлашимиз керакки, Ўзбекистон ССРда шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқининг ривожланишига 1978 йилги Ўзбекистон ССР Конституциясида шахсий ҳуқуқлар доирасини кенгайтириш сабаб бўлди. Собиқ Иттифоқ тарихида биринчи марта асосий норма фуқароларнинг шахсга доир маълумотлари, ёзишмалар, телефон суҳбатлари ва телеграф хабарлари сири қонун билан ҳимоя қилинишини назарда тутган.

Бироқ, 1978 йилги Ўзбекистон ССР Конституциясида инсон ҳуқуқлари соҳасидаги халқаро стандартлар тўлиқ ҳисобга олинмаган, бундан ташқари конституцияда берилган нормаларни амалга ошириш механизми ва ҳуқуқий кафолатлари таъминланмаган.

1992 йилда шахсга доир маълумотларнинг дахлсизлигини таъминлайдиган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди. Унинг 27 моддасида: “Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган таъвозулардан, шахсга доир маълумотларига аралашидан ҳимояланиш ва турар жойи дахлсизлиги ҳуқуқига эга. Ҳеч ким қонун назарда тутган ҳоллардан ва тартибдан ташқари бировнинг турар жойига кириши, тинтув ўтказиши ёки уни кўздан кечириши, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор қилиши мумкин эмас”, – деб белгилаб қўйилган. Ўзбекистон қонунчилиги ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Конституциясининг ушбу асосий нормаси “шахсга доир маълумотлар дахлсизлиги”, “шахсий” ва “оилавий” сирлар тушунчаларини бирлаштирадиган ёки аниқроқ таърифлайдиган қонун ҳужжатларининг йўқлиги сабабли тўлиқ таъминланмаган.

2016 йилдан бошлаб, “инсон қадр”и умумбашарий ғоялари асосида шахсга доир маълумотлар дахлсизлигини таъминлашнинг ҳам конституциявий, ҳам норматив-ҳуқуқий асосларининг такомиллашуви кузатилди. Бу, ўз навбатида, амалда шахсга доир маълумотлар дахлсизлигининг кафолатларини кучайтиришга хизмат қилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 июлдаги “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги, 2022 йил 15 апрелдаги “Киберхавфсизлик тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамасининг 2022 йил 5 октябрдаги 570-сон “Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори каби норматив ҳуқуқий ҳужжатларнинг эълон қилиниши ва амалиётта самарали жорий этилиши мазкур маълумотлар дахлсизлигини таъминлаш бўйича муҳим ҳуқуқий асослар сифатида қаралади.

2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 31-моддасида шахсга доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқи мустаҳкамланди.

Таъкидлаш жоизки, шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш кафолатларининг ривожланиши — инсон ҳуқуқларини анъанавий жиҳмоний дахлсизликдан рақамли дахлсизлик сари трансформация бўлишини ифодалайди.

Фахриддин МАДИЕВ,

Одил судлов академияси Инсон ҳуқуқлари, халқаро ҳуқуқ ва ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси доценти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O.Robinson The criminal law of ancient Rome. – London: Duckworth, 1995. – pp. 32–35.
2. J.Holt, J.Hudson. Magna carta. – Cambridge University Press, 2015.
3. В.Евдокимов Конституционное право гражданина на неприкосновенность частной жизни, личную и семейную тайну при обработке персональных данных в России и зарубежных странах.
4. B.Smith, Agnes (2005). Privacy, Property and Personality. Privacy, Property and Personality. 10.1017/CBO9780511495243.
5. J.Hoopman Privacy design strategies //ICT Systems Security and Privacy Protection: 29th IFIP TC 11 International Conference, SEC 2014, Marrakech, Morocco, June 2-4, 2014. Proceedings 29. – Springer Berlin Heidelberg, 2014. – S. 446-459.
6. <https://www.ohchr.org/ru/documents/right-privacy-digital-age-report-united-nations-high-commissioner-human-rights>
7. https://digitallibrary.un.org/record/3837297/files/A_HRC_RES_42_15-RU.pdf
8. <http://privacy.khpg.org/1259679471>
9. <https://www.ohchr.org/ru/documents/reports/effects-artificial-intelligence-including-profilingautomated-decision-making-and>
10. The right to privacy in the digital age: report (2021) <https://www.ohchr.org/en/calls-for-input/2021/right-privacy-digital-age-report-2021>
11. Data Protection and Privacy Legislation Worldwide <https://unctad.org/page/data-protection-and-privacy-legislation-worldwide>
12. “Hujurot” surasi, 9-12. <https://islom.uz/maqola/717>
13. Sahih Bukhari. <https://hadithcollection.com/sahihbukhari>
14. Конституция Узбекской Советской Социалистической Республика 1937 г <https://shosh.uz/wp-content/uploads/2016/12/Konstitutsiya-Uzbekskoy-SSR-1937-g.pdf>
15. Конституция Союза Советских Социалистических Республик 1936 г. // Известия Центрального исполнительного комитета. 1936. 16 декабря.
16. Ведомости Верховного Совета СССР. – М.: Издание Верховного Совета СССР, 1976. – № 17 (28 апреля). – 293 – 324 с. – [Статьи 291 – 296]. <https://www.naukaprava.ru/catalog/1/127/274/51321>
17. Конституция Республики Узбекистан. Принята 19.04.1978 г. на внеочередной шестой сессии Верховного Совета Республики Узбекистан девятого созыва.
18. https://nm.uz/content?doc=391018_konstitutsiya_osnovnoy_zakon_respubliki_uzbekistan_prinyata_19_04_1978_g_na_vneocherednoy_shestoy_sessii_vs_ruz_devyatogo_sozyva
19. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi. Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 03/21/671/0093-son.
20. O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyaviy qonuning e'lon qilingan loyixasi [https://meningkonstitutsiyam.uz/uz/pdf\(10.04.2023-y\)](https://meningkonstitutsiyam.uz/uz/pdf(10.04.2023-y)).

ИЧКИ ИШЛАР ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ ҲАМКОРЛИГИ ТАҲЛИЛИ

Юридик адабиётлар ҳамда илмий тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик мақсадларига қўйиладиган шарт ва талаблар хусусида муайян назарий ёндашувлар шаклланган. Бироқ мазкур масалага оид талаб ва шартлар ҳозирги кунга қадар комплекс ҳамда тизимли равишда чуқур таҳлил этилмагани кузатилади. Бу эса ушбу йўналишда қўшимча илмий изланишлар олиб бориш заруратини белгилайди.

Шу нуқтаи назардан, мазкур ҳамкорлик мақсадлари муайян илмий асосланган талаб ва шартларга жавоб бериши лозим. Хусусан, бундай мақсадлар, аввало, аниқ ва равшан ифодаланган бўлиши; иккинчидан, ҳамкорлик субъектларининг мақсадлари ўзаро уйғун ва муштарак характерга эга бўлиши; учинчидан, мақсадларга эришиш жараёни томонларнинг ўзаро келишилган ва мувофиқлаштирилган ҳаракатларига асосланиши; тўртинчидан, ҳамкорлик ягона стратегик мақсадга йўналтирилган бўлиши; бешинчидан эса, мазкур мақсадлар ҳамкорлик иштирокчиларининг манфаатларига тўлиқ мос келиши талаб этилади.

Ҳуқуқшунос олимлар ички ишлар органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик вазифаларини турли мезонлар асосида таснифлаб, уларнинг мазмун-моҳиятини илмий жиҳатдан очиқ беришга ҳаракат қиладилар. Бундай ёндашувлар мазкур ҳамкорликнинг кўп қиррали эканлигини, унинг турли соҳаларда намоён бўлишини ва аниқ йўналишлар бўйича амалга оширилишини кўрсатади.

Жумладан, О.С. Городнина ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасида айрим мақсад ва вазифаларнинг умумийлигидан келиб чиққан ҳолда, ички ишлар органлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ҳамкорлик вазифаларини бир неча асосий йўналишларга ажратади. Унинг фикрига кўра, бундай ҳамкорлик, аввало, жамоат тартибини сақлашга қаратилган бўлиб, бу орқали жамоат жойларида тинчлик ва барқарорлик таъминланади. Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, яъни транспорт воситалари ҳаракатини тартибга солиш ва йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳам муҳим вазифалардан бири сифатида қаралади.

Бундан ташқари, гиёвандликка қарши курашиш йўналиши доирасида жамият саломатлигига таҳдид солувчи омилларни бартараф этиш, шунингдек, бедарак йўқолган шахсларни қидириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам мазкур ҳамкорликнинг устувор вазифалари қаторига киритилади. Мазкур тасниф ҳамкорликнинг амалий аҳамиятини ёритиб, унинг асосий фаолият йўналишларини тизимли равишда ифода этади.

Профессор И.Исмоилов ички ишлар органларининг фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликдаги вазифаларини а) ҳуқуқбузарлик профилактикасини таъминлаш; б) жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш; в) ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш; г) ҳуқуқбузарликлар учун тайинланган жазо ижросини таъминлашга қаратилган тўртта гуруҳга таснифлаган¹.

Ички ишлар органлари билан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳамкорликдаги вазифаларини илмий ёндашувлар ва амалдаги ҳуқуқий муносабатлар таҳлили асосида куйидаги тўртта асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида: а) ҳуқуқбузарликларни барвақт аниқлаш ва олдини олиш; б) хавф гуруҳига кирувчи шахслар билан индивидуал ишлаш; в) озод этилган шахслар устидан ижтимоий назоратни таъминлаш; г) жабрланиш эҳтимоли юқори бўлган шахсларни муҳофаза қилиш.

2) Жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида: а) жамоат тартибини сақлаш; б) йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш; в) фавқулодда ҳолатларнинг олдини олиш; г) миграция жараёнларини тартибга солиш.

3) Жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш соҳасида: а) жиноятларни фош этиш, қидирувдаги шахсларни топиш, кимлиги номаълум бўлганларнинг шахсини аниқлаш; б) терроризм ва экстремизмга қарши курашиш; в) суриштирув ва дастлабки терговни амалга ошириш.

4) Жазолар ижросини таъминлаш соҳасида: а) пробация назоратидаги шахсларни ижтимоий мослаштириш; б) уларга ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш; в) жамоатчилик таъсири механизмларини қўллаш.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ички ишлар органларининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликдаги вазифалари бевосита муайян чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича функцияларни бажариш орқали таъминланади.

Ички ишлар органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик доирасида функциялар ўзаро боғлиқ ва бир-бирини

тўлдирувчи характерга эга бўлиб, уларнинг ҳар бири муайян ижтимоий-ҳуқуқий мақсадга хизмат қилади.

Ички ишлар органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик доирасида функциялар:

а) Профилактик функция – ҳамкорликнинг энг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Унинг мазмуни ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитларини барвақт аниқлаш, уларни бартараф этиш, шунингдек, хавф гуруҳига кирувчи шахслар билан манзилли иш олиб бориш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган. Бу жараёнда маҳалла институти аҳоли билан яқин мулоқотда бўлгани учун ички ишлар органлари фаолиятини самарали қўллаб-қувватлайди.

б) Ташкилий-мувофиқлаштирувчи функция – ҳамкорлик субъектлари ўртасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш, уларнинг куч ва воситаларини бир мақсадга йўналтириш, шунингдек, қўшма чора-тадбирларни режалаштириш ва амалга оширишни қамраб олади. Ушбу функция орқали турли идоралар ва жамоатчилик институтлари фаолияти ўзаро уйғунлаштирилиб, такрорланишлар ва самарасиз ҳаракатларнинг олди олинади.

в) Ахборот алмашинув функцияси – ҳамкорликнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, у жиноятчилик ҳолати, ҳуқуқбузарликларга оид маълумотлар, хавфли вазиятлар ва шахслар тўғрисидаги ахборотларни ўз вақтида ва ишончли тарзда алмашишни назарда тутаяди. Бу эса тезкор қарор қабул қилиш ва профилактик чораларни ўз вақтида кўриш имконини беради.

г) Тарбиявий ва ҳуқуқий тарғибот функцияси – аҳоли ўртасида ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга хизмат қилади. Бу йўналишда фуқароларга қонунларга ҳурмат руҳини сингдириш, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш, шунингдек, турли маърифий тадбирлар орқали ҳуқуқий билимларни ошириш муҳим аҳамият касб этади.

д) Ижтимоий реабилитация функцияси – ҳуқуқбузарлик содир этган ёки жазо ўтаб чиққан шахсларни жамиятга мослаштириш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иш билан таъминлаш ва қайта ҳуқуқбузарлик содир этишининг олдини олишга қаратилган. Бу жараёнда маҳалла институтининг имкониятлари кенг бўлиб, у шахс билан бевосита ишлаш орқали унинг ижтимоий тикланишига қўмақлашади.

Умуман олганда, мазкур функциялар ўзаро уйғун ҳолда амалга оширилганда ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамкорлигининг амалий самарадорлиги таъминланади, жамиятда барқарорлик ва хавфсизлик муҳити мустаҳкамланади.

Тадқиқот натижалари ички ишлар органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўртасидаги ҳамкорлик жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва барқарор ҳуқуқий муҳитни шакллантиришда муҳим институционал механизм эканлигини кўрсатди. Илмий таҳлиллар мазкур ҳамкорликнинг мақсад, вазифа ва функциялари ўзаро узвий боғлиқ тизим эканлигини, уларнинг комплекс амалга оширилиши давлат ва жамият ўртасидаги ишончли мустаҳкамлашга хизмат қилишини тасдиқлайди. Шу билан бирга, амалдаги қонунчиликда ҳамкорликнинг аниқ ҳуқуқий мақсадлари етарли даражада белгиланмагани муайян ҳуқуқий бўшлиқ мавжудлигини аниқлатади.

Функционал ёндашув натижасида профилактик, ташкилий-мувофиқлаштирувчи, ахборот алмашинув, тарбиявий ва ижтимоий реабилитация функцияларининг ўзаро уйғун ҳолда амалиётга таъбиқ этилиши ҳамкорлик самарадорлигини сезиларли ошириши аниқланди.

Шу муносабат билан куйидаги таклифлар илгари сурилади: қонунчиликда ҳамкорликнинг мақсад ва принципларини аниқ белгилаш; ягона концептуал норматив ҳужжат ишлаб чиқиш; профилактик ишларда маҳалла иштирокини кучайтириш; рақамлаштирилган ахборот алмашинув тизimini жорий этиш; маҳалла кадрларининг ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ошириш; ҳамда аҳоли ўртасида ҳуқуқий тарғибот ишларини тизимли йўлга қўйиш.

Мехмонали СУВАНКУЛОВ,

юридик фанлар номзоди, профессор.

ҲАЛОЛ ТУРИЗМ НИМА?

АННОТАЦИЯ: мақола муаллифлари жаҳонда ниҳоят даражада катта истиқболга эга туризм турлари ичда ҳалол туризм тўғрисида сўз юритиб, унинг хусусиятлари, қандай одатларга бўйсунуши, тартиб-таомиллари ва ўзига хос жиҳатларига алоҳида эътибор бериб, туризмнинг бошқа турларига сезиларли даражада таъсир кўрсатиши тўғрисида фикр-мулоҳаза қиладилар. Ўзбекистон Республикасида ҳам айнан шу турдаги туризмнинг тажрибасидан сабоқ олиш мақсада мувофиқдир, деган хулосага келадилар. Бундан ташқари, мақолада мусулмон бўлмаган мамлакатлар орасида ҳалол туризмнинг етакчи йўналишлари ҳам ўз ифодасини топган.

Калит сўзлар: ҳалол туризм, ислом туризми, зиёрат туризми, ислом меҳмондўстлиги, ҳалолга мос саёҳат, ҳалол дўстона стандарт, мусулмон мамлакатлари.

Туризмнинг энг истиқболли соҳаларидан бири ҳалол туризмдир. “Ҳалол туризм” атамаси рус тилидаги академик адабиётларда камдан-кам қўлланилса-да, Фарб тадқиқотчиларининг асарларида узок вақтдан бери тан олинган категория бўлиб келган. Бироқ инглиз тилидаги адабиётларда “ҳалол туризм” тушунчаси билан бир қаторда, “мусулмон туризми”, “ислом туризми” ва “ислом меҳмондўстлиги” каби атамалар ҳам қўлланилади. Бундан ташқари, халқаро туризм саноатида “Шариатга мос меҳмонхоналар” ва “Ҳалолга мос саёҳат” каби атамаларнинг тобора кўпроқ қўлланилишини кузатиш мумкин¹.

Ҳалол туризм – бу мусулмон диндорларга шариатга мувофиқ кўрсатиладиган туристик хизматлар доираси. “Ҳалол” атамаси шариат томонидан рухсат этилган нарсани англатади, бу эса ўз навбатида Ислом тамойилларига, яъни Куръон ва Муҳаммад Алайҳиссалом (С.А.В.) Пайғамбаримизнинг суннатларига мувофиқ қоидалар, нормалар ва инсоний хулқ-атвор тўпламини англатади.

Мусулмон мамлакатлари орасида етакчи ҳалол сайёҳлик йўналишлари куйидагиларни ўз ичига олади:

1. Малайзия. Малайзия саёҳатчилар хавфсизлигининг юқори даражаси, овқатланиш ва турар жой имкониятларининг кенглиги, ибодат қилиш жойларининг мавжудлиги, мулоқот қулайлиги ва мусулмон сайёҳларнинг эҳтиёжларини тушуниши учун энг юқори баллни олди. Бу мусулмон сайёҳлар орасида иккинчи энг машҳур йўналиш ҳисобланади.

2. Туркия. Туркияда ибодат қилиш жойлари, хавфсизлик ва ҳалол ресторанларнинг яхши танловини, шунингдек кўплаб диққатга сазовор жойларни осонгина топиш мумкин. Туркия, шунингдек кўплаб мусулмон сайёҳларни ўзига жалб қилади.

3. БАА. Туризмга эътибор қаратган БАА хавфсизлик ва ибодат қилиш жойларига кириш учун энг юқори балл олди.

Мутахассислар, шунингдек ошхонанинг хилма-хиллиги ва алоқа воситаларига кириш имкониятини ҳам таъкидладилар.

4. Саудия Арабистони. Саудия Арабистонида 34,2 миллион киши истиқомат қилади. Албатта, уларнинг аксарияти зиёратчилар эканини ёдда тутиш керак, аммо Қироллик мусулмон сайёҳлар учун қулайликлар бўйича ҳам юқори балл олди.

5. Қатар. “Хавфсизлик”, “ибодат қилиш жойлари” ва “аэропорт инфратузилмаси” бўйича рўйхатда биринчи ўринда турган Қатар ҳалол ресторанларнинг мавжудлиги бўйича ҳам юқори кўрсаткичга эга. Шунингдек, рўйхатда Индонезия, Уммон, Иордания, Марокаш ва Бруней давлатлари ҳам бор.

Мусулмон бўлмаган мамлакатлар орасида ҳалол туризмнинг етакчи давлатлари:

1. Сингапур. Умумий рейтингда биринчи ўнталикка кирган ягона мусулмон бўлмаган мамлакат.

Сингапур хавфсизлик, ҳалол ресторанларнинг кенг танлови ва ибодат жойларига осон кириш имкониятини тақлиф этади.

2. Таиланд. Аэропорт хизмати ва мусулмон сайёҳларнинг эҳтиёжларига эътиборлилик Таиландга қўшимча балл келтирди.

3. Буюк Британия. Буюк Британия мутахассислар томонидан хавфсизлиги ва алоқаси учун юқори баҳоланди. Мамлакат, шунингдек оилавий муҳити учун ҳам биринчи ўринни эгаллади.

4. Жанубий Африка. Манзараси гўзаллиги ва бой фаунасидан ташқари, Жанубий Африка мусулмонлар учун юқори даражадаги хавфсизликни тақлиф этади.

5. Франция. Оилавий саёҳатлар учун яна бир ажойиб вариант. Шунингдек, у юқори даражадаги хавфсизлик ва дунёга машҳур кўплаб диққатга сазовор жойларга эга.

Бундан ташқари, Белгия, Гонгконг, АҚШ, Испания ва Тайван²ни ҳам ушбу рўйхатга қўшиш мумкин.

Мусулмон сайёҳларни жалб қилувчи энг кўп мамлакатлар Саудия Арабистони, Эрон, БАА, Қатар, Кувайт, Индонезия ва Малайзия саналади. Шу билан бирга, БМТ туризмнинг 2026 йилга мўлжалланган истиқболлари 2023 (+34 %) ва 2024 (+11 %) йилларда халқаро сайёҳлар оқимининг кучли тикланишидан ва 2025 йилда 4 % га ўсишидан сўнг ўсиш суръатларининг нормаллашишини акс эттиради.

Бугунги кунда дунёнинг 50 дан ортик мамлакатлари мусулмонлар деб таснифланган³.

Бундан ташқари, бошқа бир қатор мамлакатларда мусулмон аҳолиси анча кўп. Масалан, Хитойда мусулмонларнинг улуши жуда кичик кўринади – атиги 2,4 %, лекин мулқ ҳисобда бу тахминан 30 миллион кишини ташкил қилади.

2025 йилда Яқин Шарқ (деярли 100 миллион сайёҳ) 3 % ўсишни кайд этди, бу пандемиядан олдинги даражадан 39 % га юқори ва дунёнинг барча макроминтақалари орасида 2019 йилга нисбатан энг яхши динамикадир. Ҳалол туризмнинг асосий таркибий қисмларидан бири ҳалол сертификатланган меҳмонхоналар ва дам олиш масканларидир. Буларга тўлиқ ихтисослашган турар жой имкониятлари ва мусулмонлар томонидан талаб қилинадиган минимал хизматларни тақлиф қилувчилар кирди.

Ҳалол сайёҳлар глобал сайёҳлик оқимининг 11 фоизини ташкил қилади, бу бутун туризм бозоридан тахминан 200 миллиард доллар даромадни англатади. Шуни таъкидлаш керакки, икки миллиард мусулмон аҳолиси Жануби-Шарқий Осиё, Океания, Африка, шунингдек Европа ва Америка мамлакатларида яшовчи сегментлардан иборат. Булар, одатда, нисбатан юқори даромадли гуруҳлардир.

Марказий Осиёда ҳам ҳалол туризм ўзининг ўрни ва нуфузига эга бўлмоқда⁴.

Бундан ташқари, ҳозирги халқаро иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда, бу бозорлар иқтисодий инқироздан минимал даражада таъсирланган ва оммавий хитойлик сайёҳлар билан солиштирганда, бугунги кунда мусулмон мамлакатларидан келган сайёҳларнинг бюджети юқорироқ.

Мусулмон сайёҳлик қулайлиги, ҳалол маҳсулотларга кириш имконияти, хавфсизлик ва виза чекловлари асосида 130 та мамлакатни баҳолайдиган йиллик Global Muslim Travel Index маълумотларига кўра, Осиё ва Тинч океани минтақаси тикланишда давом этса, глобал иқтисодийёт шароитлари қулай бўлиб қолса, туризм хизматлари инфляцияси пасайишда давом этса ва геосиёсий моҳоролар кучаймаса, халқаро туризм 2026 йилда 2025 йилга нисбатан 3 % дан 4 % гача ўсиши кутилмоқда.

Сўнги йилларда Малайзияда ҳалол туризм жадал ривожланмоқда, бу мамлакат мусулмон сайёҳлар учун энг дўстона 10 та мамлакат қаторига кирди. Мусулмон сайёҳлар хоналарида қўшимча хизматлар билан кенг турар жойларга эга. Ушбу дастурга амал қиладиган машҳур меҳмонхоналардан бири Куала-Лумпур чеккасидаги 4 юлдузли Somerset Ampangдир. Ҳар бир хонада

ётоқхона столида Қуръони Карим нухаси бор ва тўшакка намоз кийимлари қўйилган. Ҳаммомларда қулай таҳорат олиш учун қўшимча жўмрак мавжуд. "Ислон қавати" даги хоналар фақат мусулмон меҳмонлар учун ажратилган.

Биринчи қаватда кунига беш марта азон (намозга чақирув) янграйди, шундан сўнг меҳмонлар ва меҳмонхона ходимлари махсус залда тўпланиб, тўртта тўлиқ вақтли имомлардан бирига эргашиб намоз ўқийдилар. Ушбу меҳмонхоналарга араб мамлакатлари ва Индонезиядан келган сайёҳлар орасида талаб катта.

Рамазон ойида Миср мусулмон сайёҳлар учун энг машҳур жойлардан бири ҳисобланади, чунки мамлакат курортларида ҳалол стандартларига жавоб берадиган кенг қўламли қўшимча хизматларга эга кўплаб меҳмонхоналар ва рестороанлар мавжуд.

Туркияга ташриф буюрадиган сайёҳлар орасида ҳалол меҳмонхоналарнинг катта танлови ҳам мавжуд. Ҳалол хизматларни таклиф қилувчи энг машҳур меҳмонхоналар қаторига Sah Inn Paradise 5*, Wome Deluxe 5*, Adenya Hotels Resort, Selge Beach Hotels 5* ва бошқа кўплаб меҳмонхоналар кирди⁶.

БААда Almula Hospitality гуруҳи муваффақиятли фаолият юритиб, Cliftenwood, Adham ва Wings каби шариатга мос меҳмонхона брендлари портфелини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда инновацион тажрибага эга. Компаниянинг мақсадли бозорлари Саудия Арабистони, Иордания, Миср, Малайзия ва Таиландни ўз ичига олади.

Almula Hospitality меҳмонхона бизнеси, БААдан ташқари, Европа ва Шимолий Америкада ҳам сезиларли даражада ўрин эгаллайди.

Бренднинг барча ҳалол меҳмонхоналари шариат қонунларига амал қилади, хоналар барча стандартларга мувофиқ жиҳозланган, меҳмонларга спиртли ичимликлар берилмайди ва рестороанлар фақат ҳалол таомларни таклиф қилади. Мусулмон сайёҳлар орасида эътирофга сазовор бўлган меҳмонхоналар қаторига Concorde Hotel Fujairah, Oceanic Khorfakkan, One to One Hotel The Village ва Marjan Island Resort & Spa кирди. Ушбу туруп жойлар тўрт юлдузли рейтингга эга ва меҳмонларга ҳалол хизматларни ўз ичига олган кенг қўламли хизматларни таклиф этади.

Индонезия дунёдаги энг катта архипелаг ҳисобланиб, оқ пляжларга эга 17 504 та тропик оролдан иборат. У сайёҳлар, жумладан, мусулмонлар учун сеvimли жой ҳисобланади. Индонезия аҳолисининг мутлоқ кўпчилиги мусулмон, шунинг учун унинг деярли барча маданияти, таомлари ва ўйин-кулгилари шу динга асосланган.

Мамлакатга кириш ва ички ҳалол туризм фаол ривожланмоқда. Svarga Resort Lombok ва Katamaran Resort каби меҳмонхоналар Halal Friendly⁶ дастурининг бир қисмидир ва ислом сайёҳлари орасида кенг тарқалган.

Таъкидлаш жоизки, нафақат Яқин Шарқ ва Осиё-Тинч океани минтақаларидаги мамлакатлар, балки Европа мамлакатлари ҳам ҳалол туризм бозори халқаро туризм оқимлари тузилмасида истикболли ва жадал ривожланаётган соҳа эканини тан олиб, Halal Friendly дастурига аста-секин қўшилмоқда. Барча Европа мамлакатларидан Италия Halal Friendly дастурида иштирок этаётган энг кўп меҳмонхоналарга эга. Улар орасида Рим ва Венециядаги The Independent Hotel, Rome Glam Hotel, Hotel Kappa va Rome Life Hotel каби меҳмонхоналар бор.

Шундай қилиб, ҳар йили дунёнинг турли мамлакатларида тобора кўпроқ ҳалол меҳмонхоналар пайдо бўлмоқда, уларда туризм ривожланмоқда. Ҳалол маҳсулотларга ҳам мусулмонлар, ҳам бошқа дин вакиллари томонидан талаб доимий равишда ошиб бормоқда. Глобал иқтисодий инқирозларга қарамай, ҳалол туризм бутун дунё бўйлаб тез суръатлар билан ўсмоқда. Бу мусулмонларга ўз диний эътиқодларига мувофиқ дам олиш имкониятини берадиган туризм туридир.

Ўйлаймики, ҳалол туризмнинг Ўзбекистонда ривожланиши мусулмон давлатлардан туристларнинг мамлакатимизга ташриф буюришини янада юқори даражага кўтариб, иқтисодийетимиз учун катта фойда келтириб қолмай, мусулмон мамлакатларининг ўзаро маданият ва урф-одат соҳасида янада зичроқ яқинлашувига сабаб бўлади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни бериш мумкин:

1. Иختисослашган туристик маршрутларни ишлаб чиқиш.

Маданий ва тарихий маршрутлар: мусулмонлар учун муҳим бўлган масжидлар, тарихий ёдгорликлар ва маданий жойларга ташриф буюришни ўз ичига олган маршрутларни яратиш.

Табиат маршрутлари: экотуризмга урғу берган ҳолда миллий боғлар ва қўриқхоналар бўйлаб саёҳатларни ташкил қилиш.

2. Ҳалол хизматларни тақдим этиш.

Ҳалол рестороанлар ва кафелар: ҳалол таомларни таклиф қилувчи муассасалар сонини кўпайтириш, стандартларга мувофиқлигини таъминлаш.

Ҳалол меҳмонхоналар: мусулмон сайёҳлар учун зарур шароитларни (масалан, ибодат хоналари, спиртли ичимликлар ва чўққа гўштини тақиқлаш) таъминлаш учун меҳмонхоналар учун стандартларни ишлаб чиқиш.

3. Таълим дастурлари.

Ходимларни ўқитиш: туризм соҳаси ходимлари учун ҳалол туризм тамойиллари ва мусулмон сайёҳларнинг эҳтиёжлари бўйича тренинглр ўтказиш.

Туристтик маълумотлар: сайёҳларга маҳаллий анъаналар ва урф-одатларни тушунишга ёрдам берадиган ахборот материалларини яратиш.

4. Рақамли платформалар орқали тарғибот.

Веб-сайт ва иловаларни ишлаб чиқиш: мусулмон сайёҳлар Ўзбекистондаги ҳалол сайтлар, тадбирлар ва хизматлар ҳақида маълумот топа оладиган платформаларни ишлаб чиқиш.

Ижтимоий медиа ва маркетинг: Ўзбекистонда ҳалол туризмни тарғиб қилиш учун ижтимоий медиадан фаол фойдаланиш, шу жумладан мақсадли аудиторияни жалб қиладиган контент яратиш.

5. Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик.

Ҳалол ассоциациялар билан ҳамкорлик: тажриба ва энг яхши амалиётлар билан ҳамкорлик қилиш учун халқаро ҳалол туризм ассоциациялари билан алоқаларни ўрнатиш.

Кўргазмалар ва конференцияларда иштирок этиш: Ўзбекистонга инвестициялар ва эътиборни жалб қилиш учун ҳалол туризмга бағишланган халқаро тадбирларда фаол иштирок этиш.

6. Инфратузилмани ривожлантириш.

Транспортнинг қулайлиги: сайёҳлар учун асосий нуқталар ўртасида саёҳатни осонлаштириш учун транспорт инфратузилмасини такомиллаштириш.

Дам олиш инфратузилмаси: ҳалол стандартларига жавоб берадиган дам олиш ва кўнгилочар жойларни яратиш.

Ушбу таклифлар Ўзбекистонни мусулмон сайёҳлар учун янада жозибадор жойга айланишига ёрдам бериб, иқтисодий ривожланиш ва маданий алмашинувни осонлаштиришга хизмат қилади.

Миродилжон БАРАТОВ,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институтини бўлим бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор.

Бори АКРАМХОДЖАЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институтини катта илмий ходими, юридик фанлар номзоди, доцент.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Газизов, А.Г. Индустрия "халъя" уверенно развивается / А.Г.Газизов, Ю.И.Риков, Н.И.Риза-Заде // Птица и птицепродукты – 2015. – № 4. – С.17-19.
2. <https://34travel.me/post/global-muslim-travel>.
3. https://pre-webunwto.s3.eu-west-1.amazonaws.com/s3fs-public/2026-01/World_Tourism%20Barometer_Jan26_excerpt_v2.pdf?VersionId=u75u9KWPa6Dzc2CUHld7AvQ49FYrDTQC.
4. <https://tj.sputniknews.ru/20170523/tadzhikistan-halal-turizm-1022385231.html>.
5. <https://www.tripadvisor.ru/Tourism-g293969-Turkiye-Vacations.html>.
6. <https://halalbooking.com/en/halal-holidays>.

СУДЬЯ ФАОЛИЯТИДА ПСИХОЛОГИК СТРЕСС ОМИЛЛАРИ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШНИНГ ХАЛҚАРО ТАЖРИБАСИ

"Stress" атамаси инглиз тилидан олинган бўлиб, ўзбек тилида "босим", "кучланиш" каби маъноларни англатади. Hans Selye назариясига кўра, стресс фақат салбий бўлмайди:

1. Eustress (*ижобий стресс*) – инсонни сафарбар қилувчи, унинг диққатини оширувчи ва муваффақиятга ундовчи "фойдали" кучланиш.

2. Distress (*салбий стресс*) – организмнинг мослашувчанлик имкониятларидан юқори бўлган, сурункали давом этиб, инсонни руҳан ва жисмонан ҳолдан тойдирувчи зарарли босим.

Судьялик фаолиятида биз айнан дистресс ҳолатига кўпроқ дуч келамиз. Чунки суд мажлисларидаги доимий психологик босим ва масъулият судьянинг асаб тизими "адаптация" (кўникиш) босқичидан "ҳолдан тойиш" босқичига ўтказиб юборди.

Стресснинг ўзига хос манбалари ва "Викарли травма". Судья фаолиятидаги энг хавфли стресс омилларидан бири бу — "викарли травма" ёки иккинчи даражали травматик стрессдир. Судья оғир жиноятларга оид далилларни ўрганиш жараёнида билвосита ушбу оғриқли ҳодисаларнинг иштирокчисига айланади⁴. Бу жараён вақт ўтиши билан судьяда "ҳиссий карахтлик" ёки дунёга нисбатан ўта пессимистик қараш каби касбий деформацияларни келтириб чиқаради.

Стрессни бартараф этиш борасида ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, судьянинг руҳий саломатлиги шахсий масала эмас, балки давлат хавфсизлиги масаласидир:

Дунё бўйича иш жойидаги стресс ва руҳий юклама энг юқори давлатлар (TOP-4)

1. АҚШ (Америка Қўшма Штатлари).

АҚШ суд тизими дунёдаги энг юқори босимли тизимлардан бири ҳисобланади. Америка Адвокатлар Ассоциацияси (АВА) маълумотларига кўра, судьяларнинг 45-50% қисми сурункали стрессдан азият чекади. Бу ерда "рақобатбардошлик маданияти" ва иш ҳажмининг ниҳоятда катталиги биринчи ўринда туради. Судьялар нафақат қонуний, балки жамоатчилик ва медиа олдидаги масъулият тўғрисида ҳам кучли босим остида қоладилар.

2. Япония.

Япония анъанавий равишда "кароши" (ҳаддан ташқари кўп ишлашдан ўлим) тушунчаси билан машҳур. Япония суд тизимида иерархия ва хатоликка йўл қўймаслик масъулияти жуда юқори. Судьялар орасида ўтказилган сўровларда уларнинг 40% дан ортиги уйқу бузилиши ва ҳиссий чарчоқдан шикоят қилган. Бу ерда стресснинг асосий сабаби — жамиятнинг судьяга бўлган ўта юқори талаби ва "мукаммаллик" кутилмасидир.

3. Австралия.

Яқин йилларда Австралия суд тизимидаги стресс даражаси бўйича махсус миллий ҳисобот эълон қилинди. Тадқиқотлар шуни кўрсатдики, австралиялик судьяларнинг 33-35% қисми "ҳиссий ёниш" ва викарли травманинг оғир босқичида. Австралия стрессни бартараф этиш бўйича энг кўп илмий мақолалар ёзилган ва бу муаммони тан олаётган давлатлардан биридир.

4. Жанубий Корея.

Жанубий Корея суд тизими ўзининг қатъий тартиб-интизоми ва иш вақтининг узоклиги билан ажралиб туради. Судьялар орасида стресс даражаси тахминан 30-32%ни ташкил этади. Бу ерда ижтимоий босим ва "суд қарори халқ иродасига мос келиши керак", деган норасмий тушунча судьяларни руҳан қийин ахволга солиб қўяди.

Судьялардаги стрессни бартараф этиш учун турли мамлакатларда ҳар хил усуллардан фойдаланилади.

1. АҚШ ва Канада: бу давлатларда "Judicial Assistance Programs" (JAP) тизими орқали судьяларга аноним психологик ёрдам кўрсатилади⁵.

2. Германия: немис суд тизимида "Супервизия" услуги қўлланилади, бунда профессионал психологлар судьялар билан ҳиссий юкни бўшатиш (debriefing) бўйича ишлайди.

3. Япония: иш юкларини мувозанатлаш учун ишларни автоматлаштирилган тарзда тақсимловчи интеллектуал тизимлар (AI) кенг жорий этилган⁶.

4. Скандинавия давлатлари: Швеция ва Норвегияда судьяларга ҳар 5-7 йилда бир мартаба руҳий тикланиш учун махсус ҳақ тўланадиган ижодий таътил (sabbatical) берилди.

Судьянинг руҳий хотиржамлиги ва эмоционал барқарорлиги — бу шунчаки шахсий саломатлик масаласи эмас, балки адолатли ҳукм, қонун устуворлиги ва фуқароларнинг суд тизимига бўлган ишончининг бош гаровидир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, сурункали стресс ва дистресс ҳолатидаги судья нафақат ўз соғлигини йўқотади, балки унинг қарор қабул қилишдаги ҳолислиги ва таҳлилий қобилияти ҳам пасаяди.

Ўзбекистон суд тизимида судьялар фаолиятидаги стрессни бартараф этиш ва унинг олдини олиш учун қуйидаги тизимли чора-тадбирларни амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Психологик қўллаб-қувватлаш тизимини институционализация қилиш: судларда штатли психолог лавозимини жорий этиш ёки судьялар учун ихтисослашган аноним психологик маслаҳат марказларини ташкил этиш зарур. Бу тизим судьяга ўз муаммоларини мавқеини йўқотиш кўркувисиз (махфийлик кафолати билан) муҳокама қилиш имконини беради.

2. "Sabbatical" ва дам олиш тизимини жорий этиш: халқаро тажрибага таяниб, кўп йиллар давомида оғир жиноят ёки мураккаб фуқаролик ишларини кўрган судьяларга руҳий тикланиш учун қисқа муддатли (3-6 ой) ҳақ тўланадиган "ижодий таътил" бериш тизимини йўлга қўйиш лозим. Бу "ҳиссий ёниш"нинг олдини олишда энг самарали воситадир.

3. Иш юкларини оптималлаштириш ва рақамлаштириш: судьялар ўртасида ишларни тақсимлашда нафақат сон кўрсаткичи, балки ишнинг мураккаблик даражаси ва судьянинг психологик ҳолатини ҳисобга олувчи интеллектуал тизимлардан фойдаланиш керак. Техник ишларни (ҳужжат тайёрлаш, архивлаш) тўлиқ ёрдамчи аппарат ва сунъий интеллект зиммасига ўтказиш судьянинг когнитив юкларини камайтиради.

4. Таълим ва профилактика: судьялар олий мактаби ўқув дастурларига "Стресс-менеджмент", "Эмоционал интеллект" ва "Психологик гигиена" каби амалий курсларни киритиш лозим. Судья стресснинг биринчи белгиларини ўзида аниқлаш ва уни бошқариш усулларини (медитация, когнитив қайта ишлаш) профессионал даражада эгаллаши шарт.

5. Ижтимоий ҳимоя ва "Peer Support" (Тенгдошлар кўмаги): судьялар ҳамжамияти ичида ўзаро ёрдам гуруҳларини тузиш, тажрибали судьяларнинг ёш судьяларга устозлик (менторинг) қилиш тизимини ривожлантириш керак. Бу судьянинг ўзини тизимда "ёлғиз" ҳис қилмаслигини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, судьянинг руҳий саломатлигини муҳофаза қилиш — бу одил судловнинг сифатини кафолатлаш демакдир. Стрессни бартараф этишга қаратилган ушбу чоралар суд тизимининг нафақат қонуний, балки инсоний жиҳатдан ҳам мустаҳкамланишига хизмат қилади. Стрессни бартараф этишга қаратилган чоралар фақатгина индивидуал маслаҳатлар билан чекланиб қолмасдан, суд тизимига институционал даражада жорий этилиши лозим. Бунга қуйидагилар кирди:

- Психологик декомпрессия: судьялар учун махсус дам олиш хоналари ва психологик ёрдам хизматларини ташкил этиш.

- Касбий деформациянинг олдини олиш: доимий равишда психологик тренинглар ўтказиш орқали судьяларда "эмоционал ёниш кетиши" (burnout) синдроми шаклланишига йўл қўймаслик.

Суд тизимининг мустаҳкамланиши нафақат қонуний ислохотлар, балки тизимдаги кадрлар салоҳиятини асраш билан ҳам боғлиқ. Судьяни шунчаки "қарор чиқарувчи механизм", деб эмас, балки юқори даражадаги масъулиятни ўз зиммасига олган инсон сифатида қадрлаш лозим.

Юлдузхан ДОСЖАНОВА,

Одил судлов академияси ўқитувчиси.

АЁЛЛАР ВА БОЛАЛАР ҲИМОЯСИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Бошқаларга нисбатан ожиз, ҳимояга муҳтож бўлган аёллар ва болалар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳар қандай жамиятнинг, ҳар қайси давлатнинг маънавий қиёфасини белгилаб берувчи асосий мезонлар сирасига киради.

Ўзбекистон сўнгги йилларда бу борада салмоқли йўлни босиб ўтди, бироқ 2024–2025 йилларда кузатилган ижтимоий-ҳаётий воқеликлар шуни кўрсатадики, бу борадаги мавжуд ҳуқуқий механизмлар замон шиддати ва янги пайдо бўлаётган таҳдидлар олдида ҳали тўлақонли эмас экан.

Ўтган давр мобайнида ижтимоий тармоқларда ва кундалик ҳаётимизда тез-тез учраб турган салбий ҳолатлар – хотин-қизларга нисбатан кўча-кўйдаги таъқиблар, оила ичидаги ёпиқ зўравонликлар аёллар ва болаларнинг ҳуқуқий ҳимояси билан боғлиқ реал воқеликлар жиддий “инвентаризация” ўтказиш зарурлигини ҳам англатди. Илгари зўравонликка қарши кураш асосан оқибатлар билан ишлашга қаратилган эди: воқеа содир бўларди, сўнг жазо чораси кўриларди. Энди эса муаммонинг илдизи, тазйиқ ва зўравонликларни олдиндан прогноз қилиш ва унинг олдини олиш тизимига бориб тақалиши ойдинлашди.

Жумладан, куйидаги учта йўналишда бўшлиқлар яққол кўзга ташланди:

биринчидан, жамоатчиликнинг бепарқлиги; иккинчидан, бу борадаги ахборот ва маълумотлар алмашинувининг сустлиги;

учинчидан, иқтисодий-ижтимоий ҳаёт.

2026 йил 3 март куни давлатимиз раҳбари томонидан имзоланган “Аёллар ва болалар ҳуқуқларининг ҳимоясини кучайтириш ҳамда уларга нисбатан тазйиқ ва зўравонлик ҳолатларининг олдини олиш бўйича қўшимча ташкилий-ҳуқуқий чоралар тўғрисида”ги ПФ-33-сон фармон айнан мана шу ижтимоий “жароҳат”ларни даволашга қаратилган стратегик ҳужжат бўлди.

Бу ҳужжат шунчаки жазони кучайтириш эмас, балки жамиятда зўравонликка нисбатан мутлақо тоқатсизлик муҳитини яратиш ва ҳимоя тизимини тўлиқ рақамлаштиришни мақсад қилган.

Эндиликда давлат сиёсати жазолашдан олдини олиш ва тизимли қўллаб-қувватлаш босқичига ўтилмоқда. Бу кечаги куннинг аччиқ сабоқларидан хулоса чиқарган ҳолда, эртанги куннинг хавфсизлик кафолатини яратиш демакдир.

Фармон билан миллий қонунчилигимизга киритилаётган “Шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш ва шахсни унинг эркига зид равишда таъқиб қилиш” бу бўшлиқни тўлдирди. Эндиликда:

Шахснинг хоши-иродасига зид равишда унинг орқасидан юриш;

иш ёки ўқиш жойларида кутиб олиш;

унинг ҳаёти ва шахсий дахлсизлигига таҳдид солувчи бошқа ҳаракатларни такроран содир этиш қатъий ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради.

Бугунги кунда зўравонлик фақат кўчада ёки уйда содир бўлмайди. Ижтимоий тармоқлар ва мессенжер-



лар орқали аёлнинг шахсий суратларини тарқатиш билан кўрқитиш, уни ҳақоратлаш ёки руҳий зўриқиш ҳолатига олиб келиш замонамизнинг энг оғир иллатларидан бирига айланди.

Фармонда Киберзўравонлик ва онлайн груминг каби замонавий жиноят турлари учун жавобгарлик белгиланиши тарихий қадам бўлди. Бу дегани, рақамли оламда “фейк” аккаунтлар ортига яшириниб, аёлларнинг шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилувчилар энди жазо муқаррарлигини ҳис этадилар. Ушбу ўзгаришлар нафақат жазолаш, балки жамиятда янги бир хулқ-атвор маданиятини шакллантиришга хизмат қилади. Аёл киши ўзини нафақат хонадонда, балки кўчада ва интернет маконида ҳам давлат ҳимоясида эканини англаши унинг ижтимоий фаоллигини оширади. Энг муҳими, бу чоралар тажовузкор руҳиятидаги “менга ҳеч нарса бўлмайди” деган янглиш ишонччи синдиради. Жамиятда эса “биронинг ҳаётига дахл қилиш ҳазил эмас, балки жиноят” деган қатъий қараш мустаҳкамланади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, Фармонда белгиланган вазифалар ижроси аёлнинг бахтли ва хотиржам бўлишини, ҳар бир боланинг эса хавфсиз ва беғубор болаликка эга бўлишини таъминлаш билан ниҳоятда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, бугунги қатъий қадмлар эртанги кучли, адолатли ва маданиятли жамиятнинг энг мустаҳкам кафолатидир.

Ғайрат МАШКУРОВ,

Нурафшон туманлараро иқтисодий суди раиси,
юридик фанлар номзоди.

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТУВИДА ПРОЦЕССУАЛ КЕЛИШУВ ШАКЛЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақола процессуал келишувларни дифференциация қилиш, процессуал келишув шакллари ва уларда айбланувчига бериладиган имтиёзлар таснифланиб, процессуал келишув институтининг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари очиб берилган ва асослантирилган. Келишувнинг легитимлиги, унинг ихтиёрийлиги, ҳимоя ҳуқуқи, қайта кўриш механизми ва процессуал кафолатларни таъминлаш юзасидан таклифлар берилган.

Калит сўзлар: процессуал келишув, жазо юзасидан имтиёз, процессуал кафолатлар, ихтиёрийлик, муроса, келишув механизми.

Келишув шакллари дифференциация қилишнинг умумэтироф этилган моддий ҳуқуқий асоси айбланувчининг айбига иқрорлиги ёки тергов билан ҳамкорлиги ҳисобланади.

А.В.Смирнов ва К.Б.Калиновский жиноят суд ишларини юритишда келишувнинг куйидаги шакллари ажратишган: а) айблов ва ҳимоя вакиллари ўртасида тузиладиган, айбловни енгиллаштириш эвазига айбга иқрор бўлишдан иборат айбга иқрорлик ҳақида келишув; б) медиация келишув - жабрланувчи ва айблилиги исботланган ва етказилган зарарни қоплашга тайёр бўлган ҳуқуқбузар ўртасида учинчи шахслар (одатда жамоат бирлашмалари ёки медиация, пробацяннинг махсус хизматлари ёки суднинг рухсати билан полиция) воситачилигида тузиладиган келишув; в) суд жараёнини қисқартириш ҳақида келишув.

Бу борада ҳуқуқшунослар турли қарашларни баён этадилар. Хусусан, Л.В. Головкич келишувнинг “айбга иқрорлик ҳақида келишув”, “жазо ҳақида келишув”, “жиноий таъқибдан воз кечиш ҳақида келишув”, “тарафларнинг илтимосномасига кўра жазо тайинлаш процедураси” каби турлари мавжудлиги ҳақида фикр юритса, Д.К.Канафин

- 1) айбга иқрорлик ҳақида келишув;
- 2) ҳамкорлик ҳақида келишув;
- 3) суд ишларини юритишнинг соддалаштирилган шаклини қўллаш ҳақида келишув;
- 4) тарафларнинг ярашганлиги муносабати жиноят ишини тугатиш ҳақида келишув шакллари мавжудлигини айтади.

М.А. Сыдығалиев эса процессуал келишувларнинг ярашув, айбдорнинг қилмишидан пушаймонлиги муносабати билан жиноий таъқибни тугатиш, айбга иқрорлик ҳақида келишув каби шакллари ажратган.

Бизнинг фикримизча процессуал келишувнинг айбловга розилик, ярашув ва тергов билан ҳамкорлик ҳақида шакллари мавжуд.

Келишув шаклларида айбланувчига бериладиган имтиёзларни куйидагича таснифлаш мумкин:

Жазо билан боғлиқ имтиёзлар – мазкур ҳолатда айбланувчига жазо тури ва меъёри билан боғлиқ имтиёзлар бериллади.

Факт билан боғлиқ имтиёзлар – келишув эвазига айбловнинг айрим эпизодлари чиқариб ташланади ёки айбланувчига енгиллаштирувчи томондан баён қилинади.

Айблов билан боғлиқ имтиёзлар – айбланувчига нисбатан айрим айбловлар енгиллаштирилади ёки тугатилади.

Тергов билан ҳамкорлик ҳақида келишув (шоҳ гувоҳ тизими). Айбланувчи тергов ва жиноий таъқибга ёрдам бериш (шу жумладан, бошқа жиноий шерикларига нисбатан кўрсатув бериш) мажбуриятини олади, эвазига айблов ҳажми ёки жазо миқдори камайтирилади.

Таъқиботларга кўра, келишув шакллари жорий қилинган юрисдикциялардан 68%да жазо билан боғлиқ имтиёзлар, 44%да айблов билан боғлиқ, 12%да факт билан боғлиқ имтиёзлар беришга йўл қўйилади. Шунингдек, мазкур юрисдикцияларнинг тахминан ярмида шоҳ гувоҳ тизими ёки ҳамкорлик ҳақида келишув мавжуд.

Бироқ, фақатгина умумҳуқуқ оиласига мансуб тўрт давлат: АҚШ, Англия, Уэльс ва Австралияда мазкур имтиёзларнинг барчаси қўлланади.

Айбга иқрорлик ҳақида келишувнинг моҳияти шундан иборатки, гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг айбловга розилигидан келиб чиқиб, суд муҳокамасининг шакли соддалаштирилади ва унга жазо юзасидан қонун билан белгиланган муайян имтиёзлар қўлланади.

Айблов ва ҳимоя томонининг айбланувчининг айблов ҳолати ва қилмишнинг квалификацияси масаласида муросага эришганлиги процессуал шаклда расмийлаштирилади. Имтиёзлар айбловнинг баъзи эпизодларини чиқариб ташлаш, квалификациясини ўзгартириш (англо-саксон ҳуқуқий тизимида) ва фақат енгилроқ жазо тайинлаш (континентал тизимида) шаклида бўлиши мумкин.

Айбга иқрорлик ҳақида келишув ва тергов билан ҳамкорлик ҳақида келишувни дифференциация қилиш асоси унинг мақсади бўлиб, айбга иқрорлик ҳақида келишув процессуал шакли соддалаштиришга қаратилган бўлса, тергов билан ҳамкорлик ҳақида келишув жиноятни очиш ва ишнинг барча ҳолатларини аниқлашга қаратилган.

Яъни, тергов билан ҳамкорлик ҳақида келишув оғир ва ўта оғир жиноятларни очиш ҳамда тергов қилиш учун оптимал шарт-шароитлар яратиш, ҳамкорлик қилмоқчи бўлган шахсларни рағбатлантириш, уюшган гуруҳ ва жиноий уюшма ташкилотчиларига нисбатан далиллар тўплаш имкониятини кенгайтиришга қаратилган.

А.С.Александров тўғри таъкидлаганидек, судга қадар ҳамкорлик ҳақида келишув давлатда оғир ва ўта оғир жиноятларни фош қилишнинг бошқа усуллари мавжуд бўлмаганидагина тузилиши лозим.

Тергов билан ҳамкорлик ҳақида келишувнинг ҳуқуқий табиати юзасидан турли фикрлар мавжуд. Масалан, О.Н.Тисен, келишувнинг мазкур тури бир вақтнинг ўзида ҳам соддалаштирилган ҳам мураккаблаштирилган процессуал шакл бўлганлиги сабабли иш юритишнинг алоҳида шаклига мансуб деган фикрга келган. Бунга сабаб, иш юритишни жадаллаштириш фақатгина суд муҳокамаси босқичига тааллуқли эканлиги, ишни судга қадар юритиш босқичи аксинча мураккаблашиши асос сифатида келтирилган.

Процессуал келишувнинг алоҳида шакли бўлган тарафларнинг ярашув фақатгина хусусий айбловга оид ишлар бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи ва жабрланувчи ўртасида тузилиб, мазкур келишув асосида давлат жиноий таъқибни амалга оширишга бўлган ҳуқуқидан воз кечди. Келишувнинг бошқа шаклларида фарқли равишда бунда шахс жиноий жавобгарликдан озод қилинади ва ҳукм қилинмайди.

Процессуал келишув шакллари дифференциация қилишнинг бош мезони бўлган келишувнинг предмети юзасидан илмий адабиётларда турли фикрлар мавжуд.

Жумладан, В.В.Горский ва М.В.Горскийнинг фикрича келишув предмети унинг шартларини бажариш доирасида айбланувчининг ҳаракатлари ҳисобланади. Н.С.Костенконинг фикрига кўра, келишув предмети жиноий жавобгарликни амалга ошириш шартларидан иборат. М.М.Головинский эса, келишув предмети сифатида тарафларнинг

хамкорлигини амалга ошириш шартларини муҳокама қилиш ва гумон қилинувчи (айбланувчи)нинг ҳамда уларнинг яқинларини хавфсизлиги қафолатларини қайд қилган.

Келишувнинг асосий қисми унинг предмети бўлиб, келишув предмети юзасидан прокурорга дискрецион ваколатлар берилмаган. Айрим олимлар келишув предмети фақат ҳаракатлардан иборатлиги ҳақида фикр юритган бўлса, бошқа олимлар шахснинг ҳаракати билан бирга жиноий жавобгарликни энгиллаштирувчи ҳолатлар ва жиноят ҳуқуқининг келишув шартларига амал қилинган тақдирда гумон қилинувчи, айбланувчига қўлланиши мумкин бўлган норматив қоидаларини ҳам келишув предметиға киритганлар.

Л.Валуеванинг фикрига кўра, айблов ва ҳимоя томони айбланувчи ёки гумон қилинувчининг жавобгарлиги шартларини келиши олмайди, улар фақат ишни кўриб чиқишнинг тегишли соддалаштирилган тартибини танлашлари ва айблов томони сўрайдиган жазо чегарасини келишишлари мумкин.

Биз ҳам мазкур фикрга қўшилаемиз, чунки жиноий жавобгарлик шarti келишув предмети бўлиши мумкин эмас, жазони энгиллаштириш тартиби ЖКнинг 57²-моддаси билан аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, жазонинг фақатгина юқори чегараси белгиланган, яқуний жазо тури ва миқдорини фақат суд белгилайди.

Демак, келишув предмети суриштирув ва дастлабки терговда қўйилган гумонни ёки айбловни тан олиш, далилларни инкор қилмаслик, жиноятни очишга қаратилган тергов ҳаракатларида фаол қатнашиш, терговдан яширинган шахслар ва жиноят натижасида олинган мол-мулкнинг топилишида кўмаклашиш, жиноятга алоқадор бошқа ахборотни тақдим этиш ҳамда жиноят оқибатида етказилган зарарни бартараф этиш бўлиши мумкин.

Шундай қилиб, процессуал келишув предмети гумон қилинувчи ва айбланувчининг жиноят-процессуал қонунда кўзда тутилган ва исботланиши лозим бўлган ҳолатларни аниқлаш, жиноят оқибатларини бартараф этишга қаратилган муайян ҳаракатларидан иборат.

Юқоридаги фикрларни умумлаштирган ҳолда, процессуал келишув институтининг қуйидаги назарий-ҳуқуқий жиҳатларини ажратиш мумкин:

1. Конституциявий-ҳуқуқий йўналишида.

Процессуал келишув институти конституциявий қафолатлар тизими билан узвий боғлиқ бўлиб, у одил судловга бўлган ҳуқуқ, айбсизлик презумпцияси ва мутаносиблик принципининг махсус процессуал ифодаси ҳисобланади. Келишувнинг легитимлиги унинг ихтиёрийлиги, ҳимоя ҳуқуқининг таъминланганлиги ва суд томонидан фаол текширув ўтказилишига боғлиқ.

2. Институционал механизмлар йўналишида.

Процессуал келишувни самарали амалга ошириш унинг аниқ институционал алгоритмига боғлиқ бўлиб, келишув ташаббуси, музокара босқичи, прокурор назорати ва суд муҳокамаси ўртасидаги ваколатлар мувозанати қонун даражасида қатъий белгиланиши зарур. Ваколатларнинг ноаниқлиги институционал номувофиқлик ва коррупцион хавфни келтириб чиқаради.

3. Суд назорати йўналишида.

Суднинг келишувни тасдиқлаш ваколати формал эмас, балки мазмунан текширув характериға эға бўлиши лозим. Суд келишувнинг ихтиёрийлиги, айбловнинг етарли далиллар билан тасдиқланганлигини мустақил баҳолаши керак. Бу ҳолат судни келишув механизмининг процессуал фильтри сифатида тавсифлаш имконини беради.

4. Жабрланувчи манфаатлари йўналишида.

Процессуал келишув институтида жабрланувчининг процессуал мақоми мустақил қафолатлар билан мустаҳкамланиши лозим. Зарарни қоплаш, фикр билдириш ва келишув шартларига таъсир кўрсатиш имконияти мавжуд бўлмаган тақдирда, институтнинг ижтимоий адолат функцияси тўлиқ амалга ошмайди.

5. Жазо сиёсатини рационаллаштириш йўналишида.

Процессуал келишув жазо индивидуаллашувининг процессуал механизми сифатида намоён бўлади. У жазонинг муқаррарлиги ва инсонпарварлиги ўртасидаги мувозанатни таъминлайди ҳамда жиноят сиёсатини репрессив моделдан рағбатлантирувчи моделға трансформация қилади.

6. Исботлаш назарияси нуқтаи назаридан.

Келишув тузилган ҳолатда исботлаш предмети ва чегараси ўзгаради, бироқ бу моддий ҳақиқатни аниқлаш принципининг бекор қилиниши эмас, балки исботлаш фаолиятининг ихчамлашувидир. Айбга иқроорлик исботлаш жараёнини энгиллаштиради, аммо унинг ўрнини босмайди.

7. Жиноят-процессуал дифференциация йўналишида.

Процессуал келишув жиноят ишларини юритиш шаклларини дифференциация қилиш концепциясининг амалий ифодаси бўлиб, жиноятнинг оғирлиги, фактик мураккаблиги ва айбланувчининг процессуал позициясидан келиб чиқиб махсус тартибни қўллаш имконини яратади.

8. Криминологик самарадорлик йўналишида.

Келишув институти иштирокчиликда содир этилган жиноятларни фош этиш, латент жиноятчиликни камайитириш ва ресоциализация жараёнини эрта бошлаш имконини берувчи рағбатлантирувчи механизм сифатида хизмат қилади.

9. Апелляция ва қайта кўриш механизми йўналишида.

Келишув асосида чиқарилган ҳукмлар бўйича шикоят қилиш тартибининг чекланганлиги процессуал барқарорликни таъминлайди, бироқ бундай чекловлар одил судлов принципларига зид бўлмаслиги учун уларнинг аниқ ва аниқлаштирилган норматив асоси бўлиши шарт.

Дониёр АЗИМОВ,

жиноят ишлари бўйича Қуйиқирчиқ туман судининг тергов судьяси,

Одил судлов академияси мустақил ишланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Смирнов А.В., Калиновский К.Б. Уголовный процесс. СПб., 2009. С. 220.
2. Головки Л.В. Альтернативы уголовному преследованию в современном праве... С. 16, 68.
3. Реформирование уголовного процесса Республики Казахстан. Материалы Центра исследования правовой политики/Алматы 2014 С.7
4. Сыдыгалиев М.А. Дифференциация формы досудебного производства в уголовно-процессуальном законодательстве Кыргызской Республики и Российской Федерации: Дисс. ... канд. юрид. наук. Нижний Новгород, 2016. С. 2016.
5. Александров Р. А. Проблемы рассмотрения в особом порядке уголовных дел при заключенном досудебном соглашении о сотрудничестве, вызванные смешением различных институтов "сделок с правосудием" // Российский судья. 2015. № 6. 29 б.
6. Тисен О.Н. Теоретические и практические проблемы института досудебного соглашения о сотрудничестве в российском уголовном судопроизводстве: автореф. дис. ... докт. юрид. наук. Оренбург, 2017. 18 б.
7. Горский В.В., Горский М.В. Досудебное соглашение о сотрудничестве позиций обеспечения прав участников уголовного судопроизводства (отдельные проблемы) // Досудебное соглашение о сотрудничестве (правовые и криминалистические проблемы): мат-лы Научно-практ. конф. Воронеж, 2010. Вып. 6. 113 б.
8. Костенко Н.С. Досудебное соглашение о сотрудничестве в уголовном процессе: правовые и организационные вопросы заключения и реализации: дис. ... канд. юрид. наук. Волгоград, 2013. 110-111.
9. Головинский М.М. Досудебное соглашение о сотрудничестве: нормативно-правовое регулирование и практика применения: дис. ... канд. юрид. наук. Владимир, 2011. 83 б.
10. Александров А.С., Александрова И.А. Соглашение о сотрудничестве со следствием: правовая сущность, вопросы толкования норм, входящих в гл. 40.1 УПК РФ // Уголовный процесс. 2009. № 8. 4 б.
11. Тисен О.Н. Теоретические и практические проблемы института досудебного соглашения о сотрудничестве в российском уголовном судопроизводстве: дис. ... д-ра юрид. наук. Оренбург, 2017
12. Горский В.В., Горский М.В. Досудебное соглашение о сотрудничестве с позиций обеспечения прав участников уголовного судопроизводства (отдельные проблемы) // Досудебное соглашение о сотрудничестве (правовые и криминалистические проблемы): материалы научно-практ. конф. Воронеж, 2010. Вып. 6. 113 б.
13. Гранкин К., Мильтова Е. Проблемы применения норм УПК РФ, регулирующих досудебное соглашение о сотрудничестве // Уголовное право. 2010. № 3. 77 б.
14. Валуева Л.В. Уголовно-процессуальные аспекты досудебного соглашения о сотрудничестве // Досудебное соглашение о сотрудничестве (правовые и криминалистические проблемы): материалы научно-практ. конф. Воронеж, 2010. Вып.

ЖИНОЙ ЖАЗОЛАРНИ ТАЙИНЛАШ АСОСЛАРИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада жиний жазоларни тайинлашда инобатга олиниши лозим бўлган асослар, Ўзбекистон ва халқаро ҳуқуқий ҳужжатларда бу масалага нисбатан қарашлар, амалиётдаги муаммолар таҳлил қилинган. Шунингдек, жиний жазоларни тайинлаш асосларини такомиллаштиришга оид айрим таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: жазо, жазодан озод қилиш, маҳқум, жазо пиллапояси, асослар, асосий жазо, қўшимча жазо.

Ўзбекистон Республикаси Жиний кодекснинг 43-моддасига мувофиқ, жазо тизимига 9 та давлат мажбурият чоралари қиради:

- а) жарима;
- б) муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш;
- б¹) мажбурий жамоат ишлари;
- в) ахлоқ тузатиш ишлари;
- г) хизмат бўйича чеклаш;
- д¹) озодликни чеклаш;
- е) интизомий қисмга жўнатиш;
- ж) озодликдан маҳрум қилиш;
- з) умрбод озодликдан маҳрум қилиш.

Ушбу рўйхат судга муайян давлат мажбурият чораларининг нисбий оғирлигига эътибор қаратган ҳолда, ҳар бир конкрет ҳолатда жазони индивидуаллаштириш принципини амалга оширишга имкон беради. Рўйхат тугал ҳисобланади. Қонунда назарда тутилмаган жазоларни қўллаш мумкин эмас.

Жазо тизими уларни асосий ва қўшимча турларга бўладиган легал таснифини, шунингдек ҳам асосий, ҳам қўшимча сифатида ишлатиладиган жазо турларини ўз ичига олади.

Асосий жазолар фақат мустақил равишда қўлланилади, уларни суд тайинлайдиган бошқа жазога қўшиб бўлмайди¹. Суд маҳқумга асосий жазонинг фақат битта турини тайинлашга ҳақли. Башарти асосий жазо тури ҳукм чиқариладиган жиний учун жавобгарликни назарда тутувчи модданинг санкциясида кўрсатилмаган бўлса, уни тайинлаш мумкин эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно (жазо энгиллаштирилган тақдирда, жазони ҳарбий хизматчиларга тайинлашда, жазодан озод қилишда).

Жарима, мажбурий жамоат ишлари, ахлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш, озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш фақат асосий жазо турлари сифатида қўлланилади (ЖК 43-моддаси 1-қисми).

Қўшимча жазолар ўз-ўзидан тайинланиши мумкин эмас, аммо қонунда назарда тутилган ҳолларда улар асосий жазога қўшилиб, унинг таъсир кучини оширади.

Қўшимча жазо, инсонпарварлик тамойилларига кўра, маҳқумни мулкдан ёки асосий ижтимоий имтиёزلардан бутунлай маҳрум бўлган ҳолатга туширмаслиги, ортиқча маънавий азоб-уқубатларни келтириб чиқармаслиги шарт. Қўшимча жазоларга давлат мажбуриятининг атиги битта чораси – ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш тарзидаги жазо қиради. Жиний қонуни моддасининг санкциясида қўшимча жазони қўллаш имконияти назарда тутилган ҳолларда, судлар уни қўллаш ёки қўлламаслик масаласини ҳал қилиб, ҳукмда ўз қарорининг сабабларини кўрсатиб ўтишлари шарт.

Жазоларни таснифлаш бошқа асосларга кўра ҳам амалга оширилиши мумкин:

- шахслар доирасига кўра: вояга етмаганлар учун жазо тизими; фақат ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланиладиган жазолар (ҳарбий хизмат бўйича чеклаш ва интизомий қисмга жўнатиш); қўлланилиши чекланган жазолар (1994 йилги Жиний кодекс алоҳида жазо турлари қўлланиладиган шахслар тоифаларини кўрсатиб ўтади. Жумладан, ЖК 45¹-моддаси 4-қисмига биноан Мажбурий жамоат ишлари пенсия ёшига етган шахсларга, ўн олти ёшга тўлмаган шахсларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронларига, ҳарбий хизматчиларга, чет эл фуқароларига ва Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган шахсларга нисбатан қўлланилмайди.

Пенсия ёшига етганларга, меҳнатга қобилиятсизларга, ҳомиладор аёлларга, уч ёшга тўлмаган болалари бор аёлларга ва ҳарбий хизматчиларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари ҳам қўлланилмайди (ЖК 46-моддаси 3-қисми).

- мазмун жиҳатидан: мулкий тусдаги жазолар (жарима, ахлоқ тузатиш ишлари); озодликдан маҳрум қилиш ёки чеклаш билан боғлиқ жазолар (жазо тизимига ҳаракат эркинлигини чеклашни назарда тутувчи давлат мажбуриятининг тўрт хил чораси қиради – озодликни чеклаш, интизомий қисмга жўнатиш, муайян муддатга озодликдан маҳрум

қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш); меҳнатга жалб қилиш билан боғлиқ жазолар (мажбурий жамоат ишлари ва ахлоқ тузатиш ишлари, озодликдан маҳрум қилиш).

Жазоларнинг барча турларини, шу жумладан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тайинлаш чегаралари Жиний кодекснинг 44-52 моддаларида белгиланган.

Жазоларни тайинлаш чегараларини қуйидагича тушуниш керак:

1) уларнинг минимал ва максимал муддатлари (миқдори), вояга етмаганлар учун жазонинг миқдор чегараларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда;

2) айрим тоифадаги шахсларга давлат мажбуриятининг айрим чораларини тайинлашнинг тақиқланишини ҳисобга олган ҳолда айбдор шахсга нисбатан жазони қўллашнинг реал имконияти.

Умумий қоидага кўра, суд айбдорга фақат Жиний кодекси Маҳсус қисмининг тегишли моддалари санкцияларида назарда тутилган жазо турларини тайинлаши мумкин, қуйидаги қонунда бевосита кўрсатилган ҳолатлар бундан мустасно:

1. Агар муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорга асосий жазо тариқасида тайинланмаган бўлса, суд муайян лавозимларни эгаллаш ёки муайян фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ эмас деб топса, бундай жазо суд томонидан ЖК Маҳсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай турдаги жазога қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин (ЖК 45-моддаси).

2. Ҳарбий ёки маҳсус унвондан маҳрум қилиш жазоси бирон бир санкцияда назарда тутилмаган. Ушбу мажбурият чораси доираси тўғридан-тўғри Умумий қисмда (ЖК 52-моддаси) белгиланади: суднинг ихтиёрига биноан шахс оғир ёки ўта оғир жиний учун ҳукм қилинганида суд ҳукми билан мажбурий унвонлардан маҳрум қилиниши мумкин.

3. Хизмат бўйича чеклаш ва интизомий қисмга жўнатиш каби жазолар (санкциясида мавжуд эмаслигига қарамадан) ҳарбий хизматчиларга тегишлича ахлоқ тузатиш ишлари ва озодликдан маҳрум қилиш ўрнига тайинланиши мумкин (ЖК 47-моддаси 2 қисми ва 49-моддаси 2-қисми).

4. Суд Жиний кодекснинг 43-моддасидаги жазолар жойлашуви тартибига риоя этган ҳолда, тегишли жиний учун Маҳсус қисм моддасининг санкциясида назарда тутилганидан кўра энгилроқ жазо турини тайинлаши мумкин (ЖК 57-моддаси ("Энгилроқ жазо тайинлаш").

Сўнги йилларда жиний қонунчилигида юз бераётган ўзгаришлар Ўзбекистон Республикаси Жиний кодекснинг 43-моддасида кўзда тутилган тўққизта давлат мажбурият чораларидан бир қанчасининг миқдор ва сифат таркибини сезиларли даражада ўзгартирди, бу борада, жумладан озодликни чеклаш ёки маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар ҳақида ҳам сўз юритиш мумкин: жарима, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш; мажбурий жамоат ишлари ва ахлоқ тузатиш ишлари.

Жиний қонунчилигининг ҳаддан ташқари қаттиқлиги шартли ҳукм қилиш тўғрисидаги қоидаларнинг қўлланилиши сезиларли даражада ортиб кетишига олиб келди.

Бироқ, мавжуд бўлган муқобил санкциялар ҳам доим ҳам адолатли жазони тайинлаш имкониятини яратиб беравермайди, чунки улар жазо таъсирининг даражаси бўйича сезиларли фарқ қиладиган жазо турларидан иборат. Жумладан, қўллаб санкциялар жарима ёки озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазоларни назарда тутуди, қатор санкцияларда озодликдан маҳрум қилишга муқобил чора – бу муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш шаклидаги жазо, у эса шак-шубҳасиз маҳқумга жазоловчи таъсирнинг мазмуни ва самарадорлиги жиҳатидан ўзаро қиёсланиши қийин (масалан, ЖКнинг 178-моддаси 1-қисмида, 179-моддаси 1-қисмида, 188-моддаси 1-қисмида ва бошқалар). Шуни қайд этиш лозимки, бундай муқобил чоралар нафақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жинийлар учун мўлжалланган жазоларда (бу ҳолда уларнинг ўринли эканлиги шубҳасиздир), балки оғир жинийлар учун мўлжалланган санкцияларга ҳам хос.

Ўзбекистон Республикаси Жиний кодекснинг 43-моддасида назарда тутилган жазо тизимининг негизига уларнинг нисбий оғирлиги мезонлари қўйилган. Маълум даражада шартли эканлигига қарамай, худди шу мезон санкцияларни тузишда ҳам қўлланилиши мум-

кин ва зарур: нормада назарда тутилган ҳар қандай жазо жиной қилмишнинг характери ва ижтимоий ҳавфлиги даражасига мос келиши керак. Санкцияга киритилган муқобил жазо турлари бир-биридан оғирлиги билан сезиларли даражада фарқ қилиши мақбул эмас².

Шу билан бирга, қонун чиқарувчи томонидан жазо турларини уларнинг қаттиқлиги ва оғирлиги қараб жойлаштириш принципи қатъий риоя қилинмаган. Сўнги йиллардаги юридик адабиётларда ушбу ҳолатга бир неча бор эътибор қаратилди.

Жумладан, амалиётчи олим М. Назаров ўз илмий ишида жиной жазолар тизимини кўриб чиқарган, Жиноят кодексининг 43-моддасида назарда тутилган жазолар рўйхати ҳар доим ҳам ижтимоий ҳавфи қилмишда айбдор бўлган шахс учун, унинг айби, содир этган қилмишнинг моҳияти, етказилган зарар ҳажми, айбдорнинг шахси ва жазо мақсадига эришиш учун етарлича зарур бўлган бошқа ҳолатларга мутаносиб равишда, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини чеклаш тури ва ҳажмини белгилашга имкон бермаслигига эътибор беради³.

Озодликни чеклаш тарзидаги жазо мазмуни тубдан бошқача эканлигига қарамасдан, 2015 йил 10 августдаги УРҚ-389-сонли қонунга асосан жазо тизимига киритилган ушбу жазо тури анча қаттиқ жазоларча тусга эга жазо деб эътироф қилинган, ваҳоланки давлат мажбуриятининг ушбу чораси нафақат хизмат бўйича чеклаш, балки ахлоқ тузатиш ишлари ва жаримага нисбатан ҳам энгил ўталиши мумкин.

Кўриниб турибдики, турли хил жазо турларини оғирлиги бўйича таққослаш фақат ҳар бир давлат мажбурият чорасининг индивидуал микдор (муддати ёки қиймати) ва сифат кўрсаткичларидан келиб чиқиши мумкин, аммо шуни аниқ айтиш мумкин: амалдаги қонунчиликда уларнинг оғирлик даражасига мувофиқ жойлашувига тўлиқ риоя этилмаган. Шу билан бирга, амалдаги жиноят қонунчилиги суд томонидан қўллашда жиной жазолар мазмунини (шунингдек, ижро этишнинг ўзига хос хусусиятларини) ҳисобга олишни шарт, деб белгиламайди: ҳуқуқни қўлловчи фақат у ёки бу жазо турининг Жиноят кодекси 43-моддасида назарда тутилган рўйхатдаги ўрнини ҳисобга олади. Шунинг учун, масалан, жазони қаттиқроқ жазо билан алмаштиришда, Жиноят кодексининг 43-моддасида назарда тутилган жазоларнинг рўйхатига кўра иш юритиш зарурлиги билан сўзсиз рози бўлиш қийин⁴, чунки қонун чиқарувчи томонидан жазо турларини уларнинг қаттиқлиги ва оғирлигига қараб жойлаштириш принципи қатъий риоя қилинмаган.

Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларининг санкциялари ЖКнинг 45¹-моддаси 3-қисми, 48¹-моддаси 7 қисми, 82¹-модда 1 қисми, 85-моддаси 4-қисми қоидаларини қўллашда, бошқа жазоларни тайинлаш ҳаддан ташқари қаттиқлашувига олиб келиши (жинойтнинг характери ва ижтимоий ҳавфлиги даражаси ҳамда жиноятчи шахсидан қатъий назар) туфайли, уларнинг жазоларчи мазмунини бу каби салбий, адолатсиз ортиб кетишини компенсация қилиш ва маълум мувозанатга келтириш лозим. Амалдаги жиноят қонуни қоидалари бундай имкониятни бермайди. Масалан, Жиноят кодекси 57-моддасининг қоидалари кўрсатилган ҳолатларни алоҳида ҳолатлар деб таснифлашга йўл қўймайди. Назаримизда, жиноят содир этган шахсларнинг айрим тоифаларига, санкцияда кўзда тутилган жазо турларини қўллашнинг иложи йўқлиги, тегишли жиноят учун Жиноят кодексининг 57-моддасида назарда тутилганидан энгилроқ жазо тайинлаш тўғрисида қоидаларини қўллаш имконияти билан қопланиши керак. Бизнингча, Жиноят кодексининг 57-моддасини қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисми билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

"Содир этилган жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо, ушбу Жиноят кодексининг 45¹-моддаси 3-қисми, 48¹-моддаси 7 қисми, 82¹-модда 1 қисми, 85-моддаси 4-қисми қоидаларини инобатга олган ҳолда, тайинлиши мумкин бўлмаса, мазкур жиноят учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа энгилроқ турдаги жазони тайинлаш мумкин".

Ҳуқуқни қўлловчи энг энгил жазо турларини қўллашда бир қатор қоидалар билан чекланган, ваҳоланки озодликдан маҳрум қилиш жазосини давлатнинг мажбурият чораси сифатида танлашда қонунда деярли ҳеч қандай тўсиқлар мавжуд эмас (ЖК 85-моддаси 4-қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно).

Шунга қарамасдан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги "Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида"ги 1-сон қарориди ҳақли равишда судлар ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги, қонун нормаси санкциясида альтернатив жазолар мавжуд бўлганда ҳукмда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жазони қўллаш зарурлиги тўғрисидаги масала муҳокама этилиши шартлигини белгилайди⁵.

Бизнинг мамлакатимизда судлар томонидан озодликдан маҳрум қилиш жазосига муқобил равишда жуда камдан-кам ҳолларда, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси асосий жазо сифатида тайинланади.

Амалиётда муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ўта кам қўлланилишининг сабабларидан бири шундаки, ушбу жазо тури қонун чиқарувчи томонидан Жиноят кодексининг санкцияларига кам киритилган. Жазонинг характери содир этилган жиноятнинг характерига мос келиши шартлиги сабабли, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни кенг қўлланилиши учун Жиноят кодексининг барча шахснинг касбий ёки бошқа доимий меҳнат фаолиятини бузиш билан боғлиқ ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун жинойт жавобгарлигини назарда тутадиган нормалар санкцияларига киритиш керак. Ҳозирги вақтда Жиноят кодексининг кўплаб санкцияларида кўриб чиқилаётган жазо тури жарима ва ахлоқ тузатиш ишлари билан муқобил кўринишда келтирилган. Аммо шахснинг касбий ёки бошқа доимий меҳнат фаолиятини бузиш билан боғлиқ ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун энг самарали жазо жарима, қолаверса ахлоқ тузатиш ишлари эмас, балки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш бўлади.

Шу ерда, назаримизда, амалиётдаги бир муаммони кўрсатиб ўтиш ўринли. Ҳозирги кунда коррупцияга қарши курашишда жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судлари томонидан ЖКнинг 167-моддаси, 168-моддаси, шунингдек 192¹-192¹¹-моддалари, 205-210-моддаларда назарда тутилган жиноятлар учун жазолар тайинланмоқда. Аммо, статистик маълумотларга кўра, ушбу жиноятни содир этган шахсларнинг такрор ва такрор жиноят содир этиш ҳолатлари қайд этилмоқда. Масалан, жиноят ишлари бўйича туман-шаҳар судларида 2021 йилда ЖКнинг 167-моддаси билан 316 нафар шахсга нисбатан 157 та, ЖКнинг 168-моддаси билан 529 нафар шахсга нисбатан 433 та, ЖКнинг 192¹¹-моддаси билан 8 нафар шахсга нисбатан 6 та, ЖКнинг 205-моддаси билан 37 нафар шахсга нисбатан 17 та, ЖКнинг 206-моддаси билан 6 нафар шахсга нисбатан 3 та, ЖКнинг 207-моддаси билан 12 нафар шахсга нисбатан 11 та, ЖКнинг 208-моддаси билан 2 нафар шахсга нисбатан 2 та, ЖКнинг 209-моддаси билан 216 нафар шахсга нисбатан 115 та, ЖКнинг 210-моддаси билан 21 нафар шахсга нисбатан 20 та жиноят ишлари кўриб тамомланган.

Судлар томонидан муқаддам ўз хизмат ёки мансаб мавқеидан фойдаланиб шу каби жиноятни содир этган шахсларга нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмаслиги шахснинг яна аввалги лавозимида ишлаб, шу турдаги жиноятни яна қайта содир этишига шарт-шароит яратиб бемокда.

Бу эса, коррупциявий жиноятларнинг тобора кўпайиб боришига, хусусан давлат мулклари талон-тарож бўлишига, давлат органларига нисбатан ишончсизликка ва давлатнинг халқаро майдондаги имиджига салбий таъсир кўрсатишига олиб келади.

Шунга кўра, ЖКнинг 45-моддаси 3-қисмига қуйидаги қатъий нормани киритиш лозим: *Хизмат мавқеидан фойдаланиб ЖКнинг 167-моддаси, 168-моддаси, шунингдек 192¹-192¹¹-моддалари, 205-210-моддаларда назарда тутилган жиноятлар учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси қўшимча равишда тайинлиши шарт.*

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз жоизки, судлар томонидан жинойт жазо тайинлаш амалиётидаги мавжуд вазиятни муҳокама қилишда, айрим олимларнинг "жинойтчиликнинг тобора ортиб бориши натижасида озодликдан маҳрум қилиш жазоси тобора кўпроқ қўлланади... Яқин ўн йиллик ичида озодликдан маҳрум қилишга муқобил жазо турларидан кенг фойдаланишини кутиш қийин"⁶ деган фикрларига қўшила олмаимиз. Аксинча, бизнинг фикримизча, озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо доимо судлар томонидан фақат чинакам "сўнги чора" сифатида қабул қилиниши ва жиноят ижтимоий ҳавфи ўта юқори, жиноятчининг шахси ҳам жамият учун юқори даражада ҳафли эканлиги билан тавсифланганда тайинлиши керак. Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни тартибга солишда ва бошқа бир қатор ташкилий чораларда ҳам жиддий ўзгаришлар талаб этилади.

Маъруфжон РУЗИЕВ,

*жинойт ишлари бўйича Булуғнур туман судининг тергов судьяси,
Самарқанд давлат университетининг мустақил изланувчиси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш. Разақов. Жазо турлари ва уларни тайинлаш тартиби // *Ж.Одил судлов. - 9/2018 - 5-45-51.*
2. Қаранг., масалан: Гаухман Л., Максимов С., Жаворонков А. Справедливость наказания... Б. 2-6; Лопашенко Н. Некоторые проблемы наказания за преступления в сфере экономической деятельности // *Законность. 1997. № 12.*
3. М. Назаров. Назначение наказания в уголовном праве Республики Узбекистан. Автореферат дисс. доктора фил. по юрид. наукам (Doctor of Philosophy). Т. 2020 - Б.32.
4. Филимонов В.Д. Норма уголовного права. СПб.: Юридический центр Пресс, 2004. Б. 272-273.
5. <https://lex.uz/docs/1455976>
6. Упоров И.В. Творимы были, есть и будут: проблема альтернативных наказаний пока не находит своего решения // *Science Time. - 2016. - № 10 (34). - Б. 404-410.*

ОИЛАДА БОЛАЛАРНИНГ ШАХСИЙ НОМУЛКИЙ ҲУҚУҚЛАРИ: НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ ТАҲЛИЛ

Бугунги шиддатли глобаллашув жараёнларида болаларнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳам халқаро майдонда, ҳам миллий қонунчиликни такомиллаштириш нуқтаи назаридан энг устувор йўналишлардан бири ҳисобланади. Шу боис, мамлакатимизда оила институтининг тарбиявий салоҳиятини мустаҳкамлаш, жамиятда анъанавий оилавий қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардаги маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштириш бўйича давлат сиёсати даражасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Боланинг шахсий номулкий ҳуқуқлари унинг моддий манфаатлари билан боғлиқ бўлмаган, шахсидан ажралмас ва бегоналаштирилмайдиган ҳуқуқлар бўлиб, уларни қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Индивидуаллаштириш (шахсини аниқлаш) ҳуқуқлари - ушбу ҳуқуқлар болани жамиятда ва ҳуқуқий муносабатларда алоҳида шахс сифатида ажратиб туради:

- исм, ота исми ва фамилия олиш ҳуқуқи (ОК 69-модда);
- исм ва фамилиясини ўзгартириш ҳуқуқи (муайян ёш ва шартлар асосида – ОК 70-модда);
- миллати ва фуқаролигига эга бўлиш ҳамда уларни сақлаб қолиш ҳуқуқи¹.

2. Оилавий муҳитда яшаш ва камол топиш ҳуқуқлари - боланинг ижтимоий ва биологик эҳтиёжларини таъминловчи марказий ҳуқуқлар:

- оилада яшаш ва тарбияланиш ҳуқуқи (ОК 65-модда);
- ўз ота-онасини билиш ва уларнинг гамхўрлигидан фойдаланиш ҳуқуқи;
- боланинг ота-онаси ва бошқа қариндошлари (бобо, буви, ака-ука ва ҳ.к.) билан кўришиш ҳуқуқи (ОК 66-модда)²;
- ота-онасидан алоҳида яшаган ҳолда ҳам улар билан алоқада бўлиш ҳуқуқи³.

3. Шахсий дахлсизлик ва маънавий ривожланиш ҳуқуқлари - боланинг кадр-қимматини ва интеллектуал эркинлигини ҳимоя қилувчи ҳуқуқлар:

- ҳаёт ва соғлиқни сақлаш ҳуқуқи;
- шахсий дахлсизлик, шаъни ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш ҳуқуқи (ота-она томонидан шафқатсиз муомала қилинишидан ҳимояланиш – ОК 75-модда);
- ўз фикрини билдириш ҳуқуқи (ўз манфаатларига дахлдор ҳар қандай масалада – ОК 68-модда);
- виждон, сўз ва ахборот эркинлиги ҳуқуқи.

4. Ҳимояланиш ҳуқуқлари - булар юқоридаги барча ҳуқуқларнинг ижросини таъминлаш учун хизмат қилади:

- ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқи (ОК 67-модда);
- ота-она (васий) томонидан ҳуқуқлари бузилганда васийлик ва ҳомийлик органларига ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқи⁴.

Боланинг шахсий номулкий ҳуқуқлари таснифи мураккаб ҳуқуқий тузилмага эга бўлиб, уларнинг ҳар бири алоҳида илмий изланишни талаб этадиган кенг қамровли соҳадир. Бироқ, амалиётда энг кўп баҳс ва мунозараларга сабаб бўлаётган ҳамда қонунчиликда такомиллаштиришга эҳтиёж сезилаётган боланинг ўз фикрини билдириш ҳуқуқи институти ушбу тадқиқотнинг асосий предмети этиб белгиланди.

Ўз фикрини билдириш ҳуқуқи бу - боланинг оилавий ҳуқуқий муносабатларда мустақил субъект сифатида белгиланиши учун муҳимдир.

“Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция”нинг 13-моддаси, Ўзбекистон Республикаси Оила кодекси (ОК)нинг 68-моддаси ва “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ЎРҚ-139-сон қонунининг 15-моддасида, оилада ҳар бир бола ўз фикрини ифода этишга, шунингдек ҳар қандай суд ёки маъмурий муҳокама даврида ўз манфаатларига тааллуқли масалалар юзасидан сўзлашга ҳақли эканлиги таъкидланади. ОҚда боланинг ўз фикрини билдириш ҳуқуқининг мустаҳкамланиши шундан далолат берадики, давлат болани шахс сифатида тан олади, унинг манфаатларига дахлдор ҳар қандай масала

бўйича ўз нуқтаи назарини билдириши, ўз эътиқоди ва позициясини эркин шакллантириши учун ҳуқуқий имкониятлар яратади.

Ўзбек тилининг изоҳли луғатида фикр – бу бирор нарсага нисбатан муносабатни, уни баҳолашни ифодалайдиган ҳукм, хулоса⁵, деган маънони билдиради.

ОКнинг 68-моддаси мазмунидан келиб чиқиб, боланинг фикри унинг манфаатларига дахлдор бўлган масалаларни ҳал этишда ҳуқуқий аҳамиятга эга омил сифатида намоён бўлади. Яъни, бола ўз шахсига бевосита таъсир кўрсатадиган ҳолатлар юзасидан мустақил муносабат билдириш ҳуқуқига эга субъект сифатида эътироф этилади.

Масалан, асосий таълим жараёнидан ташқари тўғарақлар ёки қўшимча машғулотлар йўналишини белгилашда бола ўз қизиқишлари, қобилиятлари ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, қайси фаолият тури ўзи учун мақбул ва фойдали эканлиги ҳақида фикр билдириши мумкин. Бундай ҳолатда боланинг нуқтаи назари унинг индивидуал ривожланиш ҳуқуқининг ифодаси сифатида қаралади.

Боланинг ўз нуқтаи назарини баён этиши фақат тавсиявий аҳамият билан чекланиб қолмайди. Қонунчиликда белгиланган ҳолатларда боланинг фикри муайян ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор қилиниши учун бевосита ҳуқуқий асос бўлиб ҳисобланади. Чунки боланинг розилиги ёки эътирози унинг манфаатларига дахлдор қарорни қабул қилиш жараёнида муҳим мезон сифатида хизмат қилади. Бу эса муайян ҳуқуқий муносабатларнинг вужудга келиши, ўзгариши ёки бекор қилинишига таъсир кўрсатиши эҳтимолини юзага келтиради.

Жумладан, боланинг ота ёки она билан яшаш масаласини ҳал этишда унинг қайси тараф билан яшаш истаги борлиги ҳақидаги фикри аҳамият касб этади. Бунда боланинг бир тараф билан яшашга розилиги иккинчи тараф билан келишмовчилик ҳолатини келтириб чиқариши мумкин. Шу тариқа, боланинг билдирган позицияси оилавий-ҳуқуқий муносабатларнинг мазмунига бевосита таъсир этувчи омил сифатида намоён бўлади.

Олий суднинг 2025 йил якунлари бўйича эълон қилган ҳисоботида болалар манфаатларига оид қуйидаги муҳим рақамлар келтирилган:

Болани олиб бериш ва тарбиясига олиш ишлари бўйича судлар томонидан кўрилган жами ишлар ичида боланинг яшаш жойини белгилаш ва уни олиб бериш билан боғлиқ даъволар сони ўсиш тенденциясини кўрсатмоқда. Хусусан, никоҳдан ажратиш ишларининг қарийб 53% қисмида фарзандларнинг кейинги тақдири (ким билан яшаши) масаласи кўрилади⁶.

Хорижий давлатларнинг оила қонунчилиги таҳлили шуни кўрсатадики, боланинг фикрини эшитиш ва уни ҳуқуқий жиҳатдан инобатга олиш борасида турлича ёндашувлар мавжуд. Хусусан, Украина Оила кодексига биноан, бола 7 ёшга тўлгандан сўнг унинг фамилиясини ўзгартириш учун бевосита розилигини олиш талаб этилади⁷.

Молдова Республикаси Оила кодексининг 54-моддаси ҳамда Россия Федерацияси Оила кодексининг 57-моддасида боланинг фикр билдириш ҳуқуқига доир ўхшаш нормалар мустаҳкамланган. Унга кўра, 10 ёшга тўлган бола ўз манфаатларига дахлдор ҳар қандай масалада ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, боланинг исми ва фамилиясини ўзгартириш, ота-оналик ҳуқуқини тиклаш, болани тарбиялаш учун оилага (васийлик, ҳомийлик ёки патронат) бериш, фарзандликка олиш, оталик ёки оналикни белгилашда 10 ёшга тўлган боланинг розилиги олиниши мажбурий (императив) характерда эканлиги белгиланган.

Фарб мамлакатларида боланинг фикрини эшитиш борасидаги ёш мезонлари нисбатан кичикроқ этиб белгиланган. Масалан, суд амалиётида боланинг фикрини сўраш ва инобатга олиш Швейцарияда 9, АКШда 8 ва Англияда 6–8 ёшдан бошлаб амалга оширилади.

Бу каби ҳуқуқий нормалар деярли барча Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатларининг оила қонунчилигида ўз аксини топган бўлиб, бу бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликларга муваффақиятли имплементация қилинганидан далолат беради⁸.

Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг Европа стандартларини ўрганиш доирасида Сербия Республикаси тажрибаси алоҳида аҳамиятга эга. Мазкур давлатнинг "Оила тўғрисида"ги Қонунининг 65-моддасида боланинг фикр билдириш ҳуқуқи нафақат эътироф этилган, балки норматив жиҳатдан батафсил мустаҳкамланган. Хусусан, қонуннинг 65-моддаси 1-қисмида "ўз фикрини шакллантиришга қодир бўлган бола ўз фикрини эркин ифода этиш ҳуқуқига эга" деган императив қоида белгиланган. Ушбу норманинг диққатга сазовор жиҳати шундаки, у нафақат боланинг сўз эркинлигига бўлган фундаментал ҳуқуқини кафолатлайди, балки уни амалга оширишни таъминловчи бир қатор "қўшимча" (субсидиар) ҳуқуқлар ва махсус процессуал имтиёزلарни ҳам тақдим этади.

Жумладан, Сербия оила ҳуқуқида боланинг фикрини эшитиш жараёни қуйидаги иккита муҳим жиҳатни ўз ичига олади:

1. Информацион ҳуқуқ: бола ўзига тааллуқли масала бўйича қарор қабул қилишдан олдин зарур ахборот билан таъминланиши шарт.

2. Махсус ҳимоя: бола ўз фикрини билдиришда ҳеч қандай босим ва таъсирлардан холи бўлишини таъминловчи кафолатлар мавжудлиги.

Бу каби ёндашув боланинг нафақат фикрини тинглаш, балки унинг қарор қабул қилиш жараёнидаги иштирокини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилади⁹.

Қўшни Қозоғистон Республикасининг "Никоҳ (эр-хотинлик) ва оила тўғрисида"ги кодексидида боланинг шахсий номлуқли ҳуқуқларини амалга оширишнинг ўзига хос механизми мавжуд. Хусусан, боланинг миллатини белгилаш тартиби унинг ўз фикрини билдириш ва этник ўзлигини танлаш ҳуқуқи билан бевосита боғланган.

Мазкур қонунчиликка кўра, боланинг миллати анъанавий равишда ота-онасининг миллатига қараб белгиланади. Бироқ, ота-она турли миллат вакиллари бўлган тақдирда, боланинг ҳуқуқий мақоми қуйидаги тартибда амалга оширилади:

1. Хоҳиш-истак устуворлиги: боланинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат (паспорт ёки идентификация картаси) берилмаётган вақтда, унинг шахсий хоҳишига кўра отаси ёки онасининг миллатидан бири танланиши ва қайд этилиши мумкин.

2. Миллатни ўзгартириш ҳуқуқи: вояга етган ёки муайян ёшга тўлган шахс кейинчалик ўз аризасига биноан миллий мансублигини ота-онасидан бирининг бошқа миллатига ўзгартириш ҳуқуқига эга.

Ушбу норманинг ҳуқуқий аҳамияти шундаки, у боланинг этник мансублигини фақат биологик омил эмас, балки шахснинг ўз тақдирини ўзи белгилаш (self-determination) ҳуқуқининг бир кўриниши сифатида эътироф этади. Бу Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 68-моддасидаги "боланинг манфаатларига дахлдор ҳар қандай масалада ўз фикрини билдириш ҳуқуқи"нинг амалий ва кенгайтирилган ифодасидир¹⁰.

Ўн ёшга тўлган боланинг судда фикрини инобатга олиш масаласи бугунги кунда маълум даражада баҳслидир. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 29-моддасига кўра, 6 ёшга тўлган бола майда маиший битимларни (масалан, уй хўжалиги учун буюмлар сотиб олиш) амалга ошириш ҳуқуқига эга. Бу эса бола мазкур ёшдан бошлаб муайян даражада ўз фикрини ифода эта олишини кўрсатади. Ушбу қоида 1926 йилдан бошлаб аввалги СССР кодексларидан автоматик равишда ўтказиб келинаётган нормалардан бири ҳисобланади.

Бугунги кунда психологларнинг фикрича, мактабгача бўлган ёшдаги болалар ҳаракатларида диққатнинг мужассамлиги, ҳаракатларнинг кетма-кетлиги уларнинг натижаларига баҳо бера олиш қобилияти намён бўлади¹¹.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, глобал ўзгаришлар шароитида болалик даврининг давомийлиги сезиларли даражада қисқарганлигини эътироф этган ҳолда, боланинг фикрини ҳисобга олиш ёшнинг 7 ёшга тўлган болаларга нисбатан татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, боланинг фикри талаб этиладиган ҳолатлар рўйхатини кенгайтириш ҳам долзарб ҳисобланади.

Қонунчиликдаги бундай ўзгаришларнинг асосий мақсади — оилавий муносабатларнинг янги характериға тўлиқ мос келган ҳолда, замонавий оила модели ва амалиёт талабларига жавоб берадиган оилавий ҳуқуқ тизимини яратиш, хусусан, бола ҳуқуқларининг замонавий концепциясини ишлаб чиқишдан иборатдир. Бу эса Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда белгиланган боланинг манфаатларини устувор қўйиш тамойилига ҳам мос келади.

Боланинг фикри талаб этиладиган ишлар рўйхатига қуйидагиларни киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади:

болага нисбатан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум этиш ҳолларида;
боланинг бобо, буви, ака-ука, опа-сингил ва бошқа яқин қариндошлари билан кўришиб туриш ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ низолларда;
болага нисбатан суд томонидан оталикни белгилаш тўғрисидаги ишлар ҳал этилаётганда;

болага нисбатан оталикни тан олиш ҳолатларида;
ота (она)дан алоҳида яшовчи болаларнинг ота (она) билан кўришиш ва мулоқот қилиш тартибини белгилаш билан боғлиқ ҳолатларда.

Мазкур ҳолатларда боланинг розилигини нафақат ишларни судда кўриш жараёнида, балки ота-оналар ўртасида шартномалар тузиш пайтида ҳам мажбурий шарт сифатида назарда тутиш зарур. Бу боланинг ўз фикрини мустақил ифода этишига ҳуқуқий замин яратади ҳамда унинг фикрини ота-она томонидан қабул қилишни ҳуқуқий мажбурият даражасига кўтарилади.

Натижада, бола оилавий ҳуқуқий муносабатларда фақат ҳимоя объекти эмас, балки мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида тўлақонли иштирок этувчи шахс сифатида эътироф этилади.

Зода ШАМСИДДИНОВА,

фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар Учтепа туманлараро судининг судьяси, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 1-2-сон, 1-модда.
2. Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекси // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й.,
3. Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция (Нью-Йорк, 1989 йил 20 ноябрь). 9-10-моддалар.
4. И.П. Ахмедова. Оила ҳуқуқи: Дарслик. – Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2022. – Б. 118.
5. O'zbek tilining izohli lug'ati. O'zbekiston Respublikasi fanlar Akademiyasi. Alisher navoiy nomidagi til va adabiyot instituti. – T.:2021y. 437 b
6. Олий суд статистикаси // <https://stat.sud.uz>
7. Сімейний кодекс України: Закон України від 10 січня 2002 року № 2947-III (із змінами та доповненнями), Відомості Верховної Ради України, 2002, № 21–22, ст. 135.
8. Abduraxmonova X.B. Xalqaro xususiy huquqda ota-ona va farzandlar o'rtasidagi munosabatlarni tartibga solish. diss. ...-yu.f.d. – TDYUU. 2016-y., – 318 b
9. Pardeck, John T. Children's Rights: Policy and Practice. – New York: Haworth Social Work Practice Press, 2002. – P. 247-253.
10. Қозоғистон Республикасининг "Никоҳ (эр-хотинлик) ва оила тўғрисида"ги 2011 йил 26 декабрдаги 518-IV-сонли Кодекси (2024 йилдаги ўзгартиришлар билан) [Электрон ресурс]. – Кириш тартиби: URL: <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1100000518>
11. Karen M. Weiler Katherine Catton. The Unborn Child in Canadian Law. Osgoode Hall Law Journal 14.3 (1976) :643-659. DOI: <https://doi.org/10.60082/2817-5069.21>



ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН ЮРИДИК ЁРДАМ КЎРСАТИШ ИЖТИМОЙ ДАВЛАТНИНГ МУҲИМ БЕЛГИСИДИР

Ўзбекистон – ижтимоий давлат. Ушбу принцип янги таҳрирдаги Конституцияда ҳам алоҳида мустаҳкамлаб қўйилган.

Ижтимоий давлатнинг бош мақсади – бу ёшларга сифатли таълим бериш, аҳолига малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни қўллаб-қувватлаш, кам таъминланганларни уй-жойли қилишдан иборат. Бу яна, аҳоли бандлигини таъминлаш, хавфсиз меҳнат шaroитини яратиш ва камбағалликни қисқартиришга қаратилган давлат қурилишидир.

Асосий Қонунимизда давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифалари турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўриши, шунингдек, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратиши, уларнинг ишга жойлашишга, таълим олишига кўмаклашиши, уларга зарур бўлган ахборотни тўққинликсиз олиш имкониятини таъминлаши (57-модда) конституциявий даражада мустаҳкамланди.

Албатта булар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини моддий ва маънавий ҳимоя қилишга оид масалалардир. Шулар билан бир қаторда Конституциянинг 29-моддасида ҳар кимга малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқи кафолатланиши, қонунда назарда тутилган ҳолларда юридик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилиши ҳам белгиланган бўлиб, бу айнан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларини, яъни кам таъминланган фуқароларга бепул юридик ёрдам кўрсатиш конституциявий даражада давлат томонидан кафолатланганлигини кўрсатади.

Шу ўринда, кам таъминланган шахсларга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда малакали юридик ёрдам олишлари учун ҳуқуқий асос сифатида 2023 йил 16 июнда Ўзбекистон Республикасининг “Давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Жорий йилнинг 20 апрель кунини Ўзбекистон Республикаси Президенти “Кам таъминланган шахсларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Қонунни имзолади.

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг 2024 йилда мамлакатдаги конституциявий қонунийликнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотида берилган таклиф ва тавсияларни амалга ошириш мақсадида Конституциявий суд томонидан ишлаб чиқилганлиги эътиборга молик, деб ўйлаймиз. Ҳўш, ушбу қонунни ишлаб чиқишга қандай омиллар сабаб бўлди, унга зарурат нимада эди?

Маълумки, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақлидир. Ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Бироқ, барча фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари ҳамда бошқа ташкилотлар ва улар мансабдор шахсларининг қонунга хилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилишда зарур ҳуқуқий билимга эга бўлавермайди. Бундай ҳолларда фуқаролар ўз ҳисобларидан ҳуқуқий ёрдам олишга эҳтиёж сезади. Кам таъминланган шахслар эса, ҳуқуқий ёрдам олишлари учун зарур маблағга эга бўлмаслиги мумкин.

Конституциявий судга фуқаролар мурожаат қилиб, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш мақсадида адвокат хизматидан фойдаланиш, ҳуқуқий ёрдам олишга эҳтиёж сезади.

Кейинги йилларда мамлакатда суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, шунингдек, янгиланган Конституцияда агар қонун фуқаролар ва юридик шахсларнинг фикрича, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ келмаса ҳамда судда кўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган бўлса ва судда ҳимоя қилишнинг барча бошқа воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, улар қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоят билан Конституциявий судга мурожаат этишга ҳақли, эканлиги белгиланган.

Масалан, 2025 йил давомида Конституциявий судга жами 1844 та мурожаат келиб тушган. Уларнинг 1747 таси жисмоний шахслар, 97 таси юридик шахслар томонидан юборилган. Шунингдек, 2026 йил I-чораги давомида жами 576 та мурожаат келиб тушган. Жами мурожаатларнинг 448 таси (78%) бўйича тушунтириш берилган ва 128 таси (22%) тааллуқлиги бўйича тегишли давлат органларига юборилган. Конституциявий судга келиб тушган мурожаатларнинг 523 таси (91%) да суд ваколатига тааллуқли бўлмаган масалалар кўтарилган. Ушбу мурожаатлар “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ белгиланган тартибда ҳал этилган.

Ўтган йилда келиб тушган мурожаатларнинг 262 таси - 14,2% (59 таси шарҳ, 159 таси ҳуқуқий ҳужжатларнинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш, 44 тасида эса тушунтириш сўралган) бевосита Конституциявий суднинг ваколатига тегишли масалаларга оид бўлиб, улар Конституциявий суд судьялари томонидан ўрганиб чиқилиб, муаллифларга асосланган тушунтиришлар берилган.

Мурожаатлар таҳлиллари шуни кўрсатдики, 825 та мурожаат умумюрисдикция судларининг қарори ва терговга оид, 48 – мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракатларига, 40 – уй-жойга, 33 – ишга ва ўқишга тиклашга, 10 – пенсия таъминоти, 19 – мурожаат фуқароликка, 607 таси эса бошқа (кредит олиш, моддий ёрдам бериш, йўл ҳаракати қондаларини бузганлик учун жарималардан озод қилиш, иш ҳақини ундириб бериш каби) масалаларга тааллуқлидир.

Ўтган йилда Конституциявий судда 122 нафар фуқаро ва юридик шахсларнинг вакиллари судьялар ҳамда экспертлар томонидан қабул қилиниб, уларнинг мурожаатлари юзасидан тегишли тушунтиришлар берилган. Бундан ташқари, 2026 йил I-чораги давомида Конституциявий судда 50 нафар фуқаролар судьялар ва девон ходимлари томонидан қабул қилинган. Улар томонидан кўтарилган масалалар бўйича батафсил тушунтиришлар берилган.

Таҳлиллар шуни кўрсатдики, кам таъминланган шахслар Конституциявий судга мурожаат қилганда уларга давлат ҳисобидан юридик ёрдам кўрсатиш амалдаги қонунда тартибга солинмаган эди.

Ўқорида номи қайд этилган қонун белгиланган тартиб-таомиллар ва шартларга мувофиқ тўлиқ ёки қисман давлат ҳисобидан кўрсатиладиган, жисмоний шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган малакали юридик ёрдам кўрсатишни янада такомиллаштиришни назарда тутди.

Келгусида ушбу қонуннинг амалда қўлланилиши билан қандай натижаларни кутиш мумкин?

Амалдаги қонунга киритилган қўшимчалар туфайли:

- фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари суд орқали самарали ҳимоя этилади; янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасида белгиланган - “ҳар ким ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилишга ҳақли”лиги кафолатланади; агар қонун фуқароларнинг фикрича, уларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини бузаётган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ келмаса ҳамда судда кўрилиши тугалланган муайян ишда қўлланилган бўлса ва судда ҳимоя қилишнинг барча бошқа воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, улар қонуннинг Конституцияга мувофиқлигини текшириш тўғрисидаги шикоятларни мазмунан ва сифатли тайёрлашига эришиш имкони пайдо бўлади; фуқароларнинг қонунларда бузилган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш юзасидан Конституциявий судга мурожаат қилиш имконияти янада кенгайди; фуқароларнинг конституциявий одил судловга эришиш даражаси янада ошади, аҳолининг судларга бўлган ишончи мустаҳкамланади.

Энг муҳими, Конституциявий суд муҳокамасига киритилган масалаларни тайёрлашда ва уларни кўриб чиқишда адвокатлар иштироки янада кенгайди. Бу эса адвокатура институти нуфузи ва аҳамияти янада ошишига хизмат қилади.

Абдуманноб РАХИМОВ,

*Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди судьяси,
юридик фанлар доктори.*

ҲАКАМЛИК СУДЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ: ЯНГИ ТАРТИБ ВА ТАЛАБЛАР

Ўзбекистон Республикасининг “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуни фуқаролик ҳуқуқий муносабатларидан келиб чиқувчи низоларни, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари ўртасида вужудга келувчи иқтисодий низоларни муқобил ҳал этиш мақсадида қабул қилинди.

Мазкур Қонуннинг асосий мақсади Ўзбекистон Республикасида ҳакамлик судларининг ташкил этилиши ва фаолияти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Кейинги йилларда иқтисодий судларда бошқа туркумдаги ишлар билан бир қаторда ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ ишлар ҳам анчани ташкил қилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, Хоразм вилоят иқтисодий судлари томонидан 2024 йил давомида ҳакамлик муҳокамаси билан боғлиқ 476 та ишлар кўриб чиқилган бўлиб, шундан 436 таси қаноатлантирилган, 36 таси рад этилган, 2 таси кўрмасдан қолдирилган бўлса, 2 таси бўйича иш юришти тугатилган.

2025 йил мобайнида ушбу туркумдаги ишлардан 76 таси кўриб чиқилган бўлиб, шундан 74 таси қаноатлантирилган, 2 тасини қаноатлантириш рад этилган.

2026 йилнинг 1 чораги мобайнида 17 та иш кўриб чиқилган бўлиб, шундан 16 таси қаноатлантирилган, 1 таси рад этилган.

Эндиликда, 2026 йил 24 июлдан кучга кириши белгиланган “Ҳакамлик судлари фаолияти янада такомиллаштирилиши ҳамда бюджет интизоми кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан ҳакамлик судлари фаолиятини ташкил қилишнинг қонуний асослари ва улар томонидан қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат механизмлари такомиллаштирилди, ҳакамлик судларига қўйиладиган талаблар аниқлаштирилди, ҳакамлик судлари фаолияти ҳамда ҳакамлик муҳокамаси халқаро стандартларга мослаштирилди, десак асло муболаға бўлмайди.

Мазкур ҳужжат билан ҳакамлик судларини қонунга ҳилоф равишда ташкил этиш, давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари, давлат иштирокидаги корхоналар ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ҳакамлик битими тарафлари бўлиши, башарти жиноят аломатлари мавжуд бўлмаса ҳамда давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари, давлат иштирокидаги корхоналар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонунга ҳилоф равишда ҳакамлик суди қарорларининг ихтиёрий ижро этилиши ҳолатлари бўйича маъмурий жавобгарлик чоралари белгиланди.

Шунингдек, ушбу қонун билан доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг низоми янги таҳрирда баён қилиниб, унга кўра, ҳакамлик судини ташкил этган нодавлат нотижорат ташкилоти томонидан тасдиқланадиган локал ҳужжат бўлиб, у доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судининг ҳуқуқий мақомини, ташкил этилишини, фаолиятини тартибга солади, шунингдек унинг мазкур ҳакамлик судини ташкил этган нодавлат нотижорат ташкилоти ҳамда бошқа юридик шахслар билан ўзаро муносабатларини белгилайди.

Шу билан бирга, бундан буён юридик шахслар эмас, балки нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳакамлик судларини ташкил этиши мумкин бўлди.

Амалдаги “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонуннинг 5-моддаси иккинчи қисмига кўра, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳакамлик судларини ташкил этиши ҳамда ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмас.

Янги қонун билан 5-модданинг иккинчи қисмига янада аниқлик киритилиб, унга кўра, давлат органлари, ташкилотлари ва муассасалари, давлат иштирокидаги корхоналар, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳакамлик судларини ташкил этиши ҳамда ҳакамлик битими тарафлари бўлиши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилди.

Бундан ташқари, “Ҳакамлик судлари тўғрисида”ги Қонунининг 9-моддаси иккинчи қисми янги таҳрирда баён қилиниб, ҳакамлик судлари маъмурий, оилавий ва меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни, ер билан боғлиқ, бинолар ва иншоотларга эғалик ҳуқуқини белгилаш, давлат органлари, ташкилотлари ва муассасаларида давлат иштирокидаги корхоналардан, шунингдек фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан пул маблағларини ундириш билан боғлиқ низоларни ва қонунда назарда тутилган бошқа низоларни ҳал этмайдиган бўлди.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг бюджет соҳасидаги ваколатлари кенгайтирилиб, унга кўра бюджет тизими бюджетларидан пул маблағларини ундириш билан боғлиқ суд муҳокамаларида қонунда белгиланган тартибда иштирок этиши ҳамда бюджет манфаатларини кўзлаб судларга аризалар, даъво аризалари ва шикоятлар киритиши, жиноят аломатларини кўрсатувчи маълумотлар аниқланган тақдирда, бу ҳақда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериши белгиланди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексига киритилган ўзгартиришга кўра, газначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилмаган ёки рўйхатдан ўтказилиши рад қилинган, товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш тўғрисида тузилган шартномаларга, шунингдек уларга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларга асосан қабул қилиб олиши – бюджет интизомини бузиш, деб ҳисобланиши аниқ қилиб кўрсатиб қўйилди.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, ҳакамлик судлари фаолиятининг такомиллаштирилиши ҳамда янги тартиб ва талабларнинг белгиланиши бюджетдан ажратилган пул маблағларининг мақсадли сарфланишига, бюджет интизомига риоя этилишига ҳамда тадбиркорлик субъектларининг ортиқча оворагарчиликларини олдини олишга ва пировардида уларнинг давлат органларига бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилади.

Баҳодир ДАВЛАТОВ,

Хоразм вилоят суди раиси ўринбосари, иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъати раиси.

АСОССИЗ БОЙЛИК ОРТТИРИШНИНГ ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

(ЯПОНИЯ ВА КОРЕЯ ДАВЛАТЛАРИ МИСОЛИДА)

1871 йилги Мэйдзи инқилобидан сўнг капиталистик ривожланиш йўлига ўтган ҳамда Европа қонунчилиги нормаларини имплементация қилган Японияда асоссиз бойлик орттириш институтининг ҳуқуқий тартибга солиниши ва амалиёти қуйидаги жиҳатлар билан тавсифланади.

Асоссиз бойлик орттириш масалалари Япония Фуқаролик кодексининг 703-708-моддалари билан тартибга солинади. Ушбу институтнинг асосий мақсади бир шахснинг бошқа шахс ҳисобидан қонуний асослар мавжуд бўлмаган ҳолда бойишининг олдини олиш ва юзага келган номуаносибликни бартараф этишдан иборат.

Япония қонунчилиги асоссиз бойлик орттириш бўйича мажбуриятни келиб чиқиш асосига кўра икки турга ажратади: тўлов билан боғлиқ (қарзсиз тўланган нарсани қайтариб олиш) ва тўлов билан боғлиқ бўлмаган (жумладан, бошқанинг мулк ҳуқуқини бузиш орқали) ҳолатлар.

Асоссиз бойлик орттиришнинг тўлов билан боғлиқ тури асосан тўлов амалга оширилганидан сўнг ушбу тўлов учун ҳуқуқий асос йўқолганда ёки ҳеч қачон мавжуд бўлмаганда вужудга келади. Бундай ҳолатлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

- шахс ўзи қарздор бўлмаган нарсани тўлаб қўйганда;
- қарз муддати хали келмаган бўлса-да, қарздор уни ихтиёрий равишда тўлаб қўйганда;

- бир шахс бошқа шахснинг қарзини тўлаб қўйганда.

Бу ҳолатларнинг ҳар бири тўлов асоссиз бойликка олиб келганда тўланган суммани тўловчига қайтариш мажбуриятини юзага келтиради.

Асоссиз бойлик орттиришнинг тўлов билан боғлиқ бўлмаган тури тўлов амалиёти билан боғлиқ бўлмаган ҳолларда, яъни шахс бошқа бировнинг ҳуқуқларини бузиш ёки уларнинг меҳнатидан фойдаланиш орқали асоссиз бойликка эришганда вужудга келади. Ушбу тоифадаги энг кенг тарқалган тур “бузганлик туфайли бойлик орттириш” ҳисобланади. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

Мулк ҳуқуқини бузиш: Кимнингдир мулкидан унга тегишли бўлмаган тарзда фойдаланиш ёки уни мослаштириш.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини бузиш: Патент, муаллифлик ҳуқуқи, савдо белгиси каби объектлардан қонуний асосларсиз фойдаланиш. Масалан, бундай ҳуқуқбузарлик туфайли олинган даромадлар “бузганлик туфайли бойлик орттириш” деб топилши ва уларни тўлаш мажбурияти юзага келиши мумкин¹.

“Бузганлик туфайли бойлик орттириш”даги бойликни қайтариш ўлчови тўлов туридагига қараганда кенгрок бўлиб, бу ерда бойликка эришувчининг виждонлиги (инсофлиги) муҳим аҳамият касб этади.

Япония фуқаролик қонунчилигига кўра, асоссиз бойлик орттириш факти вужудга келиши учун қуйидаги тўртта асосий шартлар мавжудлиги исботланиши керак:

Фойда олувчининг бойиши: бир шахснинг (фойда олувчи) мулкий жиҳатдан бойиб кетиши;

Талабгорнинг зарар кўриши: бошқа шахс (талабгор) бунинг натижа-сида зарар кўриши;

Сабабий боғланишнинг мавжудлиги: фойда олувчининг бойиши билан талабгорнинг зарар кўриши ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқликнинг мавжуд бўлиши;

Ҳуқуқий асоснинг йўқлиги: асоссиз бойлик орттириш учун ҳеч қандай қонуний асос (масалан, шартнома, қонун ёки суд қарорининг) мавжуд бўлмаслиги.

Япония Фуқаролик кодексига асоссиз бойлик орттириш бўйича мажбуриятлар кўлами фойда олувчининг виждонлигига (яъни у асоссиз бойликни билгани ёки билмагани) қараб фарқланади.

Япония суд амалиётини ўрганиш уларда асоссиз бойлик орттириш доирасида судлар томонидан бир қатор муҳим қарорлар қабул қилганлигини кузатиш мумкин.

Жумладан, ортиқча тўланган фоизлар бўйича даъволар доирасида 2007 йилда Япония Олий суди қарори билан истеъмолчиларга кредит олишда қонунда белгиланган чегарадан ортиқча тўланган маблағларни фоизлари билан бирга қайтариб бериш талаб қилиш ҳуқуқини берди².

2007 йил 13 июлда Япония Олий суди икки иш бўйича истеъмол кредит компаниялари нафақат ноқонуний фоизларнинг ортиқча тўловларини қарз олувчиларга қайтариши, балки ортиқча тўловлардан ҳисобланган қонуний фоизларни ҳам тўлаши кераклигини ҳал қилди, чунки истеъмол кредит компаниялари асоссиз бойишнинг виждонсиз бенефициарлари деб топилди.

Япония тажрибасидан ўрганиладиган энг муҳим жиҳат шуки, мамлакатимизда жисмоний ва юридик шахслар ўртасида тузилаётган битимларда истеъмолчини чалғитиш ёки битимни тузишга беихтиёр мажбурлаш мақсадида белгиланаётган ортиқча фоизларни аниқ кўрсатиб ёки кўрсатмай қарз ёки кредит бераётган банк ёки бошқа молия ташкилотлари томонидан асоссиз бойлик орттириш масалаларини қонунчиликда тўлиқроқ акс эттириш, уни қайтариш механизмни мазкур шартномаларни ҳақиқий эмас деб топиш билан бирга кўриб чиқиб ҳал қилиш механизмларини кенгайтиришга доир қонунчилик ҳужжатлари такомиллаштирилиши лозим бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1024-моддасига кўра, агар қонунчиликда бошқача тартиб белгиланмаган бўлса ва тегишли муносабатларнинг моҳиятидан келиб чиқмаса, асоссиз бойлик орттириш оқибатида келиб чиқадиган мажбуриятларга доир қондалар ҳақиқий бўлмаган битим бўйича бажарилган нарсани қайтариш тўғрисидаги талабларга ҳам татбиқ этилиши белгиланган³.

Шунингдек, Фуқаролик кодексининг 114-моддасида битимларнинг ҳақиқий эмаслигига доир бир қатор талаблар белгиланган. Жумладан, “Битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан фойдаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.

Манфаатлар тўқнашувига йўл қўйилган ҳолда тузилган битим ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ушбу битимни тузиш натижасида олинган фойда битим бўйича олинган ҳамма нарсани қайтариб бериш тўғрисида талаб қўйилмаган ҳолда, суд тартибида давлат даромадига ўтказилади. Бундай битимни ижро этиш билан боғлиқ харажатларнинг ўрни манфаатлар тўқнашувига йўл қўйган шахснинг ҳисобидан қопланади.

Коррупцияга йўл қўйилган ҳолда тузилган битим ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, бундай битимни тузиш натижасида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарнинг ўрни айбдор шахслар томонидан суд тартибида қопланади⁴.

Алдаш, зўрлик ишлатиш, манфаатлар тўқнашуви ва коррупцияга йўл қўйиш бевосита асоссиз бойлик орттиришга интилиш сифатида баҳолашиб, бунинг оқибатида орттирилган бойлик ва етказилган зарарлар қопланиши лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Японияда асоссиз бойлик орттириш тизими, асоссиз бойлик орттиришнинг ҳар икки шаклини (тўлов билан

боғлиқ бўлган ва у билан боғлиқ бўлмаган) қамраб олади. Асоссиз бойлик орттирувчининг виждонли ёки виждонсизлигига қараб, асоссиз орттирилган фойдани қайтариш қиймати ортиб боради. Асоссиз бойлик орттиришга доир суд амалиёти (кредит фоизлари, мулкый низолар) орқали динамик ривожланиб бормоқда. Бу эса, мулкый муносабатлардаги номуносабиликларни тузатиш ва иқтисодий адолатни таъминлашда муҳим роль ўйнайди.

Асоссиз бойлик орттириш – **Корея Республикасининг** фуқаролик ҳуқуқида муҳим ўрин тутадиган ҳамда тарафлар мулкый муносабатларида адолатни тиклашга хизмат қиладиган институт ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқий механизм бир шахснинг бошқа биров ҳисобидан қонуний асослар мавжуд бўлмаган ҳолда бойиб кетишининг олдини олиш ва юзага келган номуносабиликни бартараф этишга қаратилган.

Корея Фуқаролик кодексининг 741-749-моддалари асоссиз бойлик орттириш масалаларни тартибга солади. Мазкур кодекснинг 741-моддасига кўра, “Ҳеч қандай ҳуқуқий асослар мавжуд бўлмаган ҳолда бошқа бировнинг мулки ёки меҳнати ҳисобидан бойликка эришган ва шу тўғрисида бошқа шахсга зарар етказган шахс ушбу бойликни қайтариши шарт”⁴.

Суд ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида асоссиз бойлик орттириш институтининг қўлланилиши учун тўрт асосий шартнинг мавжудлиги талаб қилинади:

Бойлик орттириш – бир шахс (фойда олувчи) мулкый жиҳатдан бойиб кетиши. Бу нафақат фаол даромад олиш, балки зарур харажатлардан қутулиш ҳолатини ҳам ўз ичига олади⁵.

Зарар кўриш – бошқа шахс (талабгор) бунинг натижасида зарар кўриши. Зарар кўрмаса, ҳатто бойлик мавжуд бўлган тақдирда ҳам даъво таъминланмайди.

Сабабий боғланишнинг мавжудлиги – фойда олувчининг бойиши билан талабгорнинг зарар кўриши ўртасида тўғридан-тўғри ёки билвосита сабабий боғланиш бўлиши лозим.

Ҳуқуқий асоснинг йўқлиги – бойлик орттириш учун ҳеч қандай қонуний асос (масалан, шартнома, қонун ёки суд қарори) мавжуд бўлмаслиги зарур. Судлар “ҳуқуқий асоснинг мавжуд эмаслиги”ни баҳолашда ҳар бир ҳолатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олади.

Корея қонунчилиги фойда олувчининг виждонлилиги ёки виждонсизлигига кўра икки турдаги ҳуқуқий оқибатларни назарда тутди. Бунда “виждонлилик” фойда олувчининг бойликка ҳуқуқий асос йўқлигини билмаслигини аниқлота, “виждонсизлик” эса бойликка ҳуқуқий асос йўқлигини билишини билдиради.

Корея юриспруденциясида асоссиз бойлик орттириш уч асосий турга бўлинади:

Муаллифлик ҳуқуқини бузиш орқали бойлик орттириш: – Бошқа бировнинг мулк ҳуқуқини бузиш (масалан, ерни қонунсиз эгаллаш, интеллектуал мулкдан фойдаланиш) орқали бойликка эришиш.

Қарзсиз тўлов орқали бойлик орттириш. Ҳақиқатда мавжуд бўлмаган қарзни ёки ортикча миқдордаги пулни тўлаб қўйиш. Масалан, хатолик тўлаб бериш банк ҳисоб рақамига пул ўтказиб юбориш ёки бекор қилинган шартнома бўйича аванс тўлаш.

Харажатлардан қутулиш тўғрисида бойлик орттириш. Бошқа шахснинг маблағи ҳисобидан ўз харажатларини қоплаш. Масалан, бировнинг пулига таъмирлаш ишларини бажариш⁶.

Корея ҳуқуқшунослигига асоссиз бойлик орттириш институтини таҳлил қилишда бир қанча муҳим илмий йўналишлар мавжуд.

Хванг Чунг Хённинг “Асоссиз бойлик орттириш тўғрисида тадқиқот. типология нуктаи назардан Корея Олий судининг суд амалиёти” (2015) номли илмий иши асоссиз бойлик орттириш ҳолатларини типларга ажратиш ва уларни суд амалиётида талқин этиш масалаларини ўрганган. Бу ишда ҳозирги кодексдаги умумий қоидаларни ҳар хил ҳолатларга мослаштириш бўйича муҳим хулосалар берилган⁷. Чве Ву Жиннинг “Фуқаролик кодексининг 748-модда 2-бандидаги “виждонсизлик” тушунчаси” (2020) номли мақоласи энг муҳим масалалардан бири – фойда олувчининг виждонсизлигини қандай аниқлаш муаммосини батафсил ёритиб берган⁸.

Кореялик олимлар, шунингдек, “бузганлик тўғрисида бойлик орттириш” йўналишида ҳам фаол изланишлар олиб бормоқдалар. Масалан, интеллектуал мулк ҳуқуқи, мулкый ҳуқуқлар ва бошқа соҳалардаги бузилишлар натижасида юзага келган асоссиз бойликларни ҳисоблаш ва уларни қайтариш механизми ишлаб чиқилмоқда⁹.

Корея Олий суди асоссиз бойлик орттириш институтининг ривожланишига катта таъсир кўрсатган бир қатор муҳим қарорлар қабул қилган. Улардан энг муҳимларини келтирамиз:

Виждонсизлик тушунчасининг чегаралари. Бу қарор фойда олувчини “виждонсиз” деб эътироф этиш учун бойликнинг ҳуқуқий асоси йўқлигини тўлиқ аниқлаш шарт эканлигини таъкидлаган. Бойликнинг ҳуқуқий асоси мавжуд эмаслигига олиб келадиган ҳолатларни билишнинг ўзи етарли эмас. Масалан, бировнинг пулини олган шахс пулни олишда ҳеч қандай ҳуқуқий асос мавжуд эмаслигини тушунмаса, у виждонли ҳисобланади. Ушбу позиция судлар томонидан кенг танқид қилинган бўлиб, бу виждонсизликни исботлашни жуда қийинлаштирган.

“Қисқартирилган тўлов” ҳолати. Бу энг сўнгги ва жуда муҳим қарор бўлиб, шартнома бекор қилинганда унга кўра бир томон пулни тўғридан-тўғри учинчи шахсга тўлаб қўйган ҳолатни кўриб чиққан. Олий суд қуйидагича хулоса қилган: агар тўловчи шартнома тарафининг кўрсатмаси билан пулни учинчи шахсга тўлаган бўлса, унда шартнома бекор қилинган тақдирда бойликни шартнома тузган тарафдан (яъни пулни олишга буюртма берган шахсдан) талаб қилиши керак. Бу ҳолда даъво тўғридан-тўғри пулни олган учинчи шахсга қаратиш тўғри эмас. Ушбу қарор уч томонлама муносабатларда ҳуқуқий аниқликни таъминлашга қаратилган.

Қонунсиз эгалланган ер учун бойлик қайтариш. Давлат органи қонунни бузиб, фуқаронинг ерини эгаллаб, унга турли иншоотлар қуриши натижасида юзага келган низо кўрилган. Олий суд давлат органининг келажақда бу ерни расмийлаштириш ва тоvon тўлаш имконияти бўлган тақдирда ҳам ҳозирги пайтда фуқарога бойликни қайтариш мажбуриятини қўйиб олмаслигини айтган. Бойликни қайтариш мажбурияти амалдаги ҳуқуқбузарлик ҳолатига боғлиқ бўлиб, келажақдаги ҳаракатлар буни бекор қилмайди.

Ер эгасининг йўлдан фойдаланиш ҳуқуқи. Бу қарор ер участкаси расман “йўл” сифатида рўйхатдан ўтган бўлса-да, унинг ҳақиқий эгаси ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масаласини кўриб чиққан. Олий суд ернинг расмий мақоми унинг хусусий мулк эканлигини бекор қилмаслигини ва эгасининг ушбу ердан фойдаланиш ҳуқуқини чекламаслигини айтган. Агар биров бундай ердан йўл сифатида фойдаланса, у ҳолда ер эгаси ундан бойликни қайтаришни талаб қилишга ҳақли¹⁰.

Юқоридаги таҳлиллар Кореянинг асоссиз бойлик орттириш институти мулкый муносабатлардаги номуносабиликларни бартараф этиш ва иқтисодий адолатни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Бу тизим назарий жиҳатдан мукаммал ишлаб чиқилган, суд амалиёти орқали доимий равишда ривожлантириб борилаётган ва ҳуқуқий муаммоларни ҳал этишда самарали восита ҳисобланади.

Фаррухжон ФАЙЗИЕВ,

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги Юридик таъминлаш бўлими бошлиғи, мустақил тадқиқотчи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <https://monolith.law/ru/general-corporate/copyright-infringement-remedies-japan>
2. <https://www.yorku.ca/osgoode/thecourt/2007/11/09/the-death-knell-to-loan-sharks-by-the-supreme-court-of-japan-excessive-interest-payments-held-to-be-returned-to-borrowers-with-statutory-interest/>
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси <https://lex.uz/uz/docs/180552#197161>
4. <https://www.law.go.kr/LSW/eng/engMain.do?eventGubun=060124>
5. <https://m.blog.naver.com/startlrh/221785843350>
6. <https://m.blog.naver.com/startlrh/221785843350>
7. <https://blog.naver.com/jdglaw1/223185388563>
8. <https://www.kci.go.kr/kciportal/ci/sereArticleSearch/ciSereArtiView.kci?ciSereArticleSearchBean.artid=ART002666488>
9. https://www.megalawyers.co.kr/prof/prof_notice_view.asp?idx=1146&searchkey=&searchword=&Nextpage=1&bCode=yksong&sub_cd=
10. <https://www.scourt.go.kr/portal/news/NewsViewAction.work?pageIndex=1&searchWord=&searchOption=&seqnum=7372&gubun=4&type=0>

ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ИШ ЮРИТИШНИ ИСТИСНО ҚИЛУВЧИ ҲОЛАТЛАР БЎЙИЧА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада жиноят ишлари бўйича иш юритишни истисно қилувчи ҳолатлар институтининг назарий-ҳуқуқий асослари, унинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашдаги аҳамияти ҳамда жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ва тугатиш билан боғлиқ процессуал механизмлар таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жиноят ишини тугатиш, иш юритишни истисно қилувчи ҳолатлар, жиноий жавобгарликдан озод қилиш, жиноят-процессуал қонунчилик, инсонпарварлик тамойили.

Ушбу йўналишда ҳуқуқ ижодкорлиги нисбатан ўхшаш бўлган қўшни давлатларнинг қонунчилигига мурожаат қилсак, Тожикистон Республикаси Жиноят кодексининг 11-боби жавобгарликдан озод этувчи нормаларни ўз ичига олган бўлиб, унда миллий жиноят қонунчилигимизга ўхшаш бўлган жавобгарликдан озод қилувчи асосларни кузатишимиз мумкин. Ярашув тўғрисидаги ишларда, вазият ўзгариши оқибатида қилмиш ёки шахснинг ижтимоий хавфлилигини йўқотганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишда фақатгина ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тоифаси учун қўлланилиши ва жавобгарликка тортиш муддатлари бўйича муддатлар белгиланишида тафовутлар мавжуд.

Тожикистон Республикаси ЖПКнинг 3-боби жиноят ишлари бўйича иш юритишни рад этиш ва тугатиш учун асослар деб номланган бўлиб, тафовутлардан дастлабки бу – бобнинг номланиши ҳисобланади. Шунингдек, Тожикистон Республикаси жиноят процессуал қонунчилигига кўра айблов хусусий, хусусий-оммавий ва оммавий турларга бўлинади, ҳамда айбловнинг хусусий ва хусусий-оммавий турларига кирувчи жиноят бўйича фақатгина жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили томонидан берилган ариза асосида жиноят иши қўзғатилиши мумкин. Шу билан бирга ЖПКнинг 25-моддасида жабрланувчининг жиноий таъқибда иштирок этиш ҳуқуқи алоҳида норма сифатида қайд этилган бўлиб, унга кўра жабрланувчи ёки унинг қонуний вакили мазкур жараёнда қатнашиш ҳуқуқи мавжудлиги ва жиноят ишининг ҳар қандай босқичида айбловдан воз кечиши мумкинлиги мустаҳкамланган.

Тожикистон Республикаси ЖПКнинг 27-моддасида жиноят иши юритилишини истисно қилувчи ҳолатлар назарда тутилган ва ушбу асосларда вафот этган шахснинг бирор-бир мақомда бўлишдан қатъий назар унга нисбатан юритилаётган иш тугатилиши лозим, бунда унинг айбсизлигини исботлаш ва янги очилган ҳолатлар билан боғлиқ вазиятларда қўлланилмаслиги, судларнинг айнан шу айблов бўйича чиқарган ҳукми, жиноят ишини тугатиш бўйича чиқарган ажрими ва қарори ишни тугатишга асос бўлиб хизмат қилиши белгиланган.

Қўшни Қирғизистон Республикаси жиноят қонунига кўра жавобгарликдан озод этишнинг фақатгина 4 тури мавжуд, улар Қирғизистон ЖКнинг 59-62-моддаларда ўз аксини топган бўлиб, қонунчилигимизда назарда тутилган жавобгарликдан озод этишдан қуйидаги жиҳатлари билан фарқланади. Яъни, қилмишнинг декриминаллаштирилиши, ярашув тўғрисидаги ишлар қисман рўйхат асосида ва барча ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун қўлланилиши, гуруҳ таркибида жиноят содир этган шахсларнинг ярашув тартибида жавобгарликдан озод этилмаслиги, иммунитетга эга бўлган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса ва у иммунитет мавжудлиги сабабли тўхтатилган бўлса, унда даъво муддати тўхтатилиши каби қоидалар шахсни жавобгарликдан озод қилувчи асосларда мустаҳкамланган.

Мазкур моддий асосларни қўллаш тартибини ўзида акс этувчи Қирғизистон Республикаси ЖПКда миллий жиноий-процессуал қонунчилигимиз билан тафовутлар мавжудлиги аниқланди.

Қозғистон Республикаси ЖКда миллий қонунчилигимиз билан фарқланувчи жиҳатлар мавжуд, яъни улар: зарурий мудофаа чегарасидан кўрқув ва аралашув орқали четга чиққан шахснинг жавобгарликдан озод қилишни алоҳида тури мавжудлиги (66-модда), процессуал келишув шартларини бажарган

шахснинг жавобгарликдан озод қилиниши (67-модда), ярашув тўғрисидаги ишлар жиноий ҳуқуқбузарликлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар учун қўлланилиши, медиация тартибида ёки мустақил равишда жабрланувчи билан ярашган ҳолларда жавобгарликдан озод қилиниши (68-модда), баъзи белгиланган тоифадаги шахслар (ёш болали аёллар, ҳомиладор аёллар, вояга етмаганлар, 58 ёш ва ундан ошган аёллар, 63 ёш ва ундан ошган эркаклар ва ҳатто ёш болалари ёлғиз қаровчиси бўлган эркаклар ҳам) биринчи мартага оғир жиноят содир этган ҳолларда агар жабрланувчининг ўлими ёки оғир жароҳат олишига сабаб бўлмаган ҳолларда етказилган зарар ўрни қопланган ва жабрланувчи билан ярашган бўлса жавобгарликдан озод қилиниши (68-модда 2-қисми), ярашувда жабрланувчи томон давлат ва жамият манфаатлари бўлган ҳолларда етказилган зарар ўрни қопланиши ва қилмишдан пушаймонлик ҳолати жавобгарликдан озод қилиш шarti ҳисобланиши (68-модда 3-қисми), ярашув юқори тоифадаги шахсларга ва муқаддам ярашув билан жавобгарликдан озод қилинган ҳамда жавобгарликка тортиш муддатларида қайта жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмаслиги мустаҳкамланган (68-модда 4-қисми).

Туркменистон Республикаси ЖКнинг 10-боб 70-74-моддаларида шахсни жавобгарликдан озод қилувчи нормалар келтирилган бўлиб, унга кўра жиноятдан ихтиёрий қайтиш жавобгарликдан озод қилиш асоси сифатида қайд этилган бўлиб, бунда жиноий гуруҳ таркибидан ихтиёрий қайтишда ўзига хос жиҳатлар акс этган, шунингдек шахснинг амалда пушаймонлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилинишида жабрланувчининг даъвоси бўлмаслиги лозимлиги бу амалиётнинг баъзи тоифадаги шахсларга татбиқ этилмаслиги каби ўзига хосликларга эга. Кодекснинг 72-моддасига кўра, фақатгина махсус қисмнинг 3 та моддасида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахс жабрланувчи билан ярашса жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги назарда тутилган. Мазкур кодекснинг 73-моддасида биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятни содир этган шахс ижтимоий хавфлилигини йўқотганлик учун жавобгарликдан озод этилиши мумкин. 74-моддада жавобгарликка тортиш муддатларини ҳисоблашда ва муддатларнинг узилиши масалаларида миллий қонунчилигимиздан фарқланувчи жиҳатлар мавжуд.

Мазкур моддий нормаларнинг процессуал тартиби Туркменистон Республикаси ЖПКнинг 3-боб 31 ва 33-моддаларида акс этган бўлиб, унга кўра раҳбарий принциплар орасида жиноят ишини қўзғатиш мажбурияти мавжуд эмаслигини, шу билан бирга ҳар бир жиноят ҳодисаси ва жиноят содир этган шахсни аниқлаш ва жабрланувчига етказилган зарарни қоплаш чораларини кўриш мажбурияти мавжудлигини қайд этиш лозим.

Тадиққот натижалари шуни кўрсатдики, жиноят ишлари бўйича иш юритишни истисно қилувчи ҳолатлар институти нафақат жиноят-процессуал муносабатларни тартибга солувчи муҳим ҳуқуқий механизм, балки шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, асоссиз жиноий таъқибнинг олдини олиш ҳамда судга қадар иш юритишни инсонпарварлаштиришнинг самарали воситаси сифатида намоён бўлади. Мазкур институтнинг моҳияти жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёки тугатиш орқали давлатнинг жиноий-ҳуқуқий сиёсатини фақатгина зарур ҳолатларда қўллаш, жиноят содир этган шахсга нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини индивидуаллаштириш ҳамда унинг ижтимоий мослашувига кўмаклашидан иборат. Шу жиҳатдан мазкур институтни жиноят ҳуқуқида назарда

тутилган жавобгарликдан озод қилувчи моддий нормалар билан узвий боғлиқ ҳолда комплекс тадқиқ этиш зарур.

Тадқиқот давомида амалга оширилган қиёсий-ҳуқуқий таҳлиллар қўшни давлатлар қонунчилигида жиноят ишлари бўйича иш юретишни истисно қилувчи ҳолатларни қўллашнинг турли моделлари шаклланганлигини кўрсатди. Хусусан, Тожикистон Республикаси қонунчилигида жиноят ишини тугатишга оид асослар жиноят қонунидаги жавобгарликдан озод қилувчи нормалар билан узвий боғланган бўлиб, гумон қилинувчи ёки айбланувчининг мазкур асосларга кўра иш юритилишини рад этиш ёки тугатишга қаршилик билдириши ҳолатида ишнинг умумий тартибда кўриб чиқиши белгиланганлиги аниқланди. Бу эса шахснинг ўзини оқлаш ҳуқуқини кафолатлаш ҳамда реабилитация ҳуқуқини амалга ошириш нуктаи назаридан муҳим процессуал кафолат сифатида баҳоланди. Шунингдек, жабрланувчининг жиноий таъқибда иштирок этиш ҳуқуқининг алоҳида мустақил норма сифатида белгиланганлиги ва айбловдан ҳар қандай босқичда воз кечиш имконияти мавжудлиги диспозитивлик элементларини кучайтирувчи муҳим омил сифатида баҳоланди.

Қирғизистон Республикаси қонунчилиги таҳлили натижасида хусусий-оммавий айблов институтининг нисбатан кенг қўлланилиши, ярашув асосида жавобгарликдан озод қилишда чекловларнинг аниқ белгиланганлиги ҳамда медиатив ёндашувларнинг ҳуқуқий механизм сифатида қўлланилиши аниқланди. Айниқса, жабрланувчининг ҳуқуқларини таъминлаш ва унинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олиш масалалари миллий қонунчиликка нисбатан кенгроқ процессуал кафолатлар билан мустаҳкамланганлиги кузатилди. Бу эса жиноят процессида диспозитивлик ва тарафлар манфаатлари мувозанатини таъминлаш нуктаи назаридан аҳамиятли ҳисобланади.

Қирғизистон Республикаси тажрибаси жавобгарликдан озод қилишнинг дифференциаллашган модели шакллантирилганлигини кўрсатди. Жумладан, процессуал келишув шартларини бажарганлик, шахсий кафиллик, ижтимоий хавфлилик хусусиятини йўқотганлик каби мустақил асосларнинг мавжудлиги жиноий-ҳуқуқий сиёсатни минималлаштиришга хизмат қилиши аниқланди. Шу билан бирга, айрим ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифадаги шахсларга нисбатан (ҳомиладор аёллар, вояга етмаганлар, ёши катта шахслар ва бошқалар) махсус гуманистик ёндашувларнинг назарда тутилганлиги мазкур мамлакат қонунчилигининг инсонпарварлик хусусиятини намоён этади. Айниқса, жиноят ишини тугатишнинг ҳуқуқий оқибатларини гумон қилинувчи ва жабрланувчига тушунтириш мажбуриятининг мустаҳкамланганлиги процессуал адолатни таъминлашнинг муҳим элементи сифатида баҳоланди.

Туркманистон Республикаси қонунчилигида эса жиноятдан ихтиёрли қайтиш, амалда пушаймонлик ва ярашув институтларининг қўлланилиш доираси нисбатан чекланган бўлса-да, давлат айбловчисининг ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар бўйича айбловдан воз кечиши натижасида ишни тугатиш имконияти назарда тутилганлиги аниқланди. Бунда вафот этган шахсга нисбатан иш юретишни тугатиш масаласида реабилитация эҳтиёжини ҳисобга олиш каби ҳуқуқий кафолатлар инсон ҳуқуқларини таъминлаш нуктаи назаридан аҳамиятли деб топилди.

Қиёсий таҳлил натижалари миллий жиноят-процессуал қонунчилигимизда иш юретишни истисно қилувчи ҳолатларни тартибга солиш механизмларини такомиллаштириш заруратини кўрсатди. Хусусан, жабрланувчининг розилиги ва процессуал позициясини инобатга олиш, гумон қилинувчи ва айбланувчига жиноят ишини тугатишнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш, шахснинг эътирози мавжуд бўлган ҳолатларда ишни умумий тартибда кўриб чиқиш, медиатив тартибларни кенгроқ жорий этиш ҳамда жиноят ишини судга қадар босқичда прокурор розилиги билан тугатиш амалиётини аниқ процессуал тартибга солиш мақсадга мувофиқлиги илмий жиҳатдан асосланди. Шунингдек, қонунчиликда қайси асослар реабилитацияга олиб келиши ёки реабилитация этилмайдиган ҳолат ҳисобланишини аниқ ифодалаш, иш юретишни истисно қилувчи ҳолатларни яхлит тизимлаштириш ҳамда жиноий таъқибни амалга ошириш билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ўртасидаги мувозанатни таъминлаш Янги Ўзбекистон шароитида жиноят процесси самарадорлигини оширишга хизмат қилиши ҳақида ҳулосага келинди.

Ҳулоса қилиб айтганда, жиноят ишлари бўйича иш юретишни истисно қилувчи ҳолатлар институти жиноят-процессуал ҳуқуқнинг муҳим таркибий қисми бўлиб, у шахснинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, асоссиз жиноий таъқибнинг олдини олиш, судга қадар иш юритиш жараёнини инсонпарварлаштириш ҳамда жиноят-ҳуқуқий таъсир чораларини индивидуаллаштиришга хизмат қилиши аниқланди. Тадқиқот натижалари мазкур институтни фақатгина процессуал механизм сифатида эмас, балки жиноят ҳуқуқида назарда тутилган жавобгарликдан озод қилувчи моддий-ҳуқуқий нормалар билан узвий боғлиқ бўлган комплекс ҳуқуқий институт сифатида баҳолаш зарурлигини кўрсатди. Бу эса жиноят ишини кўзгатишни рад этиш ва тугатиш масалаларини ҳал қилишда моддий ва процессуал ҳуқуқ нормаларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш муҳим аҳамият касб этишини аниқлади.

Хусусан, жабрланувчининг процессуал позициясини ҳисобга олиш, гумон қилинувчи ва айбланувчининг жиноят ишини тугатишга эътироз билдириш ҳуқуқини таъминлаш, медиатив усулларни қўллаш, жиноят ишини тугатишнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш ҳамда қайси асослар реабилитацияга олиб келишини аниқ белгилаш каби ҳуқуқий механизмлар жиноят процессида инсонпарварлик тамойилини кучайтиришга хизмат қилиши асосланди.

Шу билан бирга, миллий жиноят-процессуал қонунчиликни такомиллаштириш нуктаи назаридан иш юретишни истисно қилувчи ҳолатларни тизимлаштириш, уларни ягона процессуал нормалар доирасида аниқ ва изчил тартибга солиш, реабилитация қилинадиган ва реабилитация қилинмайдиган асосларни аниқ ажратиш, жабрланувчи розилигини талаб қилувчи ҳолатларни кенгайтириш ҳамда жиноят ишини судга қадар босқичда тугатишнинг аниқ процессуал тартибини белгилаш мақсадга мувофиқлиги илмий жиҳатдан асосланди. Бундан ташқари, суриштирувчи ва терговчиларнинг прокурор розилиги асосида жавобгарликдан озод қилувчи асосларни қўллаш ваколатларини аниқлаштириш, гумон қилинувчига қабул қилинаётган қарорнинг ҳуқуқий оқибатларини тушунтириш мажбуриятини мустаҳкамлаш ҳамда жабрланувчининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган процессуал кафолатларни кучайтириш зарурлиги белгиланди.

Умуман олганда, жиноят ишлари бўйича иш юретишни истисно қилувчи ҳолатлар институтини халқаро стандартлар ва илгор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш Янги Ўзбекистон шароитида инсон кадр-қиммати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жиноят процессида давлат ва шахс манфаатлари ўртасида мувозанатни сақлаш, шунингдек судга қадар иш юритиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Мазкур соҳада қонунчиликни янада такомиллаштириш эса жиноят-процессуал муносабатларнинг адолат, қонунийлик ва инсонпарварлик принциплари асосида ривожланишини таъминлашнинг муҳим ҳуқуқий кафолати бўлиб хизмат қилади.

Жасурбек АТАНИЯЗОВ,

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Жиноий-ҳуқуқий фанлар кафедраси доценти, ю.ф.б.д. (PhD).

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // "Ўзбекистон – 2030 стратегиясини "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил иқтисодиёт" йилида амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида. 30.01.2025 йилдаги ПФ-16-сон <https://www.lex.uz/docs/7369703>
2. Уголовный Кодекс Республики Таджикистан. Общая часть раздел IV. Освобождение от уголовной ответственности и наказания. Глава 11. Освобождение от уголовной ответственности. Статья 72-75. URL: http://ncz.tj/system/files/Legislation/574_ru_0.pdf
3. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Таджикистан от 3 декабря 2009 года (с изменениями и дополнениями по состоянию на 19.07.2025 г.)
4. Уголовный Кодекс Кыргызской Республики от 2 февраля 2017 года № 19. URL: <http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/111527> мурожаат санаси 24.08.2025 йил
5. Уголовно-процессуальный кодекс Кыргызской Республики от 28 октября 2025 года № 129.
6. Уголовный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 03.09.2025 г.) <https://online.zakon.kz/>
7. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 03.09.2025 г.)
8. Уголовный кодекс Туркменистана от 12 июня 1997 года № 222-1 (с изменениями и дополнениями по состоянию на 13.11.2025 г.)

МУЛКНИ ҚАСДДАН НОБУД ҚИЛИШ ЁКИ УНГА ЗАРАР ЕТКАЗИШ ЖИНОЯТИНИНГ СУБЪЕКТИВ ТОМОНИ БЕЛГИЛАРИ

АННОТАЦИЯ: *мазкур мақолада мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш жиноятининг субъектив томонини ташкил этувчи зарурий ва факультетив белгилари илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Муаллиф айб шакли, мотив ва мақсаднинг жиноят таркибидаги ўрнини ёритиб, ушбу жиноятнинг психологик ва ҳуқуқий жиҳатларида оид фикрларни тақдим этган. Шунингдек, миллий ҳуқуқ амалиётидаги қиёсий таҳлил асосида субъектив томонни белгилашда учрайдиган муаммолар кўрсатиб берилган.*

Калит сўзлар: *мулк, жиноят, субъектив томон, эгри қасд, айб, мотив, мақсад, жиноий ният, руҳий муносабат.*

Жиноят ҳуқуқи назариясида ҳар бир жиноят таркиби тўртта асосий элементдан иборат бўлиб, улардан бири субъектив томондир. У жиноятнинг ички психик моҳиятини ифодалайди ва айбдор шахснинг қилмишга бўлган руҳий муносабатини белгилайди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 173-моддасида мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш жинояти белгиланган бўлиб, ушбу таркибда субъектив томоннинг мазмунини айниқса муҳим аҳамият касб этади.

А.С.Якубов ва Р.К.Кабуловларнинг фикрига кўра, жиноятнинг субъектив томони – айбдорнинг ўзи содир этган, жиноят қонунида жиноят сифатида кўрсатилган ижтимоий хавфли қилмишига нисбатан руҳий муносабати. Бу жиноят таркибининг муҳим элементи бўлиб, унинг бўлмаслиги жиноят таркибининг бўлмаслигига олиб келади. Жиноят таркибининг субъектив томони эса – жиноят қонунида назарда тутилган жиноятни содир этиш пайтида шахснинг содир этилаётган жиноятга руҳий муносабатини тавсифловчи муҳим белгилар йиғиндиси¹.

Субъектив томон – жиноят таркибининг ажралмас ва зарурий белгиси бўлиб, у мавжуд бўлмаса, жиноят таркиби ҳам шаклланмайди. У жиноий қилмишнинг ички, руҳий томонини ифодалайди ва шахснинг ўз ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги ҳамда унинг юридик аҳамиятга эга бўлган объектив белгиларига нисбатан бўлган руҳий муносабатини акс эттиради. Ҳар қандай жиноят таркибининг субъектив томонининг зарурий белгиси – айб ҳисобланади, мотив ва мақсад жиноят таркиби субъектив томонининг факультатив белгилари ҳисобланади. Субъектив томонни ташкил этувчи барча белгилар ўзаро узвий боғлиқ бўлиб, уларнинг йиғиндиси жиноятнинг руҳий мазмунини тавсифлайди.

Жиноят таркиби тўғрисидаги таълимот нуқтаи назаридан жиноий қилмишнинг субъектив томони онг ва ирода омилларининг муайян нисбати, айб қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилгани, жиноят субъектининг мотивлари ва мақсадлари билан тавсифланади. Ушбу омиллар жамулжам ҳолда жиноятнинг субъектив томонини ҳосил қилади².

Жиноятнинг субъектив томонининг аҳамияти қилмишнинг жиноят эканлиги ёхуд жиноят эмаслигини, объектив томондан ўхшаш бўлган жиноятларни бир-биридан фарқини ва ижтимоий хавфлилик даражасини аниқлаш имкониятини беради.

Жиноят кодексининг 173-моддасида назарда тутилган қилмишнинг субъектив томони тўғри ёки эгри қасд шаклидаги айбни назарда тутди. Тўғри қасд ҳолатида шахс ўз ҳаракатлари ўзганинг мулкни нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш хавфини туғдиришини англайди, мулкдорга сезиларли зарар етказиш муқаррарлигини олдиндан кўради ва унинг юз беришини истайди.

Юридик адабиётларда тўғри ва эгри қасд тушунчаси ЖКда моддий таркибли жиноятлар учун таърифланган, деган фикр аксиома сифатида қабул қилинади ва шу муносабат билан қонунда формал таркибли жиноятлар учун тўғри ва эгри қасд тушунчаси мавжуд эмаслиги тўғрисидаги таклифлар илгари сурилади³. Аммо биз А.И.Марсевнинг жиноят қонунида қасддан содир этиладиган жиноят тушунчасига берилган таъриф моддий таркибли жиноятларда ҳам, формал таркибли жиноятларда ҳам руҳий муносабатнинг таркибий тузилишини тўлиқ қамраб олади⁴, деган фикрига қўшилаемиз.

Эгри қасд ҳолатида эса шахс ўз хатти-ҳаракатларининг ижтимоий хавфлигини англайди, мулкдорга реал зарар етказиш эҳтимолини олдиндан кўради, уни истамайди, бироқ онгли равишда бунга йўл қўяди ёки унга оқибатига бефарқ муносабатда бўлади.

Эгри қасдда шахс ижтимоий хавфли оқибатни келиб чиқишига онгли равишда йўл қўйиб, оқибатнинг келиб чиқишига пассив муносабатда бўлади. Бундай ҳолда айбдор ижтимоий хавфли оқибатнинг юз беришини истамаса-да, оқибатга нисбатан бефарқлик билан қарашда ифодаланади. Яъни айбдорга ижтимоий хавфли оқибат келиб чиқса ҳам, келиб чиқмаса ҳам фарқи йўқ. Бироқ, айбдор оқибатнинг келиб чиқишига қаратилган фаол қилмишни аввалроқ содир қилиб бўлади⁵.

Қасд олдиндан ўйланган қасд ва тўсатдан пайдо бўлган бўлиши, шунингдек, аниқ қасд, альтернатив қасд ёки ноаниқ қасд шаклда намоён бўлиши мумкин.

Жиноят ҳуқуқи назариясида қасд вужудга келиш вақтига қараб, аввалдан ўйланган ва бирданига вужудга келган қасдга бўлинади. Албатта, бирданига вужудга келган қасд билан жиноий ният ва жиноят содир этиш орасидаги вақт қанча узоқ бўлса, жиноят ва айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилик даражаси шунчалик юқори бўлади. Чунки ўтган вақт ичида жиноятни содир этишга тайёргарлик, содир этиш усуллари, кейинчалик жиноят изларини йўқотиш каби тадбирлар пухта ўйланади⁶.

Айбдорнинг ўз содир этган қилмишига нисбатан ички руҳий муносабатини бевосита аниқлаш мураккаб ҳисобланади. Бироқ, жиноят содир этилган вазият, айбдорнинг хатти-ҳаракатлари, муомаласи ва воқеадан олдинги ҳамда кейинги хулқ-атворини ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали унинг айби шакли ва мазмуни, яъни жиноятнинг субъектив томони аниқлиниши мумкин.

Агар ўзгалар мулкни нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш жараёнида айбдор шахс ўз қилмишининг оқибатида инсон ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар юз беришини истаган бўлса, ёхуд уларнинг юз беришига онгли равишда йўл қўйган ёки уларга бефарқ муносабатда бўлган бўлса, содир этилган қилмиш жиноятлар мажмуи бўйича квалификация қилинади.

Ўзгалар мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш натижасида инсон ўлими каби оқибатлар юзга келган ҳолларда айбдорнинг ушбу оқибатларга нисбатан психик муносабатини аниқлаш тергов ва суд органлари амалиётида муайян мураккабликларни келтириб чиқаради.

Тергов-суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, мулкни нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш умумхавфли усулда, масалан, ўт қўйиш йўли билан содир этилган ҳолларда, жабрланувчининг ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга нисбатан айбдорнинг психик муносабатига ҳар доим ҳам тўғри баҳо берилмавермайди.

Мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш жиноятнинг субъектив томонинг яна бир белгилари мотив ва мақсаддир. Мотив ва мақсад мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш жиноятини квалификация қилишда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 173-моддаси 2-қисми “а” бандида ушбу жиноятнинг ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замирида содир этилиши субъектив томонинг зарурий белгиси сифатида тўғридан-тўғри назарда тутилган.

Бироқ мазкур модданинг бошқа ҳолатларида мотив ва мақсад алоҳида кўрсатилмаган бўлса-да, жиноятнинг умумий мазмунидан келиб чиқиб, мулкни қасддан нобуд қилиш ёки унга зарар етказиш жинояти турли хил мотив ва мақсадларда содир этилади.

Жиноятнинг мотиви ва мақсади жиноят таркиби субъектив томонининг факультатив белгиси бўлиш билан бирга қасддан содир этиладиган бир қанча жиноятлар таркиби субъектив томони белгилари доирасига киритилган зарурий белгиси ҳам ҳисобланади. Шунинг учун ҳам жиноят процессуал қонуни жиноятнинг мотиви ва мақса-

дини аниқлаш талабларини қўяди. ЎЗР ЖПКнинг 82-моддасида жиноятнинг мотиви ва мақсади айбланиш ва ҳукм қилишнинг асосларидан бири сифатида назарда тутилган⁷.

Мотив ва мақсад жиноят таркибининг факултатив белгилари ҳисобланиб, барча жиноятларни квалификация қилишда ҳам инobatта олинмайди. Бироқ, ЖК 173-моддаси 2-қисми а) банди диспозициясида мотив назарда тутилган бўлиб, мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш жиноятини миллатлараро ёки ирқий адоват ёхуд диний таассублар замири мотивида содир этилса, бунда жиноят мотиви зарурий белгига айланади ҳамда қилмишни тўғри квалификация қилишга таъсир кўрсатади. Яъни қилмишда жиноят таркибининг зарурий белгилари (объект, объектив, субъект, субъектив томонлари)дан ташқари миллий ёки ирқий адоват мотивлари мавжуд ёки мавжуд эмаслигини ҳам аниқлаш лозим. Бундан ташқари ЖК 173-моддаси 3-қисмида назарда турилган хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан шахснинг ёки унинг яқин қариндошларининг мулкига нисбатан ва уюшган гуруҳ ва унинг манфаатларини кўзлаб содир этилса, бунда ҳам жиноят мотиви жиноят таркиби субъектив томонининг зарурий белгиси ҳисобланади.

Мотив ўз-ўзидан жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланмайди, ammo жиноят мотивини исботлаш орқали айбдорнинг жиноят содир этишининг сабабини билиш имкони туғилади.

Мотив фақат қасддан содир этиладиган жиноятларда мавжуд бўлади. Эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятларда шахс жиноят оқибатига нисбатан янглишади, бироқ унда жиноят содир этишга аниқ интилиш бўлмайди. Эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятларда мавжуд бўлган мотивлар жиноят мотиви мақомига эга бўлмаган мотивлардир. Шу сабабли эҳтиётсизлик орқасида содир этиладиган жиноятлар таркибида мотив ҳақида гап бўлиши мумкин эмас⁸.

Ўзгалар мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш турли мотивларда содир этилиши мумкин: рашк, ҳасад, қасос, бошқа жиноятни яшириш истаги ва бошқалар. Ҳуқуқий адабиётларда таъкидланишича, мазкур жиноятнинг мотив ва мақсадлари ҳар хил бўлиши мумкин, бироқ безорилик мотиви бундан мустасно ҳисобланади⁹.

Бизнинг фикримизча, ўзганин мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказишда ғаразли ва бошқа паст ният (манфаатдор) мотивни ҳам инкор этиб бўлмайди, чунки суд амалиёти бундай мотивнинг мавжуд бўлиши мумкинлигини кўрсатади.

ЖК атамаларнинг ҳуқуқий маъноси мазмунига кўра ғаразгўйлик ниятлари деганда содир қилинган жиноятдан моддий ёки бошқача мулкий йўсиндаги фойда олиш ёхуд моддий харажатлардан қутулишга интилишда ифодаланган ният тушунилади.

ЖК 56-моддасига кўра мулкни nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш жиноятини айбдор ғаразли ёки бошқача паст ниятлар содир этиш жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жазо тайинлашда инobatта олинади, лекин мулкни nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват замири мотивида содир этиш 173-моддаси 2-қисм а) бандида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлиб, оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жазо тайинлашда ҳисобга олинмайди. Чунки жиноят-ҳуқуқий назарияга кўра, жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида нормада бевосита назарда тутилган ҳолат қайта (икки маротаба) инobatта олиниши мумкин эмас. Ирқий ёки миллий душманлик ёхуд адоват мотивида мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини оширувчи асосий элемент сифатида аллақачон жиноят таркибига "сингдирилганини" англатади.

Бундан ташқари, суд ҳукмлари таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ўзганин мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш ҳолатларида кенг тарқалган мотивлардан бири – бошқа жиноятни яшириш истаги ҳисобланади.

Масалан, "Фуқаро Д ўз жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттириб, 2019 йил 12 июль кунидан 13 июль кунига ўтар кечаси, танишлари А, Б, Д ва дастлабки тергов даврида шахси аниқланмаган номаълум шахслар билан ўзаро олдиндан жиноий тил бириктириб, Тошкент шаҳар Чилонзор тумани, Лутфий кўчаси, 11 Б-уйда жойлашган XXX МЧЖ томонидан ижарага олиниб, тадбиркорлик фаолияти юритиб келинган XXX номли озиқ-овқат дўконидида содир этган ўғрилиқ жиноятини мол-мулкни nobуд қилиш орқали яшириш мақсадида, XXXнинг иштирокчилигида, ташкилотчи XXX ўзи билан олиб келган полиэтилен идиш (бакалашка)ларга со-

линган бензин ёқилғи маҳсулотини XXX МЧЖга қарашли озиқ-овқат дўконининг ҳисоб-китоб қилиш столи устига ҳамда дўконнинг савдо расталарига селип, ёнида бўлган гугурт билан ёқиб, атрофдагилар учун хавфли усулда XXX МЧЖнинг мулкни қасддан nobуд қилиб, дўконнинг 40 м2 жой ва дўкон ичида бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг ёниши натижасида жамиятга жуда кўп миқдорда 1.476.013.958 сўм миқдорда моддий зарар етказишда иштирок этган.^{10*}

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги 9-сонли "Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида"ги қарорининг 7-бандига кўра "Айбдор ўзининг ҳаракатлари билан жамоат тартибини бузаётганлигини англаши лозим. Бунда мазкур хатти-ҳаракатлар билан жамоат тартибини бузиш ўртасида сабабий боғланиш бўлиши шарт. Сабабий боғланиш аниқланмаган ҳолда қилмиш шахсга ёки мулкка қарши қаратилган жиноят деб баҳолаши лозим."^{11*}

Кўп миқдорда зарар етказиш, бировнинг мулкни nobуд қилиш ёки унга шикаст етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган безорилик Жиноят кодекси 277-моддаси 2-қисмининг "э" банди билан қамраб олинади ва шунинг учун ҳам ушбу ҳолатни Жиноят кодексининг 173-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб қилинмайди. Худди шунингдек, безорилик оқибатида ўзганин мулкига шикаст етказиш ёки nobуд қилиш анча миқдорда зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, қилмишни Жиноят кодекси 277-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилинишининг ўзи kifоядир.

Шундай қилиб, ўзгалар мулкни қасддан nobуд қилиш ёки унга зарар етказиш жиноятининг субъектив томонини таҳлил қилиш нафақат жиноятнинг моҳиятини аниқлаш ва тўғри квалификация қилиш, шунингдек, тегишли жазо чораларини белгилаш учун муҳим аҳамиятга эга, балки жиноятнинг содир бўлиш сабабларини чуқур тушунишга ҳам имкон яратади.

Субъектив томон жиноят содир этилган шахснинг ички муносабати, қасд шакли ва ниятини, шунингдек, унинг хатти-ҳаракатларига психологик ва ижтимоий мотивларнинг таъсирини ўз ичига олади. Бу жиҳат жиноятнинг тўғри ёки эгри қасд билан содир этилганлигини аниқлаш, айбдорнинг хатти-ҳаракатларига боғлиқ оқибатларни баҳолаш, шунингдек, жиноятга бўлган шахсий ёндашувини тушуниш имконини беради.

Шунинг учун субъектив томоннинг пухта ўрганилиши жиноятга қарши профилактика чораларини самарали режалаштириш, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг хатти-ҳаракатларини йўналтириш ва мол-мулкни ишончли ҳимоя қилиш тизимини мустаҳкамлашда муҳим рол ўйнайди.

Асилбек ФАЙЗУЛЛАЕВ,

Тошкент давлат юридик университети мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. – Тошкент: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009. – Б. 160.
2. Алланова А.А. Қонунга хилоф равишда чет элга чиқиш ёки Ўзбекистон Республикасига кириш учун жавобгарлик: жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик муаммолар. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори илмий даражасини олиш учун тайёрланган диссертация. Тошкент-2020. 88 б.
3. Новосельцев С.П. Преступления с формальным составом в уголовном праве: Автореф. дисс. ... канд. юрид. наук. – Омск, 1998. – С. 18–19
4. Марцев А.И. Винаемость как признак преступления. // Актуальные проблемы борьбы с преступностью и правоприменительной практики. – Красноярск, 1999. – С. 42.
5. Jinoyat huquqi. (Umumiy qism) Darslik. Mas'ul muharrir: yu.f.f.d (PhD) X.Ochilov – T.: Adolat nashriyoti, 2020. 91 b.
6. Абдурашулова Қ.Р. Фирибгарликнинг жиноят ҳуқуқий муаммолари. Юрид.фан.номзоди...дисс. –Тошкент: 1996. -61 б.
7. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. Олий ўқув юртлари учун дарслик. М. Усмоналиев.—Т., "Янги аср авлоди", 2010, 217 бет.
8. Закирова У.А. Жиноят мотивига кўра қилмишни квалификация қилишнинг назарий ва амалий муаммолари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Тошкент – 2023. 20 б.
9. Российское уголовное право. Особенная часть / под ред. проф. А.И. Чучаева. – М.: КОНТРАКТ: ИНФРА-М, 2014. – С. 114
10. Jinoyat ishlari bo'yicha Uchtepa tuman sudining 2025-yil 29-yanvardagi hukmi// https://public.sud.uz/report/CRIMINAL
11. O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2002-yil 14-iyundagi 9-sonli "Bezorilikka oid ishlar bo'yicha sud amaliyoti haqida" gi qarori//https://lex.uz/docs/-1452654#-1452986

СУД БОСҚИЧИДА ЖИНОЯТ ИШИНИ ТЎХТАТИБ ТУРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада суд босқичида жиноят ишини кўришни тўхтатиш институтининг ҳуқуқий асослари, процессуал табиати ва ўзига хос хусусиятлари таҳлил қилинади. Шунингдек, мазкур институтни қўллашда учраётган муаммолар ўрганилиб, уни такомиллаштириш бўйича асосланган таклифлар илгари сурилади.

Калит сўзлар: жиноят процесси, суд босқичи, жиноят ишини кўришни тўхтатиш, процессуал қарор, суд назорати, процессуал кафолатлар.

Суд босқичида жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туриш деганда, қонунда назарда тутилган ҳолатларда суд процессини юритиш имконияти йўқлиги сабабли номаълум муддатгача бўладиган танаффус сифатида тушуниш мумкин.

Бу танаффус ишни тўхтатиб туриш тўғрисида ажрим чиқарилган пайтдан бошланади ва жиноят ишини қайта тиклаш тўғрисида қарор қабул қилиниши билан яқунланади.

Кодекс талабларига мувофиқ, дастлабки эшитувни ўтказиш жараёнида ҳамда суд муҳокамаси даврида жиноят ишини кўришни тўхтатишнинг асосларини кенгайтириш мумкин эмас. Яъни, кодексда белгиланганидан бошқа асосларга кўра жиноят ишини тўхтатиш ноқонуний бўлади.

Амалдаги нормаларнинг мавжуд таҳрири иш юритишни тўхтатиб туриш асосларини суд амалиётида бир хил талқин қилиш ва қўллашни тўлиқ таъминлай олмаётгани, натижада турлича ёндашувлар ва айрим номувофиқликлар юзага келаётганлигини кўрсатади.

Шу сабабдан мазкур институтни тартибга соладиган нормалардаги айрим номувофиқликларни таҳлил қилсак.

Эътибор қаратиш лозим бўлган муҳим жиҳат шундаки, жиноят иши бўйича дастлабки эшитувни ўтказиш жараёнида айбланувчининг суд мажлисида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли касалликка чалинганлиги фақат суд-тиббий экспертиза хулосаси билан тасдиқланган тақдирдагина суд иш юритишни айбланувчи соғайгунига қадар тўхтатиб туриш тўғрисида ажрим чиқаради.

Бироқ ЖПКнинг 420-моддасида судланувчининг судга келиш имкониятини истисно этадиган руҳий ҳолат бузилиши ёки бошқа оғир касаллик мавжуд бўлган тақдирда ишни тўхтатиш назарда тутилган бўлса-да, ушбу ҳолатларнинг қай тартибда тасдиқланиши лозимлиги тўғрисида аниқ талаб белгиланмаган.

Бундан ташқари, Кодексда қўлланилган “бошқа оғир касаллик” тушунчаси мазмунан очиб берилмаганлиги сабабли унинг ҳуқуқий мазмуни ноаниқлигича қолмоқда. Амалиётда қайси касалликни “оғир касаллик” деб баҳолаш ва айниқса, унинг қайси белгилари судланувчининг суд мажлисида иштирок этиш имкониятини истисно этаётганлигини аниқлаш масаласи турлича талқин қилиниши мумкин.

Шунингдек, тиббий муассасадан судланувчининг “сил касаллиги”нинг очик шакли ёки “сарик касаллиги” билан касаллангани ҳақида маълумот тақдим этилган бўлса-да, унинг ҳаракатланиш эркинлиги чекланмаганлиги сабабли суд муҳокамасига жалб қилиниши ва процесс давом эттирилиши мумкин. Бироқ, бундай ҳолатда суд процессининг бошқа иштирокчилари соғлиғига жиддий хавф туғилиши эҳтимоли мавжуд.

Агар судья фақат тиббий маълумотномага таяниб иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилса, бу ҳолат ишнинг ҳақиқий ҳолатидан тўлиқ хабардор бўлмаган бошқа иштирокчиларнинг эътирозларига сабаб бўлиши мумкин.

Шу тариқа, иш юритишни тўхтатиб туришга асос бўлувчи касаллик мезонларини белгилашда аниқ ва ягона ёндашув мавжуд эмаслиги кўзатилади. Гарчи қонунчиликда касалликнинг “оғирлиги”га ишора қилин-

ган бўлса-да, мазкур тушунчанинг ҳуқуқий мазмуни бирорта норматив ҳужжатда очиб берилмаган.

Маълумки, Жиноят-процессуал кодекси талабларига кўра, қарор қабул қилиш учун асос бўлувчи ҳолатлар ишончли ва етарли далиллар мажмуаси билан тасдиқланган бўлиши шарт. Бироқ юқоридаги ҳолатлар амалда иш юритишни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор қабул қилишда нафақат процессуал далилларга, балки процессуал бўлмаган ахборотларга ҳам таянилаётганлигини кўрсатади.

Бизнинг фикримизча, шахсда муайян касаллик мавжудлигини тасдиқловчи ҳар қандай ҳужжатни иш юритишни тўхтатиб туриш учун етарли асос сифатида қабул қилиш мақсадга мувофиқ эмас. Хусусан, тиббий маълумотнома, бош шифокор томонидан берилган хат, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси ёки стационар даволанишни тасдиқловчи ҳужжатлар ўз-ўзидан бундай қарор қабул қилиш учун етарли бўлмаслиги лозим.

Бунинг асосий сабаби шундаки, мазкур ҳужжатларда суд учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муҳим, яъни – жиноят иши юритилаётган шахс ўз соғлиғи ҳолатига кўра суд муҳокамасида иштирок этиши мумкинми ёки мумкин эмасми? – деган саволга аниқ жавоб берилмайди.

Шу боис иш юритишни тўхтатиб туриш масаласини ҳал этишда касалликнинг мавжудлиги эмас, балки айнан – ушбу касаллик шахснинг процессуал ҳаракатларда иштирок этиш имкониятини истисно этадими-йўқми? – деган ҳолат ҳал қилувчи аҳамият касб этиши лозим.

Россия Федерациясининг ЖПК 238-моддасига мувофиқ “айбланувчининг оғир касаллиги тиббий хулоса билан тасдиқланган бўлса” жиноят иши тўхтатилиши мумкин¹.

Белоруссия ЖПКнинг 280-моддасига мувофиқ “айбланувчининг вақтинчалик руҳий бузилиши (касаллиги) ёки унинг процессуал ҳаракатларда иштирок этишига тўсқинлик қилувчи бошқа касаллиги давлат соғлиқни сақлаш ташкилотидан ишловчи шифокор томонидан тасдиқланган бўлса” иш тўхтатилади².

Қозғистон Республикаси ЖПКнинг 45-моддасига мувофиқ “судланувчининг вақтинчалик руҳий ҳолати бузилиши ёки бошқа оғир касаллиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тасдиқланган тақдирда” иш тўхтатилиши белиланган³.

Кўриб турганимиздек, ҳуқуқ тизими бизга яқин бўлган давлатларда судланувчининг “оғир касаллик”ка чалинганини тасдиқлаш бўйича турли хил бўлса-да, муайян тартиб жорий этилган.

Суд босқичида жиноят иши бўйича иш юритишни тўхтатиб туришнинг иккинчи асоси – судланувчининг яширинган бўлишидир.

Айни пайтда, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида мазкур асос анча кенгрок ифодаланган. Хусусан, ЖПКнинг 364-моддасига мувофиқ, айбланувчининг қаердалиги номаълум бўлган ёки у Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиб кетган ва уни терговга жалб этиш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда иш юритишни тўхтатиб туриш мумкинлиги белгиланган.

Шу нуқтаи назардан, ЖПКнинг 405⁷ ва 420-моддаларида иш юритишни тўхтатиб туриш фақат судланувчининг айнан “яширинганлиги”

билан боғлаб қўйилганлиги қанчалик мақсадга мувофиқ эканлигини қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, суд босқичида судланувчининг қасддан яширинганлигини исботлаш ҳар доим ҳам осон эмас. Чунки, у қасддан яширинмаган, балки турли объектив сабабларга кўра (масалан, яшаш жойини ўзгартиргани, хорижга даволаниш ёки сафарга чиққанлиги) суд мажлисида иштирок этмаётган бўлиши мумкин.

Бундан ташқари, ЖПКнинг 61-боби (565–581-моддалар)да тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш тўғрисидаги ишларни юришти тартиби белгиланган.

Мазкур боб мазмунидан келиб чиқиб, жиноят содир этганидан сўнг руҳий ҳолати бузилган шахслар, шунингдек ижтимоий хавfli қилмишни ақли норасолик ҳолатида содир этган шахсларга нисбатан қатор муҳим ҳолатларни аниқлаш талаб этилади. Жумладан, шахснинг кейинги ҳулқ-атвори унинг ўзи ва атрофдагилар учун хавф туғдириш-туғдирмаслиги, унинг даволанишга муҳтожлиги, тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш зарурати ва уларнинг тури каби масалалар ҳал қилиниши лозим.

Ушбу ҳолатларни исботлаш мақсадида суд-психиатрия экспертизаси тайинланади ва унинг доирасида куйидаги масалаларга аниқлик киритилади: шахснинг қилмиш содир этган пайтдаги руҳий ҳолати, унинг ҳаракатларининг аҳамиятини англаш ва бошқариш қобилияти, ҳозирги руҳий ҳолати жазонинг тарбиявий таъсирига тўсқинлик қилувчи даражада бузилган-бузилмагани, мазкур ҳолатнинг сурункалиги ёки вақтинчалиги, шахснинг янги ижтимоий хавfli қилмиш содир этиш эҳтимоли, шунингдек унинг тергов ва суд ҳаракатларида иштирок этиш қобилияти каби масалалар.

Демак, 61-боб нормалари асосан, шахснинг ақли норасолиги ёки руҳий ҳолати бузилганлиги муносабати билан унга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини қўллаш масаласини ҳал этишга қаратилган.

Бироқ, ушбу бобдаги 569-модда мазмунан бошқача ҳуқуқий муносабатни ҳам қамраб олади. Хусусан, унга кўра, агар гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг руҳий ҳолати бузилганлиги ёки бошқа оғир касаллиги амбулатория экспертизаси хулосаси ёки бошқа тиббий ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиб, унинг аниқ ташхисини белгилаш, ақли расолиги ва муомалага лаёқатлиги масалаларини ҳал этиш, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини танлаш мақсадида стационар экспертиза ўтказилаётган бўлса, шахс тиббий муассасага жойлаштирилган даврда, агар бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказишга зарурат бўлмаса, иш юришти тартиби тўхтатиб туриш мумкинлиги назарда тутилган.

Шундай қилиб, мазкур норма суриштирув, дастлабки тергов ва суд босқичларида шахснинг нафақат руҳий ҳолати, балки "бошқа оғир касаллик" ҳолатларида ҳам стационар экспертиза ўтказиш имкониятини тан олади ҳамда ушбу даврда иш юришти тартиби тўхтатиб туришга ҳуқуқий асос яратади.

Суриштирув, дастлабки тергов жараёнида ёки бўлмаса суд босқичида гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг қандай касалликка дучор бўлганлигини ҳал этиш, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини танлаш учун стационар экспертиза ўтказилаётган бўлса, шахс тиббий муассасага жойлаштирилган даврда, башарти бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказишга ҳожат бўлмаса ишни юришти тартиби тўхтатиб туриш мумкинми?

Суриштирув ва дастлабки терговни тўхтатиш асоси ва тартиби белгиланган 364-моддада шахс тиббий муассасага жойлаштирилган даврда, башарти бошқа процессуал ҳаракатларни ўтказишга ҳожат бўлмаса ишни юришти тартиби тўхтатиб туриш асоси кўрсатилмаган. ЖПК 366-моддаси талабларига мувофиқ суд-тиббий эксперти ёки психиатр-эксперт айбланувчининг касалини жиноят ишини юриштида иштирок этишини истисно этадиган оғир ва давомли, лекин даволаб бўладиган касаллик деб топса, иш бўйича дастлабки тергов айбланувчи соғайгунга қадар тўхтатилиши кўрсатилган.

Худди шундай, суд босқичини тартибга солувчи ЖПКнинг 420-моддасида ҳам иш юришти тартиби тўхтатиб туришнинг мазкур ҳолати алоҳида асос сифатида кўрсатилмаган.

Бироқ, ЖПКнинг 569-моддасини тўғридан-тўғри талқин қилганда, стационар экспертиза ўтказилиши муносабати билан шахс тиббий муассасага жойлаштирилган даврда, агар бошқа процессуал ҳаракатларни амалга оширишга зарурат бўлмаса, иш юришти тартиби тўхтатиб туриш мумкинлиги инкор этилмайди.

Амалдаги ҳуқуқни қўллаш амалиётига кўра, суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида жиноят иши бўйича иш юришти тартиби тўхтатиб туриш ЖПКнинг 364-моддаси талаблари асосида, суд босқичида эса 405⁷ ёки 420-моддаси талабларига мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди маълумотларига кўра, судлар томонидан ЖПКнинг 420-моддаси асосида 2023 йилда 1471 та, 2024 йилда 1515 та ва 2025 йилда 1576 та жиноят ишлари тўхтатилган бўлса, 405⁷-моддаси тартибида мос равишда 2023 йилда 13 та, 2024 ва 2025 йилларда 10 тадан жиноят иш тўхтатилган бўлса, ЖПКнинг 569-моддаси асосида жиноят иши тўхтатилмаган⁴.

Ушбу статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, амалда ҳуқуқни қўллашчи органлар томонидан ЖПКнинг 569-моддасида назарда тутилган асос билан жиноят ишини тўхтатиш деярли қўлланилмаяпти.

Юқорида келтирилган мулоҳазаларни умумлаштириб, суд босқичида жиноят иши бўйича иш юришти тартиби тўхтатиб туриш асосларини ҳуқуқий тартибга солишда мавжуд зиддиятларни бартараф этиш мақсадида ЖПКга қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Жумладан, ЖПКнинг 420-моддаси 1-қисмини куйидаги тахрирда баён этиш таклиф этилади: "Агар судланувчи яширинган бўлса ёки унинг турган жойи бошқа сабабларга кўра аниқланмаган бўлса, шунингдек унинг судга келишига тўсқинлик қилувчи руҳий ҳолати бузилганлиги ёки бошқа оғир касалликка чалинганлиги тиббий хулоса ёки суд-тиббий экспертиза хулосаси билан тасдиқланган бўлса, суд мазкур судланувчига нисбатан иш юришти тартиби тўхтатади ...".

Шу билан бирга, мазкур моддани қўшимча норма билан тўлдириш лозим. Унга кўра, агар судланувчининг руҳий ҳолати бузилганлиги ёки бошқа оғир касаллиги амбулатория экспертизаси хулосаси ёки бошқа тиббий ҳужжатлар билан дастлаб тасдиқланган бўлиб, касалликнинг хусусиятини аниқлаш, шахснинг ақли расолиги ва муомалага лаёқатлиги масалаларини ҳал этиш, шунингдек тиббий йўсиндаги мажбурлов чорасини танлаш мақсадида стационар экспертиза ўтказилаётган бўлса, шахс тиббий муассасага жойлаштирилган даврда, агар бошқа процессуал ҳаракатларни амалга ошириш зарурати бўлмаса, иш юришти тартиби тўхтатиб туриш мумкинлиги белгиланиши керак.

Мазкур асосни суриштирув ва дастлабки тергов босқичларида жиноят ишини тўхтатиб туриш тартибини белгиловчи ЖПКнинг 364-моддасига ҳам киритиш мақсадга мувофиқ.

Таклиф этилаётган мазкур ўзгартиш ва қўшимчаларни ЖПКга киритиш амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликдаги мавжуд ҳуқуқий ноаниқлик ва зиддиятларни бартараф этишга хизмат қилади. Натижада жиноят иши бўйича иш юришти тартиби тўхтатиб туриш ҳақида қарорлар қабул қилиш амалиётида яқдиллик ва ҳуқуқни бир хилда қўллаш таъминланади.

Шерзод ТУХТАШЕВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. "Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации" от 18.12.2001 N 174-ФЗ (ред. от 08.03.2026).
2. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Беларусь от 16 июля 1999 г. № 295-З – Национальный правовой Интернет-портал Республики Беларусь.
3. Уголовно-процессуальный кодекс Республики Казахстан от 4 июля 2014 года № 231-V ЗРК.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан тақдим этилган маълумотнома.

ВОЯГА ЕТМАГАН ГУМОН ҚИЛИНУВЧИ ВА АЙБЛАНУВЧИЛАРНИНГ ҲУҚУҚЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ

Ишни судга қадар юритиш босқичи жиноят процессида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиб, айнан ушбу босқичда вояга етмаган шахсга нисбатан қўлланиладиган процессуал мақом, чекловлар ва кафолатлар кейинги суд муҳокамасининг мазмунини белгилаб беради. Ишни судга қадар юритиш босқичи жиноят ишлари юритувида вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлаш нуқтаи назаридан ҳал қилувчи босқич ҳисобланади. Айнан шу босқичда жиноят иши бўйича асосий далиллар шаклланади, шахснинг процессуал мақоми белгиланади ҳамда кейинги суд муҳокамасининг мазмунига бевосита таъсир этувчи қарорлар қабул қилинади. Шу боис судга қадар босқичда вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини таҳлил қилиш мустақил илмий аҳамиятга эга.

Вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлаш манбалари функциясига кўра куйидагича таснифланади:

1. Норматив-кафолатловчи (ҳуқуқ ва мажбуриятларни белгилайди).
2. Институционал (ваколатли органлар тизимини белгилайди).
3. Процессуал (иш юритиш тартибини белгилайди).
4. Ҳимоявий (реактив) (жавобгарлик ва компенсация механизмлари).
5. Профилактик ва ижтимоий-қўллаб-қувватловчи.

Ишни судга қадар юритиш босқичида вояга етмаган шахс гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи ёки гувоҳ сифатида иштирок этиши мумкин. Ҳар бир ҳолатда унинг процессуал ҳуқуқлари, умумий тартибда белгиланган бўлса-да, ёш ва ривожланиш хусусиятлари туфайли ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш махсус кафолатларни талаб этади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 79-моддасига мувофиқ, давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради.

Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”, “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида” Қонунлари вояга етмаганларнинг барча ҳуқуқлари, шу жумладан жиноят ишлари юритувида ҳимоя қилишнинг яхлит тизимини ташкил қилади.

Жумладан, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг 11¹-моддасига мувофиқ, давлат судга қадар иш юритиш ва суд муҳокамасининг барча босқичларида болаларнинг қонунчиликда белгиланган барча процессуал ҳуқуқларига риоя этилиши ҳамда бу ҳуқуқлар кафолатларининг таъминланиши бўйича чоралар кўради.

Вояга етмаган гумонланувчи (айбланувчи)нинг мазкур ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқларини таъминлаш куйидагилар мажмуаси сифатида намоён бўлади: норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ифодаланган юридик нормалар ва принциплар (умумий қоидалар, моделлар, намунавий андозалар), шунингдек, индивидуал ҳуқуқий кўрсатмалар мажмуаси; юридик нормалар ва принципларни белгиладиган ҳамда амалга оширадиган ҳуқуқий институтлар — ҳуқуқ ижодкорлиги ва ҳуқуқни қўллаш органлари мажмуаси; ҳуқуқий қарашлар, ғоялар ва тасаввурлар йиғиндиси; шу билан бирга динамик жиҳатда — ҳуқуқ ижодкорлиги, ҳуқуқни қўллаш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилишни амалга оширадиган давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахслари фаолияти¹.

ЖПК ишни судга қадар юритиш босқичида вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қатор нормаларни ўз ичига олади. Жумладан:

- исботлашнинг махсус предмети;
- процесс иштирокчиларининг махсус доираси (вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан адвокат иштирокининг мажбурийлиги);
- қонуний вакилнинг жалб этилиши (сўроқларда педагог ёки психолог иштирокини таъминлаш имконияти, вояга етмаганлар ўқиган ёки ишлаган қорхона, муассасани, ташкилотни, болалар масалалари бўйича комиссия вакили);
- процессуал мажбурият чораларини қўллашнинг ўзига хос хусусиятлари (вояга етмаган шахсни қаровга топшириш, болалар муассасасига жойлашти-

риш, вояга етмаган айбланувчини қамоққа олиш ёки уй қамоғига жойлаштиришнинг махсус шартлари);

вояга етмаганларнинг, манфаатларини ҳимоя қилиш учун фуқаровий даъво уларнинг қонуний вакиллари ва прокурор томонидан қўзғатилиши мумкинлиги; вояга етмаган гувоҳни ёки жабрланувчини сўроқ қилишнинг қисқартирилган муддатлари.

Мазкур нормаларнинг мавжудлиги қонунчиликнинг вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш йўналишида ривожланаётганидан далолат берса-да, уларнинг аксарияти ҳуқуқларнинг амалий таъминланиш механизмларини етарли даражада очиб бермаслигини алоҳида таъкидлаш зарур.

Жиноят процессида шахсни гумон қилинувчи деб топишнинг аниқ механизмлари яратилмаганлиги, амалдаги тартиб пайдо бўладиган гумоннинг асослилигини аниқ белгиламаслиги, жиноят процесси иштирокчиси сифатида гумон қилинувчининг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш имкониятлари чегараланишига сабаб бўлган².

Тадқиқот шуни кўрсатадики, ишни судга қадар юритишда вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлаш асосан формал-ҳимоявий ёндашув доирасида амалга оширилади. Бунда асосий эътибор қонуний вакил, педагог ёки адвокат иштирокига қаратилган бўлиб, вояга етмаганнинг шахсий процессуал субъектлиги иккинчи даражага сурилади.

Жиноят суд иш юритувида вояга етмаган гумонланувчи (айбланувчи)нинг ҳуқуқларини таъминлаш учун фақат норматив қоидаларнинг мавжудлиги ёки фақат ваколатли шахсларнинг уларнинг ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган фаолиятининг ўзи етарли эмас. Буларнинг барчаси ўзаро уйғунликда амалга оширилиши лозим. Ана шундагина суд иш юритуви тизимига жалб этилган вояга етмаган шахснинг ҳуқуқларини энг юқори даражада таъминлаши мумкин бўлади³.

Натижада, қонунчиликда белгиланган ҳуқуқлар вояга етмаганга тушунтирилган, деб ҳисобланади. Унинг ҳуқуқларни реал англаши ва фойдаланиши эса текширилмайди, процессуал қарорлар қабул қилишда унинг шахсий позицияси етарлича инобатга олинмайди.

Вояга етмаганлар иштирокидаги жиноят ишларини дастлабки тергов қилишни тартибга солувчи қонунчиликдаги айрим бўшлиқларнинг мавжудлиги мазкур тоифадаги гумонланувчи ва айбланувчиларнинг ҳуқуқий ҳимояси самарадорлигини оширишга хизмат қилмайди⁴.

Бу ҳолат ишни судга қадар юритишда вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлашда чекланган процессуал автономия концепциясининг етарлича татбиқ этилмаётганини кўрсатади.

Халқаро стандартларда судга қадар иш юритиш босқичида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини таъминлашда асосий эътибор уларнинг ҳуқуқларни англаш даражасига, эркин ва онгли иштирокини таъминлашга, руҳий босимдан ҳоли муҳит яратишга қаратилган.

Миллий қонунчиликда эса мазкур ёндашувлар тўлиқ акс этмаган. Ишни судга қадар юритишда процессуал ҳаракатлар кўп ҳолларда катта ёшдаги шахсларга мўлжалланган тартибда ўтказилиб, вояга етмаган шахс ушбу жараёнга мослашишга мажбур бўлмоқда.

Юқоридаги таҳлил асосида хулоса қилиш мумкинки, ишни судга қадар юритиш босқичида вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини таъмин-

лашнинг ҳуқуқий асослари миллий қонунчиликда мавжуд бўлса-да, улар тизимли эмас, амалий механизмлар билан етарлича таъминланмаган, вояга етмаганнинг процессуал субъектлигини тўлиқ очиб бермайди.

Шу боис мазкур босқичда ҳуқуқларни таъминлашни такомиллаштириш учун ҳуқуқларни тушунтириш ва англаш даражасини баҳолаш, вояга етмаганнинг шахсий позициясини ҳисобга олиш, институционал иштирокчилар ролини қайта кўриб чиқиш каби йўналишларда қонунчилик ва амалиётни ривожлантириш зарур.

Бундан ташқари, ишни судга қадар юритишда гумон қилинувчи (айбланувчи) вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлаш масаласи фақат умумий ҳимоя кафолатлари билан чекланиб қолмай, махсус ҳуқуқий механизмлар орқали таъминланиши лозим.

Жиноят содир этилганда 18 ёшга тўлмаган шахс жиноят иши кўзгатишдан пайтдан бошлаб гумон қилинувчи (айбланувчи) сифатида махсус процессуал мақомга эга бўлади. Ушбу мақом куйидаги хусусиятлар билан тавсифланади:

судланувчи вояга етмаган шахс қонун олдида тўлиқ жавобгарликка тортилаётган субъект, бироқ унинг ёши сабабли процессуал қобилияти чекланган; у билан боғлиқ ҳар қандай процессуал ҳаракат боланинг руҳий ва ижтимоий ривожланишига таъсири нуқтаи назаридан баҳолалиши шарт;

процессуал мажбурлов чоралари фақат истисно тариқасида қўлланилиши лозим.

Шу нуқтаи назардан, судланувчи вояга етмаганнинг ишни судга қадар юритиш босқичидаги процессуал мақоми катталарниқидан фарқли равишда ҳимояга йўналтирилган бўлиши талаб этилади.

Вояга етмаганнинг энг асосий процессуал ҳуқуқларидан бири — ҳимоя ҳуқуқи ҳисобланади. Ушбу ҳуқуқ судга қадар босқичда куйидаги элементларни қамраб олади:

айблов мазмунини тушуниш ҳуқуқи;

сукут сақлаш ҳуқуқи;

адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқи;

қонуний вакил иштирокида ҳимояланиш ҳуқуқи.

Вояга етмаганларга нисбатан ҳимоя ҳуқуқи формал эмас, балки реал таъминланиши лозим. Бу дегани, адвокатнинг фақат процессуал ҳужжатларда қайд этилиши етарли эмас, балки у илк процессуал ҳаракатлардан бошлаб фаол иштирок этиши керак.

Ишни судга қадар юритиш амалиётида эса ҳимоя ҳуқуқи кўп ҳолларда кеч жалб этилган адвокат, формал қонуний вакил иштироки билан чекланиб қолаётгани кузатилади. Бу ҳолат судланувчи вояга етмаганнинг айбловга қарши самарали ҳимоя қилиш имкониятларини сезиларли даражада чеклайди.

Судга қадар иш юритишда вояга етмаганларга нисбатан қўлланиладиган эҳтиёт чоралари уларнинг эркинлик ҳуқуқига бевосита дахл қилади. Шу сабабли, уларни танлашда мутаносиблик принципи ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Мутаносиблик куйидагиларни англатади:

эҳтиёт чораси жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига мос бўлиши; шахснинг ёши, индивидуал хусусиятлари ва ижтимоий муҳити инобатга олиниши;

озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ чоралар охириги чора сифатида қўлланилиши.

Судланувчи вояга етмаганларга нисбатан қамоққа олиш ёки уй қамоғи каби чораларни қўллашдан олдин муқобил чораларни муҳокама қилиш судга қадар органлар учун мажбурий ҳисобланиши керак. Бироқ амалиётда эҳтиёт чоралари кўп ҳолларда стандарт асосда танланиб, уларнинг болага таъсири чуқур таҳлил қилинмайди.

Вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқларини таъминлашда муҳим ўрин тутадиган институтлардан бири — ижтимоий ҳисобот ҳисобланади. Унинг моҳияти вояга етмаган шахснинг оилавий аҳоли, таълим ва меҳнат билан бандлиги, ижтимоий муҳити, қизиқишлари ҳамда тарбия шароити каби омилларни комплекс ўрганишдан иборат.

Ижтимоий ҳисобот судга қадар босқичда тайёрланиши ва айблов, эҳтиёт чоралари ҳамда кейинги жазо сийёсати таъсир кўрсатиши лозим. Бироқ миллий амалиётда ижтимоий ҳисобот кўп ҳолларда ё мавжуд эмас, ёки формал маълумотлар йиғиндиси сифатида қолмоқда.

Бу эса вояга етмаган судланувчига нисбатан индивидуал ёндашув принципининг бузилишига олиб келади.

Ишни судга қадар юритишда вояга етмаган судланувчига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ чоралар (қамоққа олиш) истисно ҳолларда қўлланилиши керак. Ушбу талаб боланинг руҳий ривожланишига салбий таъсири, стигматизация хавфи, қайта ижтимоийлашув имкониятларининг чекланиши каби омиллар билан асосланади.

Шу нуқтаи назардан, судга қадар босқичда қамоққа олишни танлашда суд ва тергов органлари айниқса юқори даражада асослантириш мажбуриятига эга бўлади. Амалиётда эса бундай асослантириш кўп ҳолларда умумий иборалар билан чекланади.

Вояга етмаганларнинг процессуал ҳуқуқлари қонунчилик даражасида белгиланган бўлса-да, уларнинг амалда таъминланиши кўп ҳолларда формал тусга эга.

Асосий муаммолар:

ҳимоя ҳуқуқининг кеч таъминланиши;

эҳтиёт чораларида мутаносибликнинг инкор этилиши;

ижтимоий ҳисобот институтининг ишламаслиги;

жазо чораларининг истисно эмас, стандарт сифатида қўлланилиши билан боғлиқ.

Бинобарин, вояга етмаган гумонланувчи (айбланувчи)ларнинг процессуал ҳуқуқларини амалга ошириш учун уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитларни таъминловчи усул ва омиллардан иборат яхлит механизм мавжуд бўлиши лозим.

Мазкур механизм куйидагиларни ўз ичига олиши керак:

ҳуқуқлар ҳақида хабардор қилиш ва уларни тушунтириш;

ҳуқуқларни бузилишдан муҳофаза қилиш;

ҳуқуқларни ҳимоя қилиш;

бузилган ҳуқуқларни тиклаш;

ҳуқуқларни тўлиқ амалга ошириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш.

Демак, вояга етмаган гумонланувчи (айбланувчи)нинг ҳуқуқларини таъминлаш механизми кўп босқичли ва комплекс характерга эга бўлиб, у фақат норматив кафолатлар билан эмас, балки институционал, процессуал ва ижтимоий-психологик омиллар уйғунлиги орқали амалга оширилади. Мазкур механизмнинг самарадорлиги унинг барча элементлари ўзаро боғлиқ ҳолда ишлашига боғлиқ.

Жўрабек ТОЖИЕВ,

*Одил судлов академияси мустақил изланувчиси,
жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди судьяси.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Лысенко В.А. Правовые нормы и правоотношения в деятельности органов внутренних дел : дис. ... канд. юрид. наук : 12.00.01 / В.А. Лысенко. — М., 2006. — 177 с.
2. Мавланов К.Т. Жиноят процессида гумон қилинувчининг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатлари. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати -Т. 2021. 14-б.
3. Столбина Л.В., Озеров И.Н., Северин Н.Н., Домрачёва Е.Ю. Обеспечение прав несовершеннолетних подозреваемых (обвиняемых) в статических и динамических аспектах // Всероссийский криминологический журнал. 2017. №1. URL: <https://cyberleninka.ru/article/n/obespechenie-prav-nesovershennoletnih-podozrevaemyh-obvinyаемых-v-staticeskikh-i-dinamicheskikh-aspektah> (дата обращения: 25.02.2026).
4. Абаев Н.Б. К вопросу обеспечения прав несовершеннолетних в ходе предварительного расследования // Проблемы в российском законодательстве. - 2023. - Т. 16. - №4. - 218-222 б.

ДАЛИЛ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада “далил” тушунчасига берилган назарий-ҳуқуқий асослар таҳлил қилинган. Турли олимлар томонидан берилган таърифлар асосида далил тушунчасининг моҳияти, унинг ҳуқуқий белгилари ва назарий жиҳатлари очиқ берилган. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидаги “далил” тушунчасига берилган таъриф ва олимларнинг ушбу тушунчага берган назарий фикрлари муаллиф томонидан таҳлил қилиниб, “далил” тушунчаси бўйича ўз фикри ёритилган.

Калит сўзлар: далил, ижтимоий ҳавфли қилмиш, айб, ашёвий далил, фактик маълумот, далилнинг мақбуллиги.

Маълумки, жиноят иши бўйича далилларнинг ҳуқуқий таърифи ЖПКнинг 81-моддасида белгиланган. Унга кўра, “ижтимоий ҳавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчининг, терговчининг ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади”.

Бундай маълумотлар гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчининг кўрсатувлари, экспертнинг хулосаси, ашёвий далиллар, овозли ёзувлар, видеоёзувлар, кинотасвир ва фотосуратлардан иборат материаллар, тергов ва суд ҳаракатларининг баённомалари ва бошқа ҳужжатлар билан аниқланади.

Баъзи бир олимларнинг фикрича, далиллар таърифи қонун чиқарувчи томонидан ушбу модданинг биринчи қисмида берилган бўлиб, улар фақат ҳақиқий маълумотларнигина англатади;

мазкур модданинг иккинчи қисмида, уларнинг таъкидлашлари-ча, далил манбаларининг тўлиқ рўйхати, яъни оғзаки, ёзма, шахсий ва ашёвий далиллар берилган бўлиб, қонун улардан шундай маълумотларни олишга йўл қўяди. Бошқа олимлар эса далилларни “икки хил” деб аталадиган тушунишдан келиб чиқади. Улар, биринчидан, ЖПКнинг 81-моддаси 1-қисмида айtilган ҳақиқий маълумотларни одатда фактлар деб аташади ҳамда иккинчидан, ушбу модданинг 2-қисмида санаб ўтилган манбаларни далил деб ҳисоблайдилар, яъни улардан иш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек ушбу ҳолатлар аниқланадиган маълумотлар ажратиб олинади.

Ўтган асрнинг тахминан 50 йиллари охиридан бошлаб, далилларни ҳақиқий маълумотлар ҳамда улар манбаининг, яъни ушбу маълумотлар моддий ташувчисининг узвий бирлиги сифатида тушуниш шакллана бошлади. Ушбу қарашнинг тарафдорлари ҳам ЖПК 81-моддасининг бутун мазмунини далиллар тушунчасини таърифлаш деб талқин қила бошладилар. Зеро, бундай ёндашувни ҳозирги пайтда кўпчилик олимларимиз қўлламоқда. Бунинг учун эса маълум асослар мавжуд. Ҳақиқий маълумотлар ЖПКнинг 81-моддаси 2-қисмида айtilган манбалардан ҳар қайси бирида уларнинг узвий бирлигида бўлиши, сақланиши, узатилиши ва тадқиқ этилиши мумкин. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд томонидан олинадиган бу – ҳақиқий маълумотлар ўзининг мазмунига кўра, содир этилган ҳодиса ёки у билан боғлиқ бўлган ҳолатлар хусусида хилма-хил бўлиши мумкин.

Улар одамларнинг ҳатти-ҳаракатлари, масалан, ўқотар қуролни, захарни сотиб олиш, куч ишлатиш ва шу кабилар, шунингдек жисмоний ва руҳий ҳолати, масалан, жиноят содир этилган пайтда шахснинг мастлик ҳолати, жабрланувчининг хулқ-атвори ва ҳоказолар, тўғрисидаги маълумотлар бўлиши мумкин. Бундан ташқари, булар жиноятнинг ҳақиқий ҳолатларини аниқлаш учун муҳим бўлган табиат ҳодисалари,

масалан, сувнинг ҳарорати ва бошқалар тўғрисидаги маълумотлар ҳам бўлиши мумкин. Маълумки, муайян манбада бўлган, ўз-ўзидан олинган маълумотларни жиноят иши юзасидан далил сифатида ҳисоблаш мумкин эмас. Маълумотлар далил сифатида ҳисобланиши учун албатта шундай бир юридик сифатларга эга бўлиши керакки, бу сифатлар, одатда ишга алоқадорлик ва мақбуллик деб аталади.

Далилларнинг ишга алоқадорлиги – бу уларнинг сифати бўлиб, унга биноан далиллар исботлаш предметига кирадиган ҳолатларни, шунингдек жиноят ишини тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга эга бўлган бошқа ҳолатларни аниқлашга ёки рад этишга, шубҳа остига олишга қодир бўлади. Агар далил кўрилатган ишга тааллуқли бўлса, у ишга алоқадор деб ҳисобланади. Ҳақиқий маълумотлар жиноят турларидан бири бўйича ишга алоқадор бўлиб, бошқаси бўйича эса ишга алоқадор бўлмаслиги ҳам мумкин. Маълумки, безорилик содир этилганда, иш учун об-ҳавонинг ҳолати аҳамиятга эга эмас, аммо транспорт ҳодисаси содир этилганда, йўлнинг кўриниши, автоулов тезлигини камайтириш имконияти ва шу кабиларни аниқлашда у ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

Зеро, далиллар жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги хулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилади. Далилнинг ишга алоқадорлиги кўрилатган иш ҳолатлари билан боғлиқлигига кўра белгиланса, далилларнинг мақбуллиги эса қонун билан белгиланади. Қонун фактлар тўғрисидаги маълумотлардан, қайси манбалардан далил сифатида фойдаланиш мумкинлигини белгилаб беради. Унга кўра, далилларнинг мақбуллиги қуйидагиларни: маълумотларнинг келиб чиқишини билиш ҳамда уларни текшириш имконияти, ушбу маълумотлар тўғрисида хабар бераётган шахс томонидан уларни қабул қилиш имконияти, исбот қилишнинг ҳам умумий қоидаларига, ҳам муайян турдаги ахборотни тўплаш ва қайд этиш қоидаларига риоя этиш, процесснинг муайян босқичини тартибга соладиган ҳамда жиноят ишини юритаётган шахснинг ваколатларини белгилайдиган қоидаларга риоя этишни назарда тутди.

Қонунда белгиланмаган манбалардан олинган далиллардан фойдаланишга йўл қўйилмайди (ЖПКнинг 81-м. 2-қ.). Миш-мишлар, тахминлар текширилгунига ҳамда процессуал ҳаракатлар йўли билан тасдиқлангунига қадар тахминий хусусиятгагина эга бўлади ва улар муайян тахминларни, далиллар жойлашган жойни ва шу кабиларни кўрсатиши мумкин. Жиноят процессининг мақсадларига, яъни жиноят содир этган ҳар бир шахсга адолатли жазо берилиши ҳамда айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслиги, айбдорларни фош этишга эришиш учун зарурий бир шартга амал қилиниши лозим.

Айрим олимларнинг фикрича¹ далиллар деганда жиноят ишини тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга молик бўлган қонунда белгиланган

манбалардан ва қонунда кўрсатилган усуллар билан олинган фактлар ҳамда ҳолатлар тўғрисидаги ҳар қандай маълумотлар тушунилади. Бошқа олимлар эса² далилларни фактлар билан тенглаштириб, бу фактлар асосида жиноят содир этилганлиги ёки этилмаганлиги, жиноятни содир этишда у ёки бу шахснинг айбли ёки айбсизлиги ҳамда бу шахснинг жавобгарлик даражасига таъсир кўрсатувчи ишнинг бошқа ҳолатлари аниқланади, деб ҳисоблайдилар.

В.А.Лазарева³нинг фикрига кўра далиллар тушунчаси мураккаб ва кўп қиррали. Улар шакли мазмуни, манбалари, олиш усули ва исботланаётган ҳолатлар билан боғлиқлиги жиҳатидан фарқ қилади. Бу уни таснифлашни, яъни далилларнинг алоҳида гуруҳлари ўртасидаги объектив фарқларни аниқлаш имконини берувчи муҳим умумий хусусиятларга кўра гуруҳлашни тақозо этади.

Жиноят процессида далиллар назарияда одатда бир нечта мезонлар (хусусиятлар) бўйича таснифланади, шунинг учун ҳар бир далил бир вақтнинг ўзида бир нечта таснифлаш гуруҳларига тегишли. Таснифлаш асосига қараб, далиллар айбловчи ва оқловчи, бирламчи ва иккиламчи, тўғридан-тўғри, билвосита, шахсий ва моддийга бўлинади.

Далилларни гуруҳларга бўлиш баъзи далилларнинг бошқалардан устунлигини оқлаш учун мўлжалланмаган. Уларни ўз ички ишончига асосланиб эркин баҳолаш тамойили олдиндан белгиланган далиллар кучининг мавжудлигини истисно қилади. Шу билан бирга, ҳар бир далиллар гуруҳи ўзига хос хусусиятларга эга. Бу хусусиятлар гуруҳ ичидаги барча далилларга хос бўлган далилларни тўплаш, текшириш ва баҳолашнинг ўзига хос хусусиятларини белгилайди. Шунинг учун далилларни маълум бир таснифлаш гуруҳига бириктириш унинг моҳиятини яхшироқ тушунишга ва ушбу далилларни тўғри баҳолаш ва улардан фойдаланишга имкон беради. Таснифлаш фан ва амалиёт томонидан ишлаб чиқилган далиллар ҳақидаги билимларни тизимлаштириш имконини беради, бу эса ўз навбатида уларни ўрганишда қулайлик яратади.

Тўғри ва эгри далиллар ўз мазмунининг исботланиши керак бўлган фактлар тўпламининг асосий фактига боғлиқлиги жиҳатидан фарқ қилади. Тўғри далиллар маълум бир шахс томонидан жиноят содир этилганлигини (ёки содир этилмаганлигини) бевосита ва дарҳол кўрсатадиган маълумотларни ўз ичига олади. Масалан, гувоҳ ўзи гувоҳ бўлган жиноятни тасвирлаб, уни содир этган шахсларни санаб ўтади ёки аниқлайди (ёки аниқламайди). Айбланувчи ўзи (ва бошқалар) содир этган жиноятнинг ҳолатларини тасвирлайди. Тўғри оқловчи далиллар алиби ҳисобланади⁴.

Эгри далиллар – ўз-ўзидан юридик аҳамиятга эга бўлмаган ва ёрдамчи ёки кам аҳамиятга хусусиятга эга бўлган ҳолатларга ишора қилади. Масалан, гувоҳ гумонланувчининг жиноят содир бўлган жойдан кетаётганини (ёки қочиб кетаётганини) кўрган, гумонланувчининг кийимида жиноят излари топилган ва жабрланувчини отиш учун ишлатилган қурол гумонланувчининг уйдан топилган. Ҳатто воқеа жойида ёки жиноят қуролида ва бошқа ашёвий далилларда бармоқ изларининг мавжудлиги ҳам фақат эгри далиллар ҳисобланади⁵. Ушбу далилларнинг ҳар бири гумонланувчининг жиноят содир этганликда айбдорлигига тўғридан — тўғри ишора қилмайди. Чунки гумонланувчи тасодифан жиноят жойида бўлиб қолиши мумкин ёки унинг кийимидаги излар жабрланувчига ёрдам беришга уринаётганида пайдо бўлган бўлиши ёки жиноят қуроли атайлаб уйига ташлаб қўйилган бўлиши мумкин, бармоқ изларини эса жиноят содир бўлишидан аввал ёки кейин қолдирган бўлиши эҳтимоли бор.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ижтимоий хавфли қилмишнинг юз берган-бермаганлигини, шу қилмишни содир этган шахснинг

айбли-айбсизлигини ва ишни тўғри ҳал қилиш учун аҳамиятга молик бошқа ҳолатларни суриштирувчи, терговчи ва суднинг қонунда белгиланган тартибда аниқлашига асос бўладиган ҳар қандай фактик маълумотлар жиноят иши бўйича далил ҳисобланади.

Далилларнинг бир қанча аҳамиятга жиҳатлари бор. Хусусан:

1. Жиноий ҳуқуқий: далилларнинг тўғри тўпланиши шахснинг содир этган қилмишини тўғри малака қилиш, жиноят таркибининг мавжудлигини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, тўпланган, текширилган ва баҳоланган далиллар асосида жиноят кодексига белгиланган нормаларга биноан қилмишни жиноят ёки жиноят эмас деб топишга асос бўлади. Жиноят белгиларининг мавжудлиги жиноят ишини қўзғатишга сабаб бўлади. Суриштирувчи, терговчи, прокурор ёки суд томонидан адолатли қилинадиган қарор фақат далилларга асосланади.

2. Жиноят процессидаги аҳамияти: жиноий процессда далилларнинг аҳамияти жиноят ишининг ҳақиқий ҳолатларини (содир этилган жиноят, айбдор шахс, айб даражаси) аниқлаш, қонуний ва адолатли суд қарорларини қабул қилиш учун асос бўлишидан иборат. Улар орқали гумон қилинувчининг айби ёки оқланиши процессуал қонунчилик талаблари асосида исботланади. Далилларнинг жиноий процессуал аҳамияти биринчидан, исботлаш учун яъни жиноят иши бўйича ҳақиқатни юзага чиқаришнинг ягона қонуний воситаси бўлиб хизмат қилади.

Иккинчидан, айблаш ёки оқлаш учун хизмат қилади. Яъни, шахснинг жиноят содир этганлигини тасдиқлаш ёки уни айбсиз деб топиш учун асос бўлади. Булардан ташқари, терговчи ва суд томонидан чиқариладиган барча ҳужжатлар (айблов хулосаси, ҳукм) фақат далиллар мажмуасига таянади. Бунда ваколатли шахслар далилларни жиноят-процессуал кодексига белгиланган тартибда тўплаши ва баҳолаши шарт, акс ҳолда улар юридик кучга эга бўлмайди. Далиллар тўплами (кўрсатувлар, ашёвий далиллар, экспертиза хулосалари) орқали жиноятнинг қачон, қаерда ва қандай содир этилганини аниқлашда керак бўлади.

3. Ижтимоий аҳамияти: 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш каби долзарб вазифалар назарда тутилган. Унга кўра, суд-тергов фаолиятини халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажрибага мувофиқлаштириш лозим бўлиб, у ўз навбатида, илғор ғояларга асосланган қонунчиликни шакллантириш заруратини белгилайди. Шуни таъкидлаш лозимки, жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигининг самарали тизимини яратиш мамлакатда қонунийлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини таъминлаш бўйича устувор вазифалардан бири ҳисобланади.

АБДУЛЛАЕВА Маликабону Эркин қизи,

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси докторанти.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Кадирова М.Х. Далиллар назарияси. Дарслик. – Тошкент: ТДҶОУ, 2022.
2. Доля Е.А. Использование в доказывании результатов оперативно-розыскной деятельности. - М.,
3. 1996. Б. 27-28 ; Ульянова Л.Т. Понятие и свойства доказательств // Уголовный процесс / Под ред.
4. Строгович М.С. Курс советского уголовного процесса. Т.1. - М., 1968. Б. 288-289.; Бецуков А.З. Документы как источник доказательств по уголовным делам о преступлениях в сфере экономики: процессуальные и криминалистические аспекты: Автореф. дис. ...канд. юрид. наук. Краснодар. 1999. 8-б.
5. Уголовный процесс: учебник/коллектив авторов; под ред. В.А.Лазеровой.- Москва:ЮСТИЦИЯ,2024. 165-168-б

ГЕРМАНИЯДА ҲУҚУҚНИ СУИИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ ВА УНИНГ ОҚИБАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: мақолада Германия суди амалиётида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш институти ва унинг фуқаролик-ҳуқуқий оқибатлари таҳлил қилинган. Унда мамлакат Олий суди (BGH) амалиёти асосида ҳуқуқни суиистеъмол қилишни аниқлашда қўлланиладиган асосий мезонлар, жумладан, ҳуқуқнинг мақсади, виждонийлик, инсофлилик, адолат ва тарафлар тенглиги тамойиллари ёритилган. Германияда ҳуқуқни суиистеъмол қилиш мустақил жавобгарлик тури сифатида эмас, балки ҳуқуқни амалга ошириш чегараларини белгиловчи, ҳуқуқий муносабатларда ўзаро тенгликни таъминловчи – тикловчи, заиф томонни ҳимоя қилувчи ва инсофли муомала қоидаларини таъминловчи универсал ҳуқуқий механизм сифатида намоён бўлиши ҳақида хулоса қилинган.

Калит сўзлар: ҳуқуқни суиистеъмол қилиш, виждонийлик, инсофлилик, адолат, тенглик, шартнома, деликт, жавобгарлик.

Германия судларида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш оқибатларини қўллаш масаласи фақатгина Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари мазмунига таяниб эмас, балки виждонлилик, адолат ва тарафларнинг тенглигини таъминлаш тамойилларига ҳам асосланади. Буни Германия Федерал Олий судининг (Bundesgerichtshof – BGH) 2013 йил 4 июлда VII ZR 249/12-сон иш бўйича қабул қилинган қарорида ҳам кўриш мумкин.

Мазкур ишда даъвогар сифатида Германия истеъмолчилар марказлари ва истеъмолчилар уюшмалари федерал иттифоқи (Bundesverband der Verbraucherzentralen und Verbraucherverbände – Verbraucherzentrale Bundesverband e.V., vzbv) иштирок этиб, у Германиянинг 2002 йил 26 ноябрдаги “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ва бошқа қонунбузилишларни тўхтатиш тўғрисидаги даъволар ҳақида”ги Қонун (UKlaG Unterlassungsklagengesetz)га мувофиқ истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида даъво киритиш ҳуқуқига эга субъект ҳисобланади. Жавобгар сифатида эса Германия текстил тозалаш корхоналари уюшмаси (Deutscher Textilreinigungsverband e.V. – DTV) иштирок этган. Мазкур уюшма текстил тозалаш корхоналари учун намунавий умумий шартнома шартларини (Allgemeine Geschäftsbedingungen – AGB) ишлаб чиққан ва уларни соҳада қўллашни тавсия этган.

Даъвогарнинг эътирозига кўра, мазкур шартларда жавобгарнинг қопланиши лозим бўлган зарари ҳажмини асосиз камайтириш ёки чеклаш ҳамда зарарни ҳисоблашда ноаниқ “жорий қиймат” тушунчасидан фойдаланиш орқали истеъмолчилар манфаатларига путур етказилган. Хусусан, шартнома шартлари Германия Фуқаролик кодексининг §307-моддаси (шартнома шартларининг адолатлилиги ва шаффофлиги), §309-моддаси 7-банди (жавобгарликни чеклашга оид тақиқлар), §305с-моддаси (ноаниқ шартларни уларни тузган тараф зарарига талқин қилиш) талабларига зид эканлиги таъкидланган. Суд ҳам иш материалларини таҳлил қилиш жараёнида шартнома шартларида қўлланилган “жорий қиймат” тушунчаси аниқ ҳуқуқий мазмунга эга эмаслиги ва турлича талқин қилиниши мумкинлигини қайд этди. Судга кўра, бундай ноаниқлик Германия Фуқаролик кодексининг §307-моддасида назарда тутилган шаффофлик талабига зид бўлиб, истеъмолчи учун ноқулай ҳолатни келтириб чиқарган.

Суд қарорига кўра, шартнома шартлари орқали жавобгарликни асосиз чеклаш ёки истеъмолчига ноқулай шартнома шартларини юклаш ҳуқуқидан инсофсиз фойдаланиш, яъни ҳуқуқни суиистеъмол қилиш сифатида баҳоланиши мумкин. Натижада Германия Федерал Олий суди (Bundesgerichtshof)

иш материалларини таҳлил қилган ҳолда, жавобгар томонидан тавсия этилган низоли шартнома шартлари истеъмолчилар ҳуқуқларини асосиз чеклаш, виждонийлик принципига зид бўлиши ҳамда Германия Фуқаролик кодексининг умумий шартлар адолатлилигига оид талабларига (BGB §307) жавоб бермаслигини эътироф этди. Шу муносабат билан суд мазкур шартларни ҳақиқий эмас, деб топди ҳамда уларни истеъмолчилар билан тузиладиган шартномаларда қўллашни тақиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди (UKlaG §1).

Мазкур суд иши таҳлили Германияда ҳуқуқни суиистеъмол қилиш институти ҳуқуқни амалга ошириш чегараларини белгилашда муҳим амалий аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Бунда гап ҳуқуқни бузиш ҳақида эмас, балки шахснинг ўзига тегишли ҳуқуқдан инсофсиз, адолатга зид ёки бошқа шахс манфаатларига номутаносиб зарар етказадиган тарзда фойдаланиши ҳақида боради. Шу жиҳатдан, Германия фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш оқибатлари ҳуқуқ эгасини муайян ҳолатда ҳуқуқий ҳимоядан маҳрум қилиш, инсофсиз шартларни ҳақиқий эмас деб топиш, тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий тенгсизликни бартараф этиш ва адолатли мувозанатни тиклаш каби механизмлар орқали намоён бўлади.

Илмий-назарий нуқтаи назардан мазкур иш шуни кўрсатадики, Германия ҳуқуқида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш институти мустақил жавобгарлик тури эмас, балки субъектив ҳуқуқларни амалга ошириш чегараларини белгиладиган умумий чекловчи механизм сифатида намоён бўлади. Бу ерда гап ҳуқуқнинг бузилиши ҳақида эмас, балки ҳуқуқ эгасининг ўзига тегишли ҳуқуқдан инсофсиз, адолатга зид ёки бошқа шахс манфаатларига номутаносиб зарар етказадиган тарзда фойдаланиши ҳақида боради.

Шу сабабли мазкур институтнинг асосий вазифаси ҳуқуқ субъектини жазолаш эмас, балки ҳуқуқдан инсофсиз фойдаланиш натижасида юзага келган ҳуқуқий номутаносибликни бартараф этишдан иборат. Бундай ҳолларда суд ҳуқуқ эгасининг формал ҳуқуқи мавжудлигини эмас, балки ушбу ҳуқуқнинг қандай мақсадда, қандай усулда ва қандай оқибатлар билан амалга оширилганини баҳолайди.

Мазкур суд амалиётидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, Германияда ҳуқуқни суиистеъмол қилиш оқибатлари превентив, тикловчи, чекловчи ва ҳимоя функцияларини бажаради. Превентив функция ҳуқуқдан инсофсиз фойдаланишнинг олдини олади; тикловчи функция тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий мувозанатни қайта тиклайди; чекловчи функция шартнома эркинлиги ва субъектив ҳуқуқларнинг мутлақ эмаслигини

таъминлайди; ҳимоя функцияси эса айниқса истеъмолчи ёки иқтисодий жиҳатдан заиф тараф манфаатларини муҳофаза қилишга хизмат қилади.

Демак, Германияда ҳуқуқни суиистеъмол қилиш оқибатлари ҳуқуқбузарлик учун санкция қўллаш воситаси сифатида эмас, балки ҳуқуқни амалга ошириш жараёнида виждонлилик ва адолат талабларини таъминловчи ҳуқуқий кафолат сифатида намоён бўлади. Судлар бундай ҳолатларда ҳуқуқни бузилган деб эмас, балки ҳуқуқдан фойдаланиш усули виждонлилик талабларига зид деб баҳолайди ва шу асосда ҳуқуқий ҳимояни рад этиши, инсофсиз шартни ҳақиқий эмас деб топиши ёки тарафлар ўртасидаги ҳуқуқий мувозанатни тиклаши мумкин.

Германия Федерал Олий суди (Bundesgerichtshof – BGH) амалиёти шуни кўрсатадики, Германия ҳуқуқида виждонлилик, адолат ва ҳуқуқни амалга ошириш чегаралари принциплари турли ҳуқуқий муносабатларда муҳим аҳамият касб этади. Хусусан, Германия Федерал Олий судининг VI ZR 252/19-сонли ишида суд Volkswagen компаниясининг автомобилларда чиқинди газ кўрсаткичларини сунъий равишда яширишга қаратилган дастурий таъминотдан фойдаланганини Германия Фуқаролик кодексининг 826-моддаси (BGB §826) асосида қасддан ахлоққа зид зарар етказиш деб баҳолаган ҳамда компания зиммасига истеъмолчиларга етказилган моддий зарарни қоплаш мажбуриятини юклаган.

Германия Федерал Олий суди (BGH)нинг 2012 йил 25 июлдаги IV ZR 201/10-сон қарорига кўра, суд суғурта компанияси истеъмолчи ҳуқуқларини бузганлиги, яъни суғурта тўловларидан асоссиз ушлаб қолиш (stornoabzug), кичик суммаларни (10 евро) қайтармаслик ҳолатлари аниқланган. Судга кўра, ушбу ҳолатлар компаниянинг ўз ҳуқуқидан инсофсиз фойдаланган ва истеъмолчилар манфаатларига зарар етказган. Шу сабабли мазкур шартлар Германия Фуқаролик кодексининг (§307, §309 BGB) талабларига зид деб топилиб етказилган зарар қоплаб берилган.

Шунингдек, Германия Федерал Олий судининг 2002 йил 24 июндаги II ZR 300/00-сон қарорига кўра, суд жамият иштирокчиларининг кредиторлар талабларини қондиришга қаратилган умумий мулкдаги улушни рухсатсиз тасарруф этганлиги оқибатида тўловга қобилиятсизлиги пайдо бўлганлигини қайд этган. Судга кўра, мазкур ҳаракатлар иштирокчилар жамиятнинг мулкий ҳуқуқларидан инсофсиз фойдаланиб, ҳуқуқни суиистеъмол қилганлигини англатади. Шу сабабли суд бундай ҳолатда иштирокчилар Германиянинг 1892 йил 20 апрелда қабул қилинган ва 1892 йил 10 майдан кучга кирган “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги Қонуннинг §13(2), §§30-31-моддаларига мувофиқ чекланган жавобгарлик имтиёзидан маҳрум бўлиши ва кредиторлар олдида субсидиар жавобгарлигини белгилади. Ушбу мазмундаги низо Германия Федерал Олий судининг 2007 йил 16 июлдаги II ZR 3/04-сон (“TRIHOTEL”) низоли ишида ҳам кўриб чиқилган. Мазкур ишда жамият иштирокчиси жамият мол-мулкни кредиторлар манфаатларига зид равишда тасарруф этиш орқали жамиятнинг тўловга қобилиятсизлигига олиб келган. Суд мазкур ҳолатни жамият иштирокчисининг ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилиши сифатида баҳолаган.

Олиб борилган илмий-назарий ва қиёсий-ҳуқуқий таҳлиллар шуни кўрсатадики, Германия фуқаролик ҳуқуқида ҳуқуқни суиистеъмол қилиш институти классик маънодаги фуқаро-

лик-ҳуқуқий жавобгарликнинг мустақил тури сифатида эмас, балки субъектив ҳуқуқларни амалга оширишнинг ҳуқуқий чегараларини белгилаб берувчи фундаментал ҳуқуқий принцип сифатида шаклланган.

Германия Федерал Олий суди (BGH) амалиёти таҳлили мазкур институтнинг моҳияти ҳуқуқбузар шахсни жазолашга эмас, балки фуқаролик муомаласида бузилган ҳуқуқий мувозанатни тиклаш, тарафлар ўртасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар нисбатини адолат тамойили асосида қайта белгилаш ҳамда виждонийлик принципи орқали ҳуқуқларни амалга оширишнинг ижтимоий мақсадга мувофиқлигини таъминлашдан иборат эканлигини кўрсатади.

Суд амалиёти материаллари асосида аниқланишича, Германияда ҳуқуқни суиистеъмол қилиш оқибатлари одатда классик жазо ёки санкция шаклида эмас, балки ноинсоф фойдаланувчини ҳимоя қилмаслик, инсофсиз шартларни ҳақиқий эмас деб топиш, ҳуқуқни амалга оширишни чеклаш, етказилган зарарни қоплатиш ёки ҳуқуқий муносабат мазмунини адолат талабларига мувофиқлаштириш каби тикловчи ва чекловчи механизмлар орқали намоён бўлади. Бу эса мазкур институтнинг асосий вазифаси ҳуқуқ субъектини жазолаш эмас, балки ҳуқуқдан инсофсиз фойдаланиш натижасида юзага келган манфаатлар номутаносиблигини бартараф этиш ва фуқаролик муомаласида адолатни таъминлашдан иборат эканлигини кўрсатади.

Шунингдек, Германия суд амалиёти таҳлили ҳуқуқни суиистеъмол қилиш институти бир вақтнинг ўзида бир нечта муҳим ҳуқуқий функцияларни бажаришини кўрсатади. Жумладан, мазкур институт превентив функция орқали ҳуқуқ субъектларини ўз ҳуқуқларидан инсофсиз фойдаланишдан тийилишга ундайди; тикловчи функция орқали ҳуқуқ бузилишини эмас, балки ҳуқуқдан нотўғри фойдаланиш натижасида юзага келган манфаатлар мувозанатини қайта тиклашга хизмат қилади; чекловчи функция орқали шартнома эркинлиги ва субъектив ҳуқуқларнинг мутлақ эмаслигини таъминлайди; ҳимоя функцияси орқали эса фуқаролик муомаласида моддий жиҳатдан заиф томон, айниқса истеъмолчилар ва кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий кафолат вазифасини бажаради.

Авволбек МАМАДАЛИЕВ,

*Одил судлов академияси мустақил изланувчиси (DSc),
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD).*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Pantaleo L. The Purpose and Function of Abuse of Law in the Union Legal Order // Abuse of Law in the European Union: The Rise of a Special General Principle. – The Hague : TMC Asser Press, 2025. – С. 155-168.
2. extension://mjdgandcagmikhlbjnlkfmfnjeamfikk/https://www.bundesgerichtshof.de/SharedDocs/Entscheidungen/DE/Zivilsenate/VII_ZS/2012/VII_ZR_249-12.pdf?__blob=publicationFile&v=1
3. https://dejure.org/gesetze/UKlaG
4. extension://mjdgandcagmikhlbjnlkfmfnjeamfikk/https://www.bundesgerichtshof.de/SharedDocs/Entscheidungen/DE/Zivilsenate/VI_ZS/2019/VI_ZR_252-19.pdf?__blob=publicationFile&v=1
5. extension://mjdgandcagmikhlbjnlkfmfnjeamfikk/https://www.bundesgerichtshof.de/SharedDocs/Entscheidungen/DE/Zivilsenate/IV_ZS/2010/IV_ZR_201-10.pdf?__blob=publicationFile&v=1
6. https://dejure.org/dienste/vernetzung/rechtsprechung?Gericht=BGH&Datum=24.06.2002&AktENZEICHEN=II%20ZR%20300%2F00
7. https://dejure.org/dienste/vernetzung/rechtsprechung?Gericht=BGH&Datum=16.07.2007&AktENZEICHEN=II%20ZR%203/04

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ ЮРИТУВИДА ШАХСИЙ ДАХЛСИЗЛИК ХУҚУҚИНИ ТАЪМИНЛАШ КАФОЛАТЛАРИ

АННОТАЦИЯ: ушбу мақолада, шахсий дахлсизлик ҳуқуқини таъминлаш кафолатлари тушунчаси таҳлил қилинади ва унинг жиноят ишларини юритувидаги аҳамиятини Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги контекстида ёритади. Шунингдек, шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг жиноят-процессуал моҳияти ва жиноят процесси мақсадларидан келиб чиқиб шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклашнинг объектив зарурати, жиноят процессида шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклашнинг назарий модели элементлари, мақсади, принциплари, асослари, шартлари, субъектлари, мезонлари ва чегаралари, чекланаётган ҳуқуқлар мазмуни, ҳуқуқларни чеклашнинг процессуал шакли ва муддатлари, ҳуқуқларни чеклаш устидан назорат тизими таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: шахсий дахлсизлик, чеклаш тизими, инсон ҳуқуқлари, халқаро пакт, ҳуқуқ ва мажбурият, конституциявий кафолатлар, гумон қилинувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ, ҳуқуқий механизм, норматив-ҳуқуқий кафолатлар, омбудсман, адвокатура.

Жаҳонда шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг чегаралари ва ҳуқуқларни чеклашнинг мақсадларини аниқ белгилаш, мутаносиблик принципини қўллашнинг механизмларини яратиш, унинг процессуал шакли ва муддатлари ва ҳуқуқларни чеклаш устидан назоратни такомиллаштириш бўйича илмий излашлар олиб бориш, ушбу йўналишда қонунчиликни ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда.

Бошқа субъектив ҳуқуқлар каби шахсий дахлсизлик ҳуқуқи уч таркибий қисмдан: ҳуқуқларни мустақил ҳимоя қилиш, бошқалардан мазкур субъектив ҳуқуқнинг бузилмаслигини талаб қилиш, субъектив ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун ваколатли органларга мурожаат қилишдан иборат. Шахснинг дахлсизлигини чеклашнинг қонунийлиги ва адолатлилиги шахснинг дахлсизлигини таъминлашнинг ҳуқуқий кафолатларнинг белгиланиши ва таъминланишига бевосита боғлиқ. Шахснинг дахлсизлиги ҳуқуқини бевосита таъминлаш, ҳуқуқий кафолатлар, шу жумладан процессуал кафолатлар тизими орқали таъминланади.

Шахсий дахлсизликнинг конституциявий кафолатлари мазкур ҳуқуқнинг Конституция билан кафолатланиши, мазкур ҳуқуқни таъминлашнинг бош қафили сифатида давлат белгиланиши, ушбу ҳуқуқни амалга ошириш, муҳофаза қилиш ва ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий механизмлари белгиланиши, шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклашнинг мақсад ва асослари қатъий белгиланиши, мустақил ҳамда холис судга эришиш ҳуқуқи кафолатланиши, етказилган зарарнинг ўрни давлат томонидан қопланиши ҳуқуқи эътироф этилишида намоён бўлади.

М.С.Строгович процессуал кафолатларни қонун билан белгиланган, ҳар бир жиноят иши бўйича одил судловнинг вазифаларини тўғри амалга оширилишини таъминловчи воситалар сифатида таърифлаган.

П.А.Лупинскаянинг фикрича процессуал-ҳуқуқий кафолатлар одил судловни тегишли тартибда амалга ошириш, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жиноят ишлари бўйича суд ишларини юритиш мақсадларини амалга ошириш учун қонун билан ўрнатилган.

Д.Базарова процессуал кафолатларни суд ишларини юритиш доирасига жалб қилинган барча иштирокчиларнинг фаолиятида қонунга риоя қилишни таъминлашнинг жиноят-процессуал ва бошқа қонунчилик билан белгиланган шартлари, восита ва усуллари, шунингдек уларнинг ҳуқуқларини таъминлашга хизмат қилувчи, одил судловни муваффақиятли амалга ошириш ва жиноят процессининг бошқа мақсадларига эришиш учун уларни ноқонуний ва асоссиз чекловлардан ҳар томонлама муҳофа қилувчи чоралар деб таърифлайди.

С.Б.Россинский жиноят-процессуал кафолатлари: қонунийлик кафолатлари; жиноят процессида ҳақиқатни аниқлашни таъминловчи кафолатлар; жиноят суд ишларини юритиш иштирокчиларининг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи кафолатларга ажратади.

Кафолатлар – шахсга ўзининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш имкониятини берувчи, қонун билан белгиланган махсус воситалар ва усуллар бўлиб, шахснинг дахлсизлигига бўлган ҳуқуқларнинг кафолатланганлиги мазкур ҳуқуқни таъминлашга қаратилган умумий (иктисодий, сиёсий, ижтимоий), ташкилий-таъминот ва махсус юридик воситаларни ўз ичига олади. Юридик кафолатлар ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади – шахснинг дахлсизлигига

бўлган ҳуқуқни амалга оширишга қаратилган ва ушбу ҳуқуқни ҳимоя қилишга қаратилган воситалар.

Шахснинг дахлсизлигини чеклаш фақатгина давлат-ҳуқуқий мажбурлови воситасида, аниқроғи бутун жамият манфаатида белгиланган юридик жавобгарлик орқали амалга оширилади.

Шахсий дахлсизликнинг конституциявий кафолатларига:

ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонунда тақиқланмаган барча усуллар билан ҳимоя қилиш ҳуқуқи;

давлатнинг ваколатли органларига мазкур ҳуқуқни ҳимоя қилиш учун мурожаат қилиш ҳуқуқи;

ҳуқуқларни тиклаш учун судга мурожаат қилиш ҳуқуқи киради.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясининг 6-моддасида ҳар бир инсон қаерда бўлишидан қатъи назар, ўзининг ҳуқуқ субъекти сифатида тан олиншига ҳақли эканлиги белгиланганлиги унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳажми ва ундан фойдаланиш имконияти муайян давлат органи ёки мансабдор шахснинг ихтиёрига боғлиқ бўлмаслигини аниқлатади.

Жиноят суд ишларини юритишни ривожлантириш стратегияси, гумон қилинувчи (айбланувчи) бўладими, жабрланувчи ёки бошқа шахс бўладими, тергов қилиш ёки суд муҳокамаси натижасида ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилинган шахснинг ҳуқуқлари кафолатларини кучайтиришга йўналтирилиши лозим.

Илмий адабиётларда шахс ҳуқуқларини таъминлаш кафолатлари умумий, ҳуқуқий ва ташкилий йўналишларга ажратилади.

Д.Базарова умумий процессуал кафолатларга: одил судловга эришиш процессуал ҳаракатлар ва қарорлар устидан шикоят қилиш, ҳимоя ҳуқуқини таъминлаш кафолатларини, махсус кафолатларга эса жиноят ҳақида ариза, хабарларни қабул қилиш, процессуал ҳаракатларни ўтказиш тартиби, қабул қилинган қарорни бекор қилиш тартибини белгиловчи процессуал шаклларни киритади.

Умумий кафолатларга ушбу ҳуқуқни амалга ошириш учун объектив шарт-шароитлар яратувчи моддий-маънавий, ижтимоий-сиёсий шартлар киради.

Умуман шахсий дахлсизлик кафолатларини айнан функционал белгисига кўра таснифлаш унинг моҳиятини тўлиқроқ очиб беради. Шу сабабли фикримизча, шахсий дахлсизликнинг процессуал кафолатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш (қўриқлаш) кафолатларига ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

Мецгер А.А. ҳуқуқий кафолатларни уларнинг функционал белгисига кўра:

а) шахсий дахлсизликнинг чегаралари, уни аниқлаштирувчи, шахсий дахлсизлик ҳуқуқини амалга ошириш билан боғланадиган юридик фактлар, шахсий дахлсизлик ҳуқуқини амалга оширишнинг процессуал шаклларини ўз ичига олувчи амалга ошириш кафолатлари;

б) шахсий дахлсизлик ҳуқуқи бузилиши ҳолатларини аниқлаш мақсадида ҳуқуқ субъектлари ҳулқ-атворининг қонунийлиги устидан назорат юридик жавобгарлик чораларини, ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш ва чек қўйиш чоралари, шахсий дахлсизликка бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилишнинг процессуал шакллари, фуқароларнинг шахсий дахлсизлик ҳуқуқини профилактика қилиш ва олдини олиш чораларини ўз ичига олувчи шахсий дахлсизликни қўриқлаш (ҳимоя қилиш)га ажратади.

Бироқ илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинганда ушбу ёндашувнинг бир қатор заиф жиҳатлари мавжуд.

Жумладан, юридик кафолатлар одатда ҳуқуқнинг амалга оширилишига хизмат қилувчи ҳуқуқий механизмларни англатади. Улар икки йўналишга бўлинади:

- а) ҳимоя кафолатлари;
- б) таъминлаш кафолатлари.

Бироқ, келтирилган фикрда кафолатларга нафақат ҳуқуқий механизмлар, балки ҳуқуқнинг чегаралари, ҳуқуқни амалга оширишга асос бўладиган юридик фактлар, процессуал шакллар, профилактика чоралари, юридик жавобгарлик, назорат ва мониторинг каби турли категориялар бирлаштирилган. Натижада кафолат тушунчаси асоссиз кенгайтирилган – у ҳуқуқнинг деярли барча элементларини ўз ичига олган.

Бундан ташқари чегаралар — ҳар бир асосий ҳуқуқнинг таркибий элементи бўлиб, ҳуқуқнинг амал қилиш соҳасини, қонун билан чеклаш мумкин бўлган ҳажмини белгилайди. У кафолат эмас, балки ҳуқуқнинг мазмунидир. Юридик фактлар эса ҳуқуқни амалга оширишга имконият берадиган ҳолатлар (масалан, ушлаб туриш факти ҳимоячи жалб этиш ҳуқуқини вужудга келтиради)ни англатади, юридик факт — ҳуқуқий механизмнинг элементлари, аммо кафолат сифатида қаралмайди.

Шахсий дахлсизлик кафолатлари — бу инсоннинг жисмоний, руҳий ва маънавий дахлсизлигини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган, норматив, процессуал, институционал ва профилактик воситалар ва шартларнинг яхлит тизимидир.

Фикримизча, шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг юридик кафолатлари қуйидагича тизимлаштирилиши лозим:

I. Норматив-ҳуқуқий кафолатлар

Конституция ва қонунларда белгиланган шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклашга мутлақ йўл қўйилмайдиган ҳолатлар (қийноққа солиш, шафқатсиз ва таққирловчи муносабат, руҳий босим, таҳдид, мажбурлаш тақиқланганлиги;

Ҳуқуқни чеклашнинг умумий асослари (жамоат хавфсизлиги, зарурлик, мутаносиблик).

Мажбурлов чораларининг қонуний ва аниқ белгиланган асослари.

II. Институционал кафолатлар

Ваколатли органларнинг ваколатларини чеклаш;

идоравий назорат;

Суд назорати;

Прокурор назорати;

Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи ташкилотлар (омбудсман, адвокатура) назорати.

III. Процессуал кафолатлар

малакали ҳуқуқий ёрдам ва ҳимоячи бўлган ҳуқуқ;

шахсий дахлсизлик ҳуқуқи чекланаётган шахснинг процессуал ҳуқуқларини тушунтириш кафолатлари;

шахсий дахлсизлик ҳуқуқини чеклашнинг процессуал шакли;

ҳуқуқни чеклаш устидан шикоят қилиш ҳуқуқи;

ҳуқуқни чеклашнинг қонунийлиги ва асослилигининг мажбурий баҳоланиши.

IV. Профилактик кафолатлар

Жисмоний куч ва махсус воситалардан фойдаланиш стандартлари (зарурат, мутаносиблик, ҳуқуқларни чеклашнинг процессуал расмийлаштириши ва қайд қилиниши.

ПРОФИЛАКТИК ЧОРАЛАР

V. Жавобгарлик кафолатлари

шахсий дахлсизлик ҳуқуқини асоссиз чеклаган мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги;

ҳуқуқларни асоссиз чеклаш натижасида етказилган зарарни қоплаш механизмидан иборат.

1. Шахсий дахлсизликнинг жиноят-процессуал кафолатлари – бу процесс иштирокчиларининг шахсий дахлсизлиги ҳуқуқини таъминлаш ва ҳимоя қилишга қаратилган, халқаро, конституциявий ва жиноят процессуал қонун нор-

малари билан белгиланган шарт, усул ва воситалар, шунингдек улар асосида амалга ошириладиган процессуал фаолиятни англатади.

1. Шахсий дахлсизлик ҳуқуқининг юридик кафолатлари қуйидагилардан иборат:

- Норматив-ҳуқуқий кафолатлар;
- институционал кафолатлар;
- процессуал кафолатлар;
- профилактик кафолатлар.
- жавобгарлик кафолатлари.

2. Шахсий дахлсизликнинг асосий жиноят-процессуал кафолатлари қуйидагилардан иборат:

шахсий дахлсизликнинг жиноят процессининг принципи даражасида мустаҳкамланиши;

судья, прокурор, терговчи ва суриштирувчининг ишда қатнашаётган шахсларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш мажбурияти;

инсон шаъни ва қадр-қимматини камситадиган, унинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотлар тарқалиб кетишига олиб келадиган, соғлигини хавф остига қўядиган, асоссиз равишда унга жисмоний ва маънавий азоб-уқубат етказадиган ҳаракатлар қилиш ёки қарорлар чиқариш тақиқланиши;

фуқароларнинг дахлсизлиги қонун билан қўриқланиши;

турар жойда тинтув ўтказиш, олиб қўйиш, кўздан кечириш, почта-телеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш ва уларни олиб қўйиш, телефонлар ва бошқа телекоммуникация қурилмалари орқали олиб бориладиган сўзлашувларни эшитиб туриш, улар орқали узатиладиган ахборотни олиш асослари ва тартиби қонун билан белгиланганлиги;

шахсга доир маълумотларни йиғиш, тизимлаштириш ва сақлашни алоҳида тартиби мавжудлиги, уларни қонун билан муҳофаза қилиниши;

жиноят ишлари юритувида шахсий дахлсизликни чеклашнинг аниқ чегараси белгиланганиши;

шахсий дахлсизликни чекловчи тергов ҳаракатларининг шартлари, асослари ва тартиби қонунда аниқ белгиланганиши;

жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари мансабдор шахслари томонидан шахсий дахлсизликни бузиш учун жавобгарлик белги-

ланиши;

шахсий дахлсизликни чекловчи тергов ҳаракатлари устидан идоравий, прокурор назорати ва суд назорати амал қилиши;

ишни юритиш жараёнида шахсий дахлсизликни бузиш оқибатида етказилган зарар ундирилиши тартиби мавжудлиги.

Одилов Сардор СОБИРЖОН ўғли,

Одил судлов академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. (2023 йил 30 апрелдаги таҳрири). Тошкент: Адолат.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. (2025 йил 1 январдаги ҳолатига кўра). Тошкент: Адолат.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. (2025 йил 1 январдаги ҳолатига кўра). Тошкент: Адолат.
4. Строгович М. С. Курс советского уголовного процесса. М., 1968. Т. 1. 56-б.
5. Лупинская П. А. Уголовно-процессуальное право Российской Федерации. М., 2005. 53-б.
6. Базарова Д.Б. Процессуальные гарантии прав личности в уголовном процессе: Диссер... док.юр.д.наук (DSc). Т., ТДЮИ, 2022. 92-б
7. Россинский С. Б. Уголовный процесс России: курс лекций. М., 2008. 21-22-б.
8. Мецгер А.А. О гарантиях права на свободу и личную неприкосновенность в Российской Федерации // Образование. Наука. Научные кадры. 2019. № 4. С. 83–85. <https://doi.org/10.24411/2073-3305-2019-10188>
9. Лупинская П. А. Высокое политическое значение уголовного судопроизводства // LEX RUSSICA науч. тр. МГЮА. 2008. № 2. 283-б.
10. Базарова Д.Б. Процессуальные гарантии прав личности в уголовном процессе: Диссер... док.юр.д.наук (DSc). Т., ТДЮИ, 2022. 33-б
11. Мецгер А.А. Гарантии личной неприкосновенности граждан в правоприменительной деятельности органов внутренних дел Автореферат диссертации ... канд. юр. наук. М. 2005. 20-б

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ФИРИБГАРЛИКЛАР: НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАВСИФИ, КЛАССИФИКАЦИЯСИ, ЧЕТ ЭЛ ТАЖРИБАСИ

АННОТАЦИЯ: мазкур мақолада ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарликнинг жиноят-ҳуқуқий табиати, унинг замонавий шакллари, таснифлаш мезонлари ва квалификация масалалари комплекс равишда таҳлил қилинган. Мақолада миллий қонунчилик, хусусан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг фирибгарликка оид тушунтиришлари таҳлил қилиниб, ахборот технологиялари орқали содир этиладиган фирибгарликни анъанавий фирибгарликдан фарқловчи белгилар очиб берилган. Шунингдек, Германия, Буюк Британия, АҚШ, Қозғовистон ва Россия қонунчилигидаги ёндашувлар қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан ўрганилган.

Калит сўзлар: ахборот технологиялари, рақамли фирибгарлик, киберфирибгарлик, фирибгарлик, жиноят-ҳуқуқий тавсиф, жиноятни квалификация қилиш, электрон тўлов воситалари, ахборот тизими, онлайн алдов, қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, рақамли иқтисодиёт, мулкка қарши жиноятлар.

Ҳозирги глобал рақамлашув шароитида мулккий муносабатларнинг амалга ошиш механизми тубдан ўзгариб бормоқда. Электрон тижорат, масофавий банкинг, мобил иловалар, маркетинглар, ижтимоий тармоқлар ва турли рақамли хизматлар ҳаётнинг барча соҳаларига кириб келиши, бир томондан, иқтисодий фаоллик ва фуқаролик муомаласини энгиллаштирган бўлса, иккинчи томондан, жиноий тажовузнинг янги шакллари вужудга келтирди. Ана шундай трансформацияга учраган жиноятлар ичида ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарлик алоҳида ўрин тутади.

Ўзбекистон жиноят қонунчилигида мазкур муаммо умумий фирибгарлик таркиби доирасида ҳал этилмоқда. Амалдаги Жиноят кодексига кўра, фирибгарлик алдаш ёки ишончли суистеъмор қилиш йўли билан ўзганиб мулккини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини қўлга киритишдир. Шу билан бирга, ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиш жавобгарликни оғирлаштирувчи белги сифатида назарда тутилган¹. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги 17-сон қарори мазкур таркибнинг амалий чегараларини анча аниқлаштирди: унда алдашнинг мазмуни, ишончли суистеъмор қилишнинг шакллари, фирибгарликнинг тугалланиш пайти, хизмат мавқеидан фойдаланиш ҳолатлари ҳамда пора беришга далолат қилиш билан боғлиқ қўшимча квалификация масалалари кенг ёритилган². Айниқса, Пленум қарорининг фирибгарлик пул маблағлари айбдор назоратидаги ҳисобвараққа тушган пайтдан тугалланган деб баҳолалишига оид ёндашуви рақамли тўловлар, мобил банкинг, электрон ҳамён ва карта орқали содир этиладиган жиноятларда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Бу ерда қонун чиқарувчи классик фирибгарлик конструкциясини сақлаб қолган ҳолда, рақамли муҳитнинг ўзига хос хатларини квалификация босқичида эътиборга олмақда.

Мазкур жиноятни тўғри квалификация қилиш учун уни қўшни таркиблардан аниқ ажратиш зарур. Биринчидан, ахборот технологиялари орқали содир этилган фирибгарликни рухсатсиз кириш, маълумотларни модификация қилиш ёки зарарли дастурлардан фойдаланиш каби компьютер жиноятларидан фарқлаш керак. Агар ахборот тизимига ноқонуний кириш мулккий зарар келтиришнинг воситаси бўлса, бундай ҳаракатлар идеал жами ёки қўшимча квалификацияни талаб қилиши мумкин. Иккинчидан, онлайн шартномавий муносабатларнинг ҳар бир бажарилмаслиги фирибгарлик эмас. Пленум қарорида тушунтирилганидек, жиноят-ҳуқуқий баҳо беришда айбдорнинг мулкки қабул қилишдан аввалги ҳақиқий нияти, қалбаки маълумот ёки яширилган ҳолатлар мавжудлиги, сохта фирма тузилмалари, қарзни қайтариш имконияти йўқлигини билиб туриб мажбурият олиш каби омиллар ҳал қилувчи аҳамиятга эга³. Учинчидан, рақамли фирибгарликда жиноятнинг тугалланиш пайти анъанавий нақд пулли схемаларга нисбатан эртароқ содир бўлиши мумкин: масалан, банк иловаси орқали пул маблағи айбдор назоратидаги ҳисобвараққа ўтказилган заҳоти мулккий натижа юзага келади. Бу қоида QR-тўлов, электрон ҳамён, онлайн кредит ва карта реқвизитлари орқали пул ечиб олиш ҳолатларида айниқса муҳимдир.

Ахборот технологиялари орқали содир этиладиган фирибгарликни таснифлашда фақат воситага қараб ёндашиш етарли эмас. Бизнинг назаримизда, қуйидаги асосий ўлчов бўйича таснифлаш мақсадга мувофиқ.

Биринчи ўлчов – алдов механизми. Бу ерда: а) ижтимоий инженерияга асосланган фирибгарликлар фишинг, вишинг, смшинг, банк ёки давлат органи номи-

дан қалбаки хабарлар; б) платформавий фирибгарликлар электрон савдо майдончалари, ижтимоий тармоқлар ва маркетинглардаги сохта эълонлар; в) маълумот ва алгоритмга таъсир кўрсатиш орқали содир этиладиган фирибгарликлар сохта маълумот киритиш, ҳисобварақ балансини ўзгартириш, тўлов жараёнида рақамли манипуляция; г) гибрид фирибгарликлар биринчи алоқа онлайн ўрнатилиб, мулкки бериш ёки пулни қабул қилиш офлайн босқичда тугалланади.

Х.Очиловнинг фикрича, компьютер воситалари орқали фирибгарликда айбдор кўп ҳолларда маълумотлар базасига ноқонуний кириб, ёлғон маълумот киритиш орқали жабрланувчини чалғитади⁴. Р.Алтиев эса ахборот тизими, тўлов карталари ва электрон тўлов воситаларини фирибгарликнинг мустақил квалификациявий кўринишлари сифатида ажратиш зарурлигини асослайди⁵. Ўрганилган суд-тергов амалиёти материаллари ҳам бу фикрни амалиёт билан тасдиқлайди: унда OLX, ижтимоий тармоқлар, Telegram-ботлар, QR-код орқали тўлов ва қалбаки давлат хизматлари хабарлари алоҳида хавфли тенденциялар сифатида қайд этилган.

Иккинчи ўлчов – жиноят предмети ва мулккий таъсирнинг шакли. Бу ерда нақдсиз пул маблағлари, банк ҳисобварақлари, тўлов карталари, электрон ҳамёнлар, рақамли идентификаторлар, онлайн кредит маблағлари, маркетинглар орқали сотилаётган товар ёки хизматлар, ҳатто маълум ҳолларда рақамли платформаларда шакллантирилган мулккий ҳуқуқлар ҳам қамраб олинади.

Учинчи ўлчов – жабрланувчи профили. Кибервиктимология соҳасидаги тадқиқотлар онлайн фирибгарлик хавфи шахснинг рақамли саводхонлиги, “қодир ҳомий” механизми мавжудлиги, техник ҳимоя воситаларидан фойдаланиши ва қундалик онлайн фаолияти билан узвий боғлиқлигини кўрсатади⁶. К.Парти катта ёшдагиларга оид тадқиқотида айнан компьютер билан танишлик даражаси, техник ҳимоя чоралари ва муурожаат қилиш маданияти онлайн фирибгарликка мойилликка таъсир қилишини кўрсатади⁷. Л.Шапиро эса айниқса имперсонатор (ўзини бошқа шахс сифатида танитиш, унинг кўринишини, овозини, хулқ-атворини кўчириб тақдим этиш – изоҳ бизни) ликка асосланган киберфирибгарлик схемаларида ёши катта шахслар, эмоционал босим ва ишончдан фойдаланиш орқали тезроқ нишонга айланишини таъкидлайди⁸. Биз ўрганган суд ҳукмлари таҳлили “виктимологик заифлик”, қўрқув, шошилиш қарорга мажбурлаш ва психологик манипуляция рақамли фирибгарликнинг амалий белгилари эканлигини кўрсатади. Демак, тасниф фақат технология эмас, балки иродани бузиш усули ва жабрланувчининг рақамли ҳимоя қобилияти, шунингдек унинг кибергигиенага риоя қилиши даражасини ҳам қамраб олиши лозим.

Хорижий тажриба таҳлилидан кўринадики, Германия модели назарий жиҳатдан энг пухта ишланган конструкциялардан биридир. Германия Жиноят кодексининг 263а-параграфи компьютер фирибгарлигини мулккий зарар келтириш мақсадида маълумотларга ишлов бериш натижасига нотўғри дастур тузиш, нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотлардан фойдаланиш, рухсатсиз маълумот қўллаш ёки бошқача ноқонуний таъсир кўрсатиш орқали содир этилган қилмиш сифатида белгилайди⁹. Бу ерда диққатга сазовор нуқта шуки, алдов бевосита инсонга эмас, автоматлаштирилган маълумотларга ишлов бериш жараёнига қаратилган. Немис доктринаси ва А.Э. Жалинскининг қарашлари ҳам айнан шу фарқи очиб беради: умумжиноий фирибгарликда янглиштирилган субъект инсон бўлса, компьютер фирибгарлигида нотўғри натижа

дастур ёки маълумотлар оқимига таъсир орқали вужудга келади¹⁰. Германия тажрибасининг афзаллиги шундаки, у рақамли муҳитдаги фирибгарликни классик таркибдан ажратади, лекин уни мутлақо бошқа мулккий жинойтга айлантормайди; аксинча, мулккий зарар ва маълумотларга ишлов бериш механизмини ўзаро боғлайди. Ўзбекистон қонунчилиги учун бу тажриба муҳим, чунки у ахборот тизими орқали содир этилган фирибгарликни техник жиҳатдан аниқроқ ифодалаш имконини беради.

Буюк Британия модели эса бошқача йўлни танлайди. Fraud Act 2006 фирибгарликни алоҳида “кибер” ва “аънавий” турларга бўлмайди; аксинча, у ёлгон ифодалаш, ахборотни ошкор қилмаслик ва лавозимни суистеъмом қилиш каби кенг, технологияга нисбатан нейтрал конструкцияларни белгилайди. Алоҳида аҳамиятлиси ушбу қонунда “representation” фақат инсонга эмас, балки автоматик тарзда хабарни қабул қиладиган, қайта ишлайдиган ёки жавоб берадиган ҳар қандай тизим ёки қурилмага юборилган маълумотни ҳам қамраб олади¹¹. Бу ёндашув қонунни тез эскириб қолишдан сақлайди: янги иловалар, платформалар, рақамли ҳамёнлар ёки келажақда пайдо бўладиган тўлов инфратузилмаларини қайта-қайта қонунчиликка киритиш талаб этилмайди. АҚШ модели эса фрагментар хусусиятга эга: компьютер орқали фирибгарлик, одатда, муҳофаза қилинган компьютерга рухсатсиз кириш ва фирибгарликни ривожлантириш учун қимматлик олишга оид 18 U.S.C. §1030(a)¹², шунингдек телекоммуникация, идентификация ва тўлов воситаларига оид бошқа федерал қонунлар жамланмаси орқали қамраб олинади¹³. Ушбу моделнинг кучи мослашувчанлик ва тергов имкониятларининг кенглигида; заиф томони эса нормаларнинг парчаланганлиги ва бир хил қилмишнинг бир неча таркиблар билан кесишишида намоён бўлади. Ўзбекистон учун Буюк Британиянинг технологияга нейтрал формуласи ҳам, АҚШнинг секторлар бўйича махсус муҳофаза модели ҳам маълум даражада фойдали, аммо уларни тўлиқ кўчириш эмас, балки миллий ҳуқуқий тизимга мослаштириш лозим.

Қозоғистон тажрибаси Ўзбекистон учун айниқса қизиқ, чунки ҳуқуқий аънава яқин. Қозоғистон Жиноят кодексига фирибгарликнинг умумий таркиби сақланган бўлса-да, ахборот тизимидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳолатларга нисбатан махсус ёндашув шакланган, бу ерда баъзан ҳимоя объекти фақат мулк эмас, балки ахборот тизимидан хавфсиз фойдаланиш нуносабатларини ҳам қамраб олади¹⁴. Бу позиция Ўзбекистон қонунидан фарқ қилади: бизнинг қонун мулккий натижа ва содир этиш усулига урғу беради, Қозоғистон эса айрим ҳолларда ахборот муҳитининг ўзини ҳам ҳимоя объекти сифатида кучайтириб кўради. Россияда эса алоҳида “компьютер ахбороти соҳасидаги фирибгарлик” модели танланган. Бу тажриба назарий жиҳатдан қизиқ бўлса-да, у классик фирибгарлик ва компьютер жинойтлари ўртасидаги чегарани мураккаблаштириши ҳақида илмий баҳслар мавжуд¹⁵. Фикримизча, Ўзбекистон учун энг мақбул йўл Россиядагидек тўла алоҳида таркибни кенгайтириш эмас, балки Германия ва Буюк Британия тажрибасидан улғу олиб, умумий фирибгарлик доирасида рақамли муҳитга хос квалификациявий ва махсус таркибларни аниқлаштиришдир. Бу ҳолда ҳуқуқий аниқлик ҳам, технологик мослашувчанлик ҳам таъминланади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, рақамли фирибгарлик кўпинча “соф киберсхема” эмас, балки гибрид тузилмага эга. Жинойт ишлари бўйича Сардоба туман судининг 2024 йил 4 октябрдаги 1-1207-2401/106-сонли ҳукмида айбдор шахс телефон орқали жабранувчинини мавжуд эмас қарздорлик ва текширув ҳақида чалғитиб, гўё танишлари орқали муаммони ҳал қилишни ваъда қилиб, 4 млн. сўм олишга уринган; суд бу қилмишни фирибгарликка суиқасд ва пора беришга далолат қилиш сифатида квалификация қилган¹⁶. Ушбу ҳукм “соф ахборот тизими орқали фирибгарлик” намунаси эмас, лекин у замонавий фирибгарликнинг муҳим хусусиятини очиб беради: рақамли алоқа канали, расмий тузилма номидан чиқиш, психологик босим ва мулккий манфаатни уйғунлаштириш. Суд-тергов материалларини ўрганиш ҳам худди шундай ҳулосани шакллантиришга туртки берган, яъни аввал онлайн ишонч ҳосил қилиш, кейин офлайн пул олиш; ёки аксинча, шахсий танишувдан сўнг Telegram, OLX, платформа ва ботлар орқали мулккий ҳаракатни яқунлаш асосий хавфли тенденциялар сифатида қайд этилган. Шу боис тергов ва суд амалиётида “рақамли восита қатнашган ҳар қандай фирибгарлик” билан “ахборот тизими механизмига таянган фирибгарлик”ни ажратиш зарур. Бу фарқ санкцияни индивидуаллаштириш, далилларни тўплаш ва қўшимча квалификация масалаларида ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Юқоридаги таҳлилдан келиб чиқиб, Ўзбекистон қонунчилигини такомиллаштириш бўйича бир неча аниқ тақлифларни илгари суриш мумкин.

Биринчидан, ЖКнинг 168-моддаси диспозициясини қайта кўриб чиқиб, ахборот тизими, ахборот-коммуникация технологиялари, тўлов карталари, электрон тўлов воситалари, рақамли идентификаторлар ва QR-тўлов инфратузилмаси орқали содир этиладиган фирибгарликни бир хил формула эмас, балки алоҳида квалификациявий шакллар сифатида ифодалаш лозим.

Иккинчидан, онлайн кредит, микроқарз ва масофавий молиялаштириш соҳасидаги фирибгарлик учун махсус таркиб жорий этиш масаласига жиддий қайтиш керак; чунки бу ерда жабранувчи фақат хусусий шахс эмас, балки банк, микромолия ташиклоти ва рақамли скоринг тизимларига ҳам ёлгон маълумот тақдим этади¹⁷.

Учинчидан, Будапешт конвенциясига уйғун ҳолда, маълумотларни киритиш, ўзгартириш, йўқ қилиш, тўсиб қўйиш ёки автоматлаштирилган тизим ишига ноқонуний аралашши орқали мулккий зарар келтирилган ҳолатларда классик алдов мавжуд бўлмаса ҳам, жинойий жавобгарликнинг аниқ формуласи ишлаб чиқиши керак¹⁸.

Тўртинчидан, юқорида қайд этилган Пленум қарорини тўлдириш орқали электрон ҳамён, банк иловаси, токен, QR-код ва карта реквизитлари орқали маблағ ўтказишда фирибгарликнинг тугалланиш пайтини янада аниқроқ белгилаш мақсадга мувофиқ.

Бешинчидан, етказилган моддий зарар тўлиқ қопланмаган ҳолатларда рағбатлантирувчи ва енгилаштирувчи институтларни қўллаш чегараларини қайта кўриб чиқиш лозим. Охир-оқибат, рақамли фирибгарликка қарши курашни фақат санкцияни оғирлаштиришга боғлаш хато; электрон верификация, платформалар билан ҳамкорлик, рақамли далилларни сақлаш тартибини такомиллаштириш ва аҳолининг рақамли саводхонлигини ошириш каби чоралар ундан кам аҳамиятга эга эмас.

Муаллифлик позицияси сифатида куйидаги ҳулосани илгари суриш мумкин: ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этиладиган фирибгарликка қарши самарали ҳуқуқий реакция жазони механик кучайтиришда эмас, балки жинойт таркибини концептуал аниқлаш, уни қўшни таркиблардан тўғри ажратиш, рақамли муҳитга мос квалификация мезонларини ишлаб чиқиш ва профилактика механизмларини кучайтиришдадир. Айни шу йўналишдаги ислохотлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида барқарорликни таъминлайди, рақамли иқтисодиёт иштирокчиларининг ҳуқуқий ҳимоясини оширади ва замонавий кибервиктимизация хавфини камайтиради.

Жаъсурбек САТТАРОВ,

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 27.03.2026 й., 03/26/1124/0277-сон. <https://lex.uz/docs/111453>
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сон қарори. <https://lex.uz/docs/6523582>
3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сон қарори. <https://lex.uz/docs/6523582>
4. Очиллов Ҳ.Р. Узгалар мулккини компьютер воситаларидан фойдаланиб талон-тороқ қилганлик учун жавобгарлик: юридик фанлар бўйича PhD диссертацияси. — Тошкент, 2017. — Б.115.
4. Аптиев Р.С. Фирибгарликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари: юридик фанлар бўйича PhD диссертацияси. — Тошкент, 2020. — Б.39.
6. Pratt, T.C., Holtfreter, K., & Reising, M.D. Routine Online Activity and Internet Fraud Targeting: Extending the Generality of Routine Activity Theory // Journal of Research in Crime and Delinquency. 2010. Vol. 47(3). P. 267–296. doi: 10.1177/0022427810365903.
7. Partl, K. What is a capable guardian to older fraud victims? Comparison of younger and older victims' characteristics of online fraud utilizing routine activity theory // Frontiers in Psychology. 2023. Vol. 14. Article 1118741. doi: 10.3389/fpsyg.2023.1118741.
8. Shapiro, L.R. Cyber-enabled imposter scams against older adults in the United States // Security Journal. 2025. Vol. 38(2). doi: 10.1057/s41284-025-00483-3.
9. Strafgesetzbuch (StGB) der Bundesrepublik Deutschland. §263a. Computerbetrug. <https://www.gesetze-im-internet.de/stgb/>
10. Жалинский А.Э. Современное немецкое уголовное право. — М., 2004. — С. 462–463.
11. Fraud Act 2006 (United Kingdom). <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2006/35/contents>
12. Council of Europe. Convention on Cybercrime (Budapest Convention), 2001.
13. United States Code. 18 U.S.C. §1030(a)(4).
14. Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси. <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000226#z7>
15. Уголовный кодекс Российской Федерации от 13.06.1996 N 63-ФЗ (ред. от 09.04.2026). https://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_10699/
16. Жинойт ишлари бўйича Сардоба туман судининг 2024 йил 4 октябрдаги 1-1207-2401/106-сонли ҳукми
17. Аптиев Р.С. Фирибгарликнинг жиноят-ҳуқуқий ва криминалогик жиҳатлари: юридик фанлар бўйича PhD диссертацияси. — Тошкент, 2020. — Б.90.
18. Council of Europe. Convention on Cybercrime (Budapest Convention), 2001.

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ МЕХАНИЗМЛАРИ

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни бирдан-бир тузилма билан тартибга солиб бўлмайди. Негаки истеъмол қилинаётган ҳар бир товар, маҳсулот ёки хизмат бир неча соҳага (техник, санитария, экология, молия, қурилиш ва бошқалар) тегишли бўлиб, уларнинг ҳар бири ўзига хос хавфсизлик ва сифат талабларини ўз ичига олади. Демак, улар ҳар бирининг ўз ташкилотлари бор ва улар асосий, соҳавий ҳамда қўшимча аҳамиятга эгадирлар.

Ўзбекистонда ушбу соҳадаги бош ташкилот – Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси саналиб, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатини айнан у амалга оширади. Қўмита бозорда соғлом рақобат муҳитини таъминлаш, монополияга қарши туриш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини давлат томонидан ҳимоя қилиш мақсадида ташкил этилган марказий давлат бошқаруви органидир.

Институционал жиҳатдан Қўмита назорат, экспертиза, текширишлар, мажбурий кўрсатмалар ва судгача низоларни ҳал қилиш ролини бажаради. Улар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмларининг бир қисми сифатида ишлайди – фуқароларнинг соғлиғи, мол-мулки ва кадр-қимматини ҳимоя қилади. Бу модель АҚШнинг Федерал савдо комиссияси, Европа Комиссиясининг Адлия ва истеъмолчилар бошқармаси билан ўхшаш: рақобат сиёсатини истеъмолчилар ҳимояси билан интеграция қилиш ресурсларни самарали тақсимлаб ва сиёсатнинг изчиллигини таъминлайди. Халқаро миқёсда Қўмита функцияларининг кенглиги билан ажралиб туради, лекин ижро қудратини кучайтириш ва рақамли трансформацияни чуқурлаштириш талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг давлат институционал механизмлари билан бир қаторда жамоатчилик нодавлат механизмлари ҳам муҳим ўрин тутди. Уларнинг етакчиси – “Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси” бўлиб, асосий институционал механизм сифатида хизмат қилади: улар вакилликни марказлаштиради, ҳимоя нормаларини стандартлаштиради, ўқитиш ва тажриба алмашиш орқали фаолият юритади ва бошқарув шаффофлигини кафолатлайди, бу эса уларнинг барқарор истеъмол сиёсати ва бозор амалиётига таъсирини кучайтиради. Бу модель амалий жиҳатдан БМТ йўриқномасининг 5-банди ҳ-қисмига мувофиқдир, яъни давлат органлари билан бирга жамоатчилик бирлашмаларининг ролини кучайтиради. Федерация 2018 йилдан буён Халқаро истеъмолчилар ташкилотининг тўлақонли аъзоси бўлиб, халқаро стандартларни миллий амалиётга жорий этишда муҳим роль ўйнайди. Федерация таркибида 14 та ҳудудий бирлашма, 193 та туман (шаҳар) жамияти мавжуд. Бу тизим маҳалла даражасигача етиб боради ва фуқароларнинг тўғридан-тўғри иштирокини таъминлайди. Федерация:

– аҳоли ўртасида истеъмолчилар ҳуқуқлари тўғрисидаги қонунларни тарғиб қилиш;

– семинарлар, оммавий ахборот воситалари ва маҳаллий тадбирлар орқали истеъмолчиларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш;

– мурожаатларни қабул қилиш, маслаҳат бериш, судгача ҳал қилишда ёрдамлашиш;

– ички бозордаги товарларнинг сифати ва хавфсизлигини назорат қилиш (махсус ваколатли давлат органлари билан биргаликда тасдиқланган режа асосида);

– таълим ва тарғибот ишларини амалга ошириш;

– таъсирчан механизмларни яратишда давлат бошқаруви, ўзини ўзи бошқариш органлари ва назорат органлари билан биргаликда иш олиб бориш. Ушбу функциялар тизимли ва комплекс характерга эга: улар профилактика (тарғибот, маърифат, мониторинг) ва институционал шерикликни қамраб олади.

“Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 25–26-моддаларига мувофиқ, товар, иш, хизматларнинг хавфсизлиги ва сифатини назорат қилувчи органлар соҳавий даражада ҳам ишлайди. Соҳавий институтлар қуйидагича:

Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги: мажбурий стандартларни белгилайди, сертификация ўтказди, сифат ва хавфсизликни назорат қилади. Бир сўз билан айтганда у истеъмолчилар хавфсизлик ҳуқуқининг техник ҳимоячиси. Агентлик ахборот асимметриясини камайтиради ва инсон ҳаётини ҳимоя қилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги: Озиқ-овқат, дори-дармон ва тиббий хизматларнинг санитария-эпидемиология назоратини амалга оширади. Истеъмолчилар соғлиқ ҳуқуқининг соҳавий ҳимоячиси. Жамоат саломатлигини ҳимоя қилиш орқали инсон ҳуқуқларининг иқтисодий-ижтимоий ўлчовини амалга оширади.

Қурилиш вазирлиги: Уй-жой ва коммунал хизматларнинг сифати ва хавфсизлигини назорат қилади. Истеъмолчиларнинг муносиб ва хавфсиз яшаш ҳуқуқини ҳимоя қилади.

Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитаси: экологик хавфсизликни таъминлайди. Барқарор истеъмол ҳуқуқини ҳимоя қилади ва экологик хатарларнинг инсон ҳуқуқларига таъсирининг олдини олади.

Марказий банк ва бошқа органлар, Транспорт, Рақамли технологиялар вазирликлари: молиявий, транспорт ва телекоммуникация соҳаларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Рақамли иқтисодийёт шароитида инсон ҳуқуқларининг янги ўлчовларини (маълумотлар хавфсизлиги, молия) ҳимоя қилади.

Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал механизмларини асосий, соҳавий ва қўшимча институтларга ажратиб ўрганиш нафақат илмий, балки амалий нуқтаи назардан ҳам долзарб аҳамиятга эга. Чунки, уларнинг ажратилиши ва самарали ҳамкорлиги инсон ҳуқуқлари бузилишини соҳавий даражада тўғрилаш имконини беради. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кўмитаси умумий сиёсатни амалга оширса, соҳавий органлар муайян йўналишдаги хавфсизлик ва сифатни назорат қилади, қўшимча институтлар эса жамоатчилик назорати ва маърифий ишларни таъминлайди. Бу тизим авваломбор инсон ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш, бозорнинг рақобатбардошлигини ошириш ва фуқаролар ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Хавфсизлик ва сифатни таъминлаш орқали улар инсоннинг ҳаёт ва соғлиқ, муносиб яшаш ва кадр-қиммат ҳуқуқини амалга оширади.

Шунингдек, рақамли ва соҳавий институтлар орқали инсоннинг бирламчи ҳуқуқлари бўлмиш маълумот олиш ва барқарор истеъмол ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Институтларнинг самарали ҳамкорлиги Ўзбекистонда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг миллий тизимини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва инсон ҳуқуқларининг самарали ҳимоясини таъминлашнинг муҳим шартидир. Келажакда рақамлаштириш, органлар ўртасидаги интеграцияни кучайтириш ва илмий-тадқиқот салоҳиятини ошириш орқали бу механизмларни янада такомиллаштириш зарур.

Венгриялик олим Csilla Margit Csiszár ўзининг “Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал моделлари” мақоласида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал механизмларини ягона универсал институт сифатида эмас, балки турли Европа Иттифоқи мамлакатлари бўйича қиёсий тизим сифатида таҳлил қилади. Муаллиф шунингдек, ахборот алмашинуви, трансчегаравий шикоятлар ва миллий ҳоқимиятлар ўртасида мувофиқлаштиришни осонлаштирадиган Европа истеъмолчилар марказлари тармоғи ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорлик тизими каби миллий ва тармоқ механизмларини таъкидлайди. Европада ягона истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тузилмаси мавжуд эмас ва институционал механизмлар марказлаштириш даражаси, давлатнинг роли, ННТларнинг иштироки ва ваколатларнинг тақсимланиши жиҳатидан фарқ қилади, деган хулосага келади.

Европа Иттифоқида истеъмолчиларни ҳимоя қилиш асосан миллий даражада амалга оширилади, лекин Европа Комиссияси уларни мувофиқлаштиради ва трансчегаравий муаммолар учун махсус тармоқлар яратган.

Европа Истеъмолчилар Марказлари Тармоғи 29 та миллий марказдан иборат бўлиб, истеъмолчиларга бепул маслаҳат бериш, трансчегаравий низоларни (бошқа мамлакатдаги сотувчи билан) ҳал қилишга ёрдамлашиш ва Марказ ҳуқуқшуносларининг истеъмолчига ҳуқуқларини тушунтириш, сотувчилар билан музокаралар олиб бориш асосий вазифасидир.

Энг муҳим институтлардан бири Европа Комиссиясининг Адолат ва Истеъмолчилар бошқармасидир. Ушбу бошқарма истеъмолчилар сиёсатини ишлаб чиқиш, мувофиқлаштириш ва амалга ошириш учун масъул ҳисобланади.

Ушбу бошқарма истеъмолчилар сиёсатини Европа ягона бозори ишлашининг муҳим қисми сифатида кўради. У 450 миллион истеъмолчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг иқтисодий ҳаётдаги ролини (ЯИМнинг 51% дан ортиғи истеъмолчилар сарф-харажатлари ҳисобидан) кучайтиришга қаратилган.

Сўнгги йилларда қонунлар такомиллаштирилган, лекин трансчегаравий низолар, онлайн савдо ва низоларни самарали ҳал қилиш механизмлари ҳали ҳам ривожланиш босқичида. Шу сабабли, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини юқори даражада ҳимоя қилиш мақсадида, Миллий истеъмолчилар омбудсмани ва “Истеъмолчилар низоларини ҳал қилишнинг алоҳида марказлари” ташкил қилиш таклиф қилинади. Ушбу институтларнинг Ўзбекистонда жорий этилиши суд юкини камайтиради ва истеъмолчиларнинг ишончини оширади.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодий ва онлайн савдо жуда тез ўсиб бораётган даврда истеъмолчиларни ҳимоя қилиш бўйича ҳамкорлик тармоғига ўхшаш Ўзбекистоннинг миллий истеъмолчиларни ҳимоя қилиш органлари тармоғини жорий қилиш самарали бўлади. Ушбу тармоқ истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда идоралараро маълумот алмашинувини тезлаштириш — турли вазирлик ва идоралар, яъни Рақобат кўмитаси, Марказий банк, Рақамли технологиялар вазирлиги ва нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда бошқа тегишли идоралар, ўртасида ҳамкорликни кучайтиришга, низоларни самарали ҳал қилиш, чет эл сотувчилари билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишга ва албатта суд юкини камайтиришга, шунингдек инсон ҳуқуқлари ишончли ҳимоя қилинишига олиб келади.

Паризод Зиё Азамат қизи,

ФА Давлат ва ҳуқуқ институти мустақил изланувчиси.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси президентининг расмий сайти <https://president.uz/uz/lists/view/4179>
2. Ташкилотнинг расмий сайти. <https://www.ftc.gov/>
3. Ташкилотнинг расмий сайти. https://commission.europa.eu/about/departments-and-executive-agencies/justice-and-consumers_en
4. Ташкилотнинг расмий сайти https://unctad.org/system/files/official-document/ditccplpmisc2016d1_en.pdf
5. Ташкилотнинг расмий сайти <https://www.consumersinternational.org/members/members/federation-of-societies-for-consumer-rights-protection-uzbekistan/>
6. Китоб: Management Challenges in the 21st Century. Volume II : Further Challenges <https://real.mtak.hu/42267/1/InstitutionalModelsofConsumerProtection.pdf>
7. Ташкилотнинг расмий сайти <https://www.eccnet.eu/>
8. Ташкилотнинг расмий сайти https://commission.europa.eu/about/departments-and-executive-agencies/justice-and-consumers_en
9. Ташкилотнинг расмий сайти. https://commission.europa.eu/about/departments-and-executive-agencies/justice-and-consumers_en
10. Ташкилотнинг расмий сайти. https://commission.europa.eu/topics/consumers/consumer-rights-and-complaints/enforcement-consumer-protection/consumer-protection-cooperation-network_en
11. Ўзбекистон Республикасининг Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчилигига шарҳлар. Жамоавий монография, Тошкент — 89-бет.

ДИНИЙ БАҒРИКЕНГЛИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ТОТУВЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИНИНГ РОЛИ

Бугунги кунда миллатлараро ҳамжиҳатлик ва динлараро бағрикенгликни сақлаш ҳар қандай кўп миллатли мамлакат тараққиёти ва барқарорлиги учун муҳим омил ҳисобланади. Юртимиздек кўп миллатли ва кўп конфессияли давлатда тотувликни таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистон замида асрлар давомида турли миллат ва дин вакиллари тинч-тотув яшаб келган бўлиб, бағрикенглик миллатимиз менталитетининг ажралмас қисми саналади. Шу боис тинчлик, бағрикенглик, маданиятлараро уйғунлик ва миллатлараро тотувлик мамлакатнинг келажаги билан чамбарчас боғлиқ.

Жамиятда бағрикенглик муҳитини қарор топтиришда фуқаролик жамияти институтлари – нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари (маҳаллалар), оммавий ахборот воситалари, диний конфессиялар ва миллий маданий марказлар муҳим ўрин тутди. Булар сафига яна касаба уюшмалари, маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар ва ёшлар ташкилотлари, миллий маданий марказлар, диний ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари кабиларни ҳам киритиш мумкин. Мазкур институтлар жамиятда бағрикенглик ва тотувлик кадриятларини қарор топтиришда ўзига хос функцияларни бажаради.

Фуқаролик жамияти субъектлари ўз фаолиятлари орқали жамиятда миллат ва этниқодидан қатъи назар, ҳар бир шахс ўзини тенг ва қадрли ҳис этиши мумкин бўлган муҳитни шакллантиришга ёрдамлашади. Бу соҳада фуқаролик жамиятининг самарали фаолият юритиши кўп жиҳатдан мустаҳкам ҳуқуқий асос ва давлат томонидан яратилган шарт-шароитларга боғлиқ. Мамлакатимизда миллий тотувлик ва диний эркинликларнинг кафолатларини белгилаб берган Асосий қонунимизнинг 18-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон фуқаролари жинси, ирқи, миллати, тили, дини ва этниқодидан қатъи назар тенг ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб конституциявий нормалар давлатнинг дунёвий асосларига мувофиқ ҳолда жамиятда турли этниқод ва миллий мансубликдаги фуқароларнинг ҳуқуқий тенглигини таъминлайди.

Конституцияда белгилаб қўйилган тамойилларни рўйбга чиқариш мақсадида сўнгги йилларда Ўзбекистон қонунчилигида муҳим ислохотлар амалга оширилди.

Давлат диний соҳада қонунчилик ислохотлари билан бир қаторда стратегик дастурий ҳужжатларни ҳам қабул қилди. 2025 йил 25 февралда “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси” тасдиқланди. Ушбу Концепция Ўзбекистоннинг миллий ва тарихий тажрибаси ҳамда умуминсоний кадриятларга таянган ҳолда ишлаб чиқилиб, кўп миллатли ва кўп конфессияли Ўзбекистонда барча жамият аъзолари манфаатларини ўзида ифодалайди. Фуқароларнинг демократик тамойиллар, эркинлик ва тенглик асосида ўзаро тотувликда яшашлари учун зарур шароит яратишни давлат сиёсатининг мақсади сифатида белгилайди. Концепцияда таъкидланишича, диний этниқод ва диний бағрикенглик жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларидан бири бўлиб, турли миллат ва элат вакиллари билан бирлиги ва жипслигига хизмат қилади.

2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони билан тасдиқланган “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсати концепцияси” ҳам юқоридаги мақсадларга хизмат қилиб, унда жамиятда миллатчилик асосида пайдо бўлиши мумкин бўлган можароларнинг олдини олиш, барча миллат ва элат вакиллари билан ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг тили ва маданиятига ҳурматни таъминлаш каби вазифалар белгилаб берилган. Ушбу концепцияни амалга ошириш доирасида Миллатлараро муносабатлар ва хориджада ватандошлар масалалари бўйича қўмита фаолияти кучайти-

рилиб, миллий маданий марказларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини рағбатлантириш чоралари йўлга қўйилди.

Юқоридаги қонун ва дастурий ҳужжатларнинг қабул қилиниши Ўзбекистонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида мустаҳкам ҳуқуқий замин яратди. Эндиликда бу меъёрлар ҳаётга татбиқ этилишида фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистонда давлат органлари ва фуқаролик жамияти ўртасида ижтимоий шериклик механизмлари орқали миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни мустаҳкамлашга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар, маҳаллалар ва миллий маданий марказлар аҳоли ўртасида дўстлик ва бағрикенглик ғояларини тарғиб қилувчи тадбирларни тизимли ўтказиб келмоқда. Бундай тадбирлар орқали турли миллат вакиллари бир майдонда ўз маданияти ва урф-одатларини намойиш этиб, бир-бирини яқиндан танишига имконият пайдо бўлмоқда. Миллий маданий марказлар турли миллатлар байрамлари, адабиёт ва санъат кечалари, доимий тўғарақлар уюштириш орқали ўз халқининг меросини асраш билан бирга, бошқаларга танитиш ва ҳурмат уйғотиш функцияларини бажармоқда. Шу орқали амалда барча миллатлар ва динларга бирдек эҳтиром кўрсатиш, “Ўзбекистон – умумий уйимиз” деган тамойилни ҳаётга жорий этишга эришилмоқда.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, фуқаролик жамияти институтлари бевосита жамият ичида диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашнинг “ишчи кучлари” ҳисобланади. Улар давлат қонун-қоидалари ва халқаро тамойилларни ҳаётга татбиқ этишда воситачи бўлиб, халқнинг кенг қатламларини бағрикенглик ғояси атрофида жипслаштиради. Бу фаолият самарадор бўлиши учун фуқаролик жамияти эркин ва хавфсиз фаолият юритиши, қонун устуворлиги таъминланган бўлиши зарур ҳисобланиб, Ўзбекистон сўнгги йилларда бу борада сезиларли ижобий силжишларга эришди ва фуқаролик жамиятининг ролини ошириш учун институционал ва ҳуқуқий шароитларни яхшилашда давом этмоқда.

Фируз РАШИДОВ,

*Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси
доценти, ю.ф.б.ф.д.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023-й., 03/23/837/0241-сон.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Қонуни. (2021 йил 5 июн) Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 06.07.2021 й., 03/21/699/0635-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги УРҚ-1037-сон қонуни. (2025 йил 25 феврал) (Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 26.02.2025 й., 03/25/1037/0187-сон).
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 15 ноябрдаги “Миллатлараро муносабатлар соҳасида Ўзбекистон Республикаси давлат концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5876-сон фармони.

МАЪМУРИЙ СУДЛАРНИНГ ФУҚАРОЛАР ИШОНЧИ ВА ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

АННОТАЦИЯ: мақолада маъмурий судларнинг фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг суд ҳокимиятига бўлган ишончи ва ҳуқуқий маданиятини шакллантиришдаги ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган. Маъмурий суд ишларини юриштиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, ариза бериш муддатларининг тўхтатилиши ва узилиши институтини жорий қилиш, суднинг муддатни тиклаш бўйича мажбурий ваколатларини белгилаш, шунингдек, маъмурий низоларда учинчи шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: маъмурий суд, ҳуқуқий маданият, тадбиркорлар ҳуқуқлари, оммавий-ҳуқуқий низо, ариза бериш муддати, процессуал муддат, муддатни тиклаш, учинчи шахс, маъмурий иш юриштуви, суд ҳимояси, ҳуқуқий кафолат, зарарни қоплаш, маъмурий процедура, суд амалиёти, ҳуқуқий ислоҳот

Миллий амалиёт таҳлиллари маъмурий суд ишларини юриштишда ариза ва шикоят бериш муддатларини қўллашда ҳуқуқий ноаниқликлар, муддатларни тиклаш институтининг етарли даражада такомиллашмаганлиги, шунингдек, оммавий-ҳуқуқий низоларда учинчи шахслар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда уларга етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ ҳуқуқий бўшлиқлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Бу эса фуқаролар ва юридик шахсларнинг суд орқали ҳимояланиш имкониятларини чеклаши, суд қарорларига нисбатан ишончнинг пасайишига сабаб бўлиши мумкин.

Айниқса, маъмурий ишларда “манфаатдор шахс ўз ҳуқуқи бузилганлигини билиши лозим бўлган пайт” тушунчасининг аниқ ҳуқуқий тартибга солинмаганлиги, айрим ҳолатларда асоссиз ёки қонунга зид қарорларни қайта кўриб чиқиш имкониятини чеклаётгани, процессуал муддатларнинг қатъийлиги билан адолат принципи ўртасида мувозанатни таъминлаш муаммосини юзага келтирмоқда. Шунингдек, давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари натижасида учинчи шахсларга етказилган зарарларнинг маъмурий суд иш юриштувида тўлиқ ҳал этилмалиги уларнинг ҳуқуқларини тиклашда ортиқча вақт ва харажатларни келтириб чиқармоқда. Мазкур ҳолатлар маъмурий суд ишларини юриштиш тўғрисидаги қонунчиликни такомиллаштириш, процессуал муддатларнинг тўхтатилиши ва узилиши институтларини жорий қилиш, судларга муддатни тиклаш бўйича кенгроқ ваколатлар бериш, шунингдек, учинчи шахслар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган аниқ ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш зарурлигини кўрсатмоқда.

Дастлаб, маъмурий ишларда ариза ёки шикоят бериш муддатлари борасидаги ҳуқуқий муаммоларни тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ. Маъмурий ишларда ариза бериш муддатининг бошланишида манфаатдор шахс ўз ҳуқуқлари бузилганлигини билиши лозим бўлган пайт деган тушунча қўлланилмаганлиги фуқаролар ва юридик шахсларнинг маъмурий судларга бўлган эътирозига сабаб бўлмоқда.

Е.Б.Лупаревнинг фикрига кўра, “...маъмурий судлар томонидан процессуал қоидаларга қатъий риоя этиш шарт бўлгани каби моддий нормаларни ҳам тўғри талқин қилиш мажбурияти мавжуд. Бунда процессуал қоидалар дастлабки босқичда муҳим аҳамият касб этади ва ўз навбатида ариза ва шикоятларни қабул қилиш муддатларининг қонунчиликка мувофиқлигини текширишдан бошланади”¹, дея таъкидлайди.

А.Б.Зеленцов ҳам маъмурий процедуралардан ариза ва шикоятларни қабул қилишда судлар дастлабки баҳони беришлари, муддатлар ўтганлигининг узрли сабаблари нималардан

иборат эканлигини аниқ фактлар билан аниқлашлари лозимлигини таъкидлайди².

Юқоридаги фикрларга қўшилаемиз, бироқ миллий қонунчиликда Маъмурий суд ишларини юриштиш тўғрисидаги кодексда судлар учун бундай шарт назарда тутилмаган, яъни мазкур муддатларни ўтказиб юборишни узрли эканлигини аниқлаш мажбурияти эмас, балки ваколати назарда тутилган.

Фуқаролик ишлари бўйича тадқиқот олиб борган олимларимиздан, Р.Д.Рўзиев бу борада “Фуқаролик ишларидаги даъво муддати ва маъмурий ишлардаги ариза (шикоят) бериш муддати бир биридан кескин фарқ қилади. ФКнинг 150-моддасига кўра фуқаролик ишларида умумий даъво муддати 3 йил. ФК 154-моддасига мувофиқ, фуқаролик ишларида даъво муддати шахс ўзининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан бошланади. Бу қоидадан истиснолар ФК ва бошқа қонунлар билан белгиланиши мумкин. Масалан, ишга тиклаш ҳақидаги низоларда даъво муддати ходимга буйруқнинг кўчирма нусхаси берилган кундан бошланади”³, дея таъкидлайди.

Олимнинг юқоридаги фикрларини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилаемиз, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2019 йил 24 декабрдаги “Маъмурий органлар ва улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 24-сон қарорига мувофиқ, маъмурий ишларда судга мурожаат қилиш муддати аризага кўйидагилар маълум бўлган куннинг эртасидан бошланади:

– унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлиги;

– ҳуқуқлари ва эркинликларини амалга оширишга тўсиқлар вужудга келтирилганлиги;

– унинг зиммасига бирор-бир мажбурият юкланганлиги⁴.

Бунда эътиборли жиҳати, маъмурий ишларда ариза бериш муддатининг бошланишида манфаатдор шахс ўз ҳуқуқлари бузилганлигини “билиши лозим бўлган пайт” деган тушунча қўлланилмаган. Яъни, фуқаролик ишларида даъвогар мана бу пайтда ўз ҳуқуқлари бузилганлигини билиши лозим эди, деб даъво муддати бошланиш вақтини белгилаш мумкин, маъмурий ишларда эса бундай шарт йўқ.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 153-моддасига кўра, фуқаролик ишларида даъво муддати суд томонидан фақат низодаги тарафнинг суд қарор чиқаргунича берган аризага мувофиқ қўлланади⁵. Маъмурий ишларда эса суд ҳар бир иш бўйича аризага томонидан қонун билан белгиланган судга

мурожаат қилиш муддатларига риоя қилинганлигини аниқлаши, мазкур муддатлар бузилганда эса, манфаатдор шахс ушбу ҳолатга эътибор қаратганлигидан қатъи назар уларнинг ўтказиб юборилиши сабабларини муҳокама қилиши лозим.

Бироқ, юқорида номи келтирилган Олий суд пленуми қарорининг 18-бандида, яна бир муҳим қоида – маъмурий ишларда Фуқаролик кодексининг даъво муддати тўғрисидаги қоидалари қўлланилмаслиги белгилаб қўйилган.

Шу қоидадан келиб чиқилса, ФКдаги даъво муддати ўтишининг тўхтатилиши, узилиши, тикланиши ҳақидаги қоидалари маъмурий ишларда қўлланилмайди.

Муддатлар борасида фуқаролик ва маъмурий ишлар учун умумий қоидалар ҳам бор. Ҳар иккала турдаги ишларда суд узрли сабаб билан муддат ўтказиб юборилган деб топса, муддатни тиклайди. Муддат ўтказиб юборилган деб топилганда даъво ариза ёки ариза (шикоят) ни қаноатлантириш рад этилади.

Шу билан бирга, процессуал муддатларни ўтказиб юбориш ҳам суд ишларини кўрмаслик тўғрисида қарор қилишга асос бўлиши мумкин. Бу борада амалиётдаги қуйидаги ҳолат ёрқин мисол бўлади. Хусусан, тадбиркор А. маъмурий судда кўрилган оммавий низо бўйича мурожаат қилди. Ҳал қилув қарори 2020 йилда чиқарилган, лекин апелляция шикоятни берилмаган. Ҳал қилув қарорида бир қатор хатоликлар мавжуд, улар қарорни бекор қилишга асос бўлади. Бироқ шикоят бериш муддати ўтиб кетиб бўлган. Муддатни тиклаш учун узрли сабаблар мавжуд эмас. Бу қарорга апелляция шикоятни берилган тақдирда ҳам суд шикоят бериш муддати ўтказиб юборилганлиги учун шикоятни қайтаради ёки иш юритишга қабул қилишни рад қилади⁶.

Ҳуқуқшунослар орасида мазкур масала бўйича турли фикрлар мавжуд. Бир гуруҳ олимлар процессуал муддатларнинг қатъийлигини ҳуқуқий аниқлик ва барқарорликнинг асосий кафолати деб ҳисоблайдилар. Уларга кўра, агар муддатлар сунъий равишда чўзилса, суд ишлари муттасил узоққа чўзилиб кетиши мумкин⁷.

Бироқ А.А.Соловьев ва А.А.Остроумов бошчилигидаги олимларнинг фикрича, қонуннинг бундай қатъийлиги индивидуал ҳолатларда адолатга хилоф бўлиб, “ҳақиқат ва қонунийлик устуворлиги” тамойилини таъминламайди. Улар судларга маълум шароитларда муддатни тиклашда кенгрок дискреция ваколатлари берилишини таклиф қилдилар⁸.

МСИЮТКнинг 203-моддасида апелляция шикоятни бериш қарор чиқарилган кундан бошлаб бир ой этиб белгиланган. Ушбу кодекснинг 227-моддасида кассация шикоятни апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан олти ой ичида берилиши мумкинлиги белгиланган⁹.

Фуқаролик ва иқтисодий судларда ҳам шикоят бериш муддатлари маъмурий судда белгиланган муддатларга ўхшаш, бунда шикоят бериш муддатларини узрли сабабсиз ўтказиб юборишнинг энг ёмон тарафи шундан иборатки, бунда фуқаролар ва юридик шахслар биринчи инстанция суди асоссиз ёки хато ҳал қилув қарор қабул қилган бўлса-да, буни исботлаб бериш имкониятидан маҳрум бўлади.

Биз иккинчи гуруҳ олимларининг фикрларига қўшиламыз, гарчи қонунчиликда аниқ муддатларнинг белгиланиши йиллар мобайнида ишларнинг судларда кўрилишининг олдини олса ҳам, айрим ҳолларда дастлабки инстанция судининг асоссиз ёки хато ҳал қилув қарори фуқаролар ёки юридик шахсларнинг манфаатларига жиддий зарар еткази.

Бу борада хориж мамлакатлари тажрибасига кўз ташлайдиган бўлсак, Германияда маъмурий ишлар бўйича апелляция шикоятни бериш муддати 1 ой, бироқ агар қарорда ҳуқуқий нуқсонлар ёки жиддий хатоликлар аниқланса, муддатни тиклаш институти кенг қўлланилади¹⁰. Францияда мурожаат қилиш муддати 2 ой этиб белгиланган, аммо ҳал қилув қарорида жиддий ҳуқуқий бузилишлар аниқланган ҳолатларда муддатни тиклашга истиснолар мавжуд¹¹.

Россия Федерацияси МСИЮТКда апелляция муддати 1 ой, кассация муддати 6 ой. Бироқ суд узрли сабаблар бўлмаса ҳам, “жиддий қонунбузарликлар” бўлган ҳолатларда муддатдан қатъий назар шикоятни кўриб чиқиши мумкин¹². Қозоғистон тажрибасида эса суд иш юритишда “адолат тамойили устувор” эканини инобатга олган ҳолда, шикоят бериш муддатини тиклаш масаласини анча кенг талқин қилади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси МСИЮТКнинг 186-моддаси биринчи қисмини қуйидаги тахрирда баён этиш таклиф этилади:

Агар ушбу Кодексда ёки ўзга қонунларда бошқа муддатлар белгиланмаган бўлса, маъмурий органнинг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг, улар мансабдор шахсларининг қарори, ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан ариза (шикоят) манфаатдор шахсга ўзининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари бузилганлигини билган ёки билиши лозим бўлган кундан ёки бу тўғрисида маълум бўлган пайтдан эътиборан олти ой ичида судга берилиши мумкин.

Шунингдек, 186-модда қуйидаги тўртинчи қисм билан тўлдириш таклиф этилади:

“Суд ариза ёки шикоят бериш муддатининг ўтказиб юборилганлигини аниқлаганда унинг сабабларини ўрганиши ва объектив ҳолатлар мавжуд бўлса, муддатни тиклаши мажбурий ҳисобланади.”

МСИЮТКни қуйидаги янги модда билан тўлдириш таклиф этилади:

186¹-модда. Ариза бериш муддатларининг тўхтатилиши ва узилиши

Ариза бериш муддатлари қуйидаги ҳолларда тўхтатилиши мумкин:

- табиий офат, фавқулодда ҳолат, ҳарбий ҳаракатлар ёки бошқа энгиб бўлмас кучлар сабабли;
- манфаатдор шахснинг ҳаёт учун хавfli касаллик ёки узоқ муддатли даволанишда бўлиши сабабли;
- суд ёки маъмурий органнинг айби билан ҳужжатларга кириш имконияти таъминланмаган ҳолларда.

Ариза бериш муддатлари қуйидаги ҳолларда узилади:

- агар шахс маъмурий органга ёзма мурожаат йўллаган ва унинг кўриб чиқилиши давомида мурожаат муддати ўтиб кетган бўлса;
